**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# “Ижтимоий социология”

# фанидан янги маъруза матни



**Г У Л И С Т О Н - 2017**

«Ижтимоий социология» фанидан янги маъуза матни

Тузувчи:
“ТАРИХ” кафедраси доценти Н.Темирова

Ушбу янги маъруза курсида социология фанининг предмети, тадқиқот объекти ва усуллари, фан сифатида вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, жамиятнинг ижтимоий тизимлари, ташкилотлар, гурущлар, шахс, жамият ва давлатнинг социал мощияти, социал муносабатлар, социал тараққиёт ва социал Ўсишнинг моҳияти ва манбалари, социал - этник муносабатлар масалалари, мещнат ва мещнат жамоалари, таълим ва тарбия, никощ ва оила, жамоатчилик фикри социологияси каби мавзулар уч бЎлимдан иборат таркибда ёритилган бЎлиб, учинчи бЎлимнинг сЎнггида эмпирик социологик тадқиқотлар Ўтказиш усуллари ва ащамияти ёритиб берилган.

Маъсул мухарир: Фалсафа фанлари номзоди доцент Абдиахатов Х

Тақризчилар: катта Ўқитувчи Дониёров С

Ўқитувчи Эшмуродов С

Гулистон 2017

# КИРИШ

Социология мустақил ижтимоий-сиёсий фан бЎлиб, жамиятнинг таркибига кирувчи алощида институтлар, тизимлар, гурущлар ва улар Ўртасидаги Ўзаро алоқадорликни Ўрганади.

Социология фан сифатида XIX - асрда шаклланган бЎлиб, у социал фалсафанинг масалаларини янада шакллантирилиши, конкретлаштирилиши, щамда эмпирик социал тадқиқотларнинг ривожлантирилиши оқибатида юзага келди. Жамият щаётида рЎй бераётган жараёнларни билишда, мамлакатни бошқариш сощаси бЎйича мукаммал илмий назарияларни ишлаб чиқишда бошқа ижтимоий фанлар қаторида социологиянинг щам ащамияти каттадир.

Щозирги ижтимоий фанлар билан бир қаторда, социология фани олдида щам ижтимоий - иқтисодий давр хусусиятлари, бозор муносабатларига Ўтиш жараёни ва унинг келгусидаги ижтимоий оқибатларини Ўрганиш масаласи кЎндаланг бЎлиб турибди. Социология доирасида бу муаммоларни назарий, щам амалий томонлари диалектик бо\лиқ щолда олиб қаралиши шарт, жамият щаётининг щар бир алощида олинган тизимлари эса хусусий ва конкрет социологик тадқиқот асосида Ўрганилади.

XX - аср тугаётган ва XXI - аср кириб келаётган бир пайтда жамият тараққиётини тадқиқ этадиган фанлар билан бир қаторда социологияга бЎлган эщтиёж янада ортиб бормоқда. СЎнгги йилларда социология бЎйича йирик мутахассислар, олимлар етишиб чиқдилар. Улар бу фаннинг турли тармоқлари бЎйича назарий ва амалий ащамиятга эга бЎлган илмий ишларни, дарсликлар ва Ўқув қЎлланмаларини чоп этмоқдалар.

Марксизм таълимоти собиқ социалистик мамлакатларда социологияни назарий ва амалий ащамиятини анча сусайтириб юборди, натижада ушбу фан сощасида катта бЎшлиқ пайдо бЎлиб, бу щолат социологларда тушкунлик кайфиятини юзага келтирди. Тур\унлик йилларида кЎпгина олийгощ ва илмий тадқиқот институтлари реал щаётдан муайян даражада ажралиб қолганлиги сир эмас. Социология фанининг асосий ижтимоий вазифаларидан бири щам шундай ажралишларнинг олдини олишдан иборат. Айни пайтда \арб мамлакатларида эса социологиянинг назарий концепцияларини яратиш бЎйича катта ишлар амалга оширилиб, илмий бахслар давом этмоқда. Ўзбекистон республикасининг ривожланиш имкониятларини социология фани доирасида тащлил қилиш, Ўрганиш ва олинган илмий назарий хулосалардан амалий фойдаланиш мущим масалалардан бирига айланмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг келгусидаги ижтимоий тараққиёт йЎналишини Ўрганиш кЎп жищатдан юқорида кЎрсатиб Ўтилган тадбирларни амалга ошириш билан бо\лиқ. Шу туфайли республикамизда социлогия фанини янада ривожлантиришга катта ащамият берилиб, барча олий Ўқув юртларининг турли мутахассисликлари учун Ўрганилиши шарт бЎлган фан даражасига кЎтарилди.

## 1 - МАВЗУ : СОЦИОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ.

1.1. Социология фанининг предмети ва функциялари.
1.2 Социал қонунлар ва одамларнинг социал фаолияти.
1.3. Социология фанининг сиёсий фанлар тизимида тутган Ўрни.

## 1.1.СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Социология лотинча (жамият) ва грекча (сЎз, таълимот) сЎзларидан келиб чиққан бЎлиб, жамият хақидаги фан маъносини англатади. Жамиятни тушуниш, англаш, унга нисбатан сЎз муносабатини билдиришга тенг бЎлиб инсониятнинг щамма тарихи учун хос бЎлган. “Социология” щақидаги тушунча биринчи маротаба XIX - асрнинг 30 - йилларида француз файласуфи Огюст Конт томонидан илмий қЎлланишга киритилган.

Унинг тушунишича социология жамиятга тааллуқли бЎлган щамма нарсаларни Ўз ичига олган жамиятшунослик билан бир қаторда турган.

Социологиянинг асосчиси француз мутафаккири О. Конт социологияни жамият щақидаги тажрибага асосланган фан деб щисоблайди. Э. Дюркгейм социологиянинг предметини социал далиллар щақидаги фан деб атайди.

Марксизмда социология предмети ижтимоий тизим сифатида жамиятда ва унинг тузилмавий элементларини ташкил этган шахслар, ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтларни илмий асосда Ўрганиш щисобланади.

Щозирги бизнинг адабиётларда социологияга қуйидагича таъриф берилган: Социология - яхлит ижтимоий тизим сифатида жамият щақидаги унинг таркибий элементлари орқали (шахслар, ижтимоий бирликлар, институтлар) бу тизимни амал қилиш ва ривожланиши щақидаги фандир. Социология объекти жамият щисоблансада, социология предметининг дастлабки босқичи сифатида жамият тушунчасини ажратиб кЎрсатиш етарли эмас.

Социологиянинг илмий мақомини асослашнинг мощияти унинг объекти ва предмети Ўртасидаги фаркдан келиб чиқади. Объектни билиш - тадқиқот объекти нимага йЎналтирилганлигини, объектив воқелик сифатида унга нима қарама - қарши турганлигини англатади. Щар қандай воқелик, жараён ёки объектив воқеликнинг муносабати турли фанларнинг (физика, химия, биология, психология, иқтисодиёт, социология ва хоказолар..) объекти бЎлиши мумкин. Предмет, объект каби объектив воқеликнинг бир қисми ёки унинг элементлари йи\индиси умумий ёки Ўзига хос хусусиятига эга. Ўз навбатида щар бир фан Ўз предмети нуқтаи назаридан фарқ қилади.

Социал деган тушунча, социал алоқалар, щамда муносабатлар ва уларни ташкил этиш усуллари, социология билим объектининг Ўзига хослигини очиб берса, социал қонуниятлар эса социология фани предметини аниқлаш учун бошлан\ич нуқта щисобланади.

Шундай қилиб, социология тарихий аниқ ижтимоий тизимларнинг амал қилишининг социал умумий қонун ва қонуниятлари щақидаги, ушбу

қонун ва қонуниятларнинг шахслар, ижтимоий гурущлар, бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятида номоён бЎлиши ва таъсир кЎрсатиш дастаги щақидаги фандир. Социология учун социал деган тушунча асосий щисобланади. “Социал” тушунчаси биринчи марта Карл Маркс томонидан фойдаланилган. Улар одамларнинг бир бирига бЎлган муносабати, хаёт тарзи шароитлари ва далилларини ва инсоннинг жамиятда тутган роли ва щолатини тащлил этганларида “Социал” муносабатлар тушунчасини қЎллаган. Социал у ёки бу хусусиятнинг ва социал муносабатларнинг Ўзига хос йи\индисидир. Щар қандай социал муносабатлар тизими (иқтисодий, сиёсий ва бошқа) одамларнинг бир бирига ва жамиятга бЎлган муносабатига таълуқли. Социал деган тушунчанинг Ўзига хослигини характерловчи қуйидаги асосий жихатларини ажратиб кЎрсатиш мумкин.

Биринчи, бу хусусият турли гурущ, индивидлар учун тааллуқли ва улар томонидан социал муносабатларнинг у ёки бу хусусиятини интеграциялаш натижаси щисобланади.

Иккинчи, хозирги социал муносабатлар (иқтисодий, сиёсий ва бошқа) билан бо\ланган индивидларнинг ва уларнинг гурущлари Ўртасидаги турли муносабатларнинг мазмуни ва характерини англатади.

Учинчи, социал жихат турли индивидлар ва гурущ индивидларининг бир - бирига, жамиятдаги тутган Ўрнига, ижтимоий хаёт воқелик ва жараёнларига муносабатида номоён бЎлади.

ТЎртинчи, индивидлар Ўртасидаги алоқа ва Ўзаро таъсирнинг номоён бЎлиши биргаликдаги фаолияти натижаси демакдир.

Социология ижтимоий хаётни у ёки бу формада ва сощада Ўрганар экан, у биринчи социал воқелик щақидаги билимларни шакллантириш, социал ривожланиш жараёнларини тасвирлаш, тушунтириш, социологиянинг асосий методологиясини ва социологик тадқиқот методларини ишлаб чиқиш каби илмий муаммоларни щал этади.

Социологиянинг жамият хаёти билан хилма - хил алоқаси, унинг ижтимоий бурчи биринчи навбатда у бажараётган функциялар билан билан аниқланади. Щар қандай фанлар каби социологиянинг энг асосий функцияларидан бири **назария ва амалиётнинг бирлигидир.**

Социологик тадқиқотларнинг кЎпчилик қисми амалий муаммоларни хал этишга йЎналтирилган. Социологиянинг амалий йЎналтирилганлиги шунда номоён бЎлади-ки, у ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш майллари щақидаги илмий асосланган маълумотни ишлаб чиқишга қодир. Мана шунда социологиянинг **олдиндан айтиб бериш функцияси** номоён бЎлади.

Жамият щаётида социологик тадқиқотлардан ижтимоий хаётнинг турли сощаларини ривожлантиришни режалаштиришда фойдаланиш катта ащамиятга эга. Социал режалаштириш ижтимоий тизим қандай бЎлишидан қатъий назар щамма мамлакатларда ривожланган.

Социология мафкуравий функцияни щам бажаради.

У биринчидан, табиий - тарихий жараёнларни англаш, жамият тараққиётининг яқин орадаги мақсадларини ва истиқболларини ишлаб чиқишга қаратилган;

Иккинчидан, илмий ва мафкуравий мунозарани бошқа қарашлар тизими орқали олиб бориш;

Учинчидан, ащоли Ўртасида илмий мафкурани тарқатиш;

ТЎртинчидан, малакали мутахассисларни тайёрлаш, улар томонидан илмий мафкурани щар томонлама Ўзлаштириш. Социология одамлар Ўртасида муносабатларни шакллантиришга, яхшилашга, яқин щиссиётларини ижтимоий муносабатларга хизмат қилиб щам ёрдам бериш мумкин.

Шу туфайли социология инсонпарварлик функциясини щам бажаради.

## 1.2.СОЦИАЛ ҚОНУНЛАР ВА ОДАМЛАРНИНГ СОЦИАЛ ФАОЛИЯТИ

Қонун деганда, одатда, аниқ вазиятда умумий, зарурий ва такрорланишга хос бЎлган жиддий алоқа ёки муносабатлар тушунилади.

Социал қонуният - социал воқелик ва жараёнларнинг жиддий зарурий алоқасини акс эттиради. Социал қонунлар муносабатларни акс эттиради. Бу халқлар, миллатлар, синфлар, социал - касбкорлик гурущлари, шащар ва қишлоқ, шунингдек жамият ва оила, жамият билан шахс Ўртасидаги муносабатларни белгилайди. Социал қонунларга асосланган щолда одамлар, Ўз хаётий фаолиятлари учун зарурий бЎлган шароит таъсири остида уни қЎллайдилар.

Табиат қонунлари каби социал қонунлар воқеаларнинг табиий харакати давомида пайдо бЎлади. Улар кЎпчилик индивидларнинг ижтимоий вазиятда ва объектив алоқаларда мақсадга мувофиқ таъсир кЎрсатиши натижаси щисобланади, яъни одамлар яшайдилар, моддий ва маънавий неъматларни яратишда қатнашадилар. Махсулотни айирбошлайдилар, тақсимлайдилар ва истеъмол қиладилар, болаларни дунёга келтирадилар ва тарбиялайдилар, уларнинг иродаси ва онги билан бо\лиқ бЎлмаган щолда қонуний воқеалар занжири юзага келади.

Социал қонун ва қонуниятларни тадқиқ этиш, демак социал соща турли элементлари Ўртасидаги зарурий алоқаларни Ўрнатишдир.Умумий қонунлар щамма ижтимоий тизимларда амал қилади. (Масалан, қиймат қонуни ва товар пул муносабатлари). Ўзига хос қонунларнинг амал қилиши битта ёки бир нечта социал тизимлар билан чекланган (масалан, битта жамият туридан иккинчисига Ўтиш).

Социал қонунлар умумийлик даражаси нуқтаи назаридан фарқ қилади. Социал сощани яхлит щолда ривожлантиришни характерловчи қонунлар мавжуд. Бу қонунлар социал сощанинг алощида бЎлакларини ривожланишини белгилайди (синфлар, гурущлар, миллатлар). Социал қонунларнинг бешта категориясини ажратиб кЎрсатиш мумкин.

Биринчи, Ўзгармас характерни касб этувчи, ёки унга бо\лиқ бЎлган қонунлар. Бу қонунга биноан “А” воқелик мавжуд бЎлса у холда албатта “Б” воқелик щам бЎлиши шарт.

Иккинчи, ривожланиш тенденциясини акс эттирувчи қонунлар. Унда ижтимоий объектнинг тузилиши динамикаси бир турдаги Ўзаро муносабатлардан иккинчисига Ўтиши билан бо\лиқ.
Учинчи, социал воқелик Ўртасидаги функцияга оид бо\ланганликни қарор топтирувчи қонунлар. Бу қонунлар у ёки бу ижтимоий тизимни барқарор щолатда сақлаб туришликни таъминлайди.
ТЎртинчи, социал воқелик Ўртасидаги сабабий бо\ланишни акс эттирувчи қонунлар. Масалан, социал интеграциянинг энг мущим ва зарурий шарти бу ижтимоий ва шахсий манфаатларни оқилона бирга қЎшиб олиб бориш щисобланади.
Бешинчи, социал воқелик Ўртасидаги алоқаларни Ўрнатиш мумкинлигини англатувчи қонунлар. Социал қонунлар одамлар аниқ фаолияти давомида рЎёбга чиқарилади.

## 1.3. СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ СИЁСИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ.

Ижтимоий ва гуманитар фанлар тизимида социология алощида Ўринни эгаллайди. Бу бир нечта щолатлар билан белгиланади:

1) У жамият щақидаги, унинг щодисалари ва жараёнлари щақидаги фан щисобланади;
2) У Ўз ичига умумий социологик назарияларни ёки щамма гуманитар ва ижтимоий фанларнинг назария ва методологияси щисобланган жамият назариясини олади;
3) У жамият ва инсон щаётий фаолиятининг турли томонларини Ўргатувчи ижтимоий гуманитар ва социал сощани Ўз ичига олади. Яъни, социология - щаётнинг у ёки бу сощасини тадқиқ этувчи қонуниятларни олади;
4) Инсон ва унинг фаолияти, техник ва услубий жищатдан ишлаб чиқилган социологик тадқиқотлар, гуманитар ва ижтимоий фанлар томонидан Ўрганилади ва зарур щисобланади.

Фалсафа, иқтисодиёт, тарих, сиёсатшунослик, психология фанлари социологиянинг шаклланишига самарали таъсир кЎрсатади.
Социологиянинг фалсафа билан узвий алоқаси шунда кЎринади-ки, умумсоциологик назариялар ва амалий социологик тадқиқотлар маълум методологик асосга таянадилар. Шундай асосни эса фалсафа фани яратади. Социология фалсафага нисбатан мустақилликни шунга асосланиб эълон қилади-ки, у Ўз олдига ижтимоий муаммоларни воқеликни илмий, англаш усули асосида щал этиш вазифасини қЎяди.
Социология статистика фани билан щам мустащкам алоқада ривожланади. Бу икки фаннинг Ўзаро алоқалари шу қадар яқинки, социологиянинг ривожланиши статистик ёндашувларсиз тасаввур қилиш қийин. Социология шунингдек, иқтисодий назария, бошқарув назарияси, тарих, педагогика, щуқуқшунослик, сиёсатшунослик каби фанлар билан щам мустащкам алоқада ривожланади.

**Қисқача хулосалар**

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, социология ижтимоий бирликлар, ташкилотлар, жараёнлар ва муносабатларнинг юзага келиши, функционаллашуви ва ривожланиши қонуниятларини Ўрганувчи фандир.

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан социологиянинг мазмуни щам янада бойиб, ривожланиб боради. Янги мазмундаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий қилиб бориши, социологиянинг Ўрганиш объекти Ўзгариб бориши билан унинг Ўзи щам ривожланиб боради. Тадқиқот усуллари эса янада мукаммаллашади.

Социология миллий мафкурани шакллантириш, яратиш жараёнида алощида Ўрин тутади. Эскириб қолган дунёқараш, эскича моддий ва маънавий муносабатлар Ўз Ўрнини янгисига осонликча бЎшатиб бермайди. Бунинг учун маълум вақт керак. Социология шу вақт давомида маънавиятда рЎй бераётган Ўзгаришларни аниқлашга ва илмий асосга эга бЎлган тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Таянч иборалар**

Структурал - функционализм таълимоти, таркибий - функционал тащлил, эмпирик билиш, позитив оқим, обстракция, онтология, институтционал социология, фундаментал социология, феноменология, социометрия.

**Назорат ва мустащкамлаш учун саволлар.**

**1.** Социология фани нимани Ўрганади?
**2.** Социология қандай таркибий тузилишга эга?
**3.** Социология фанини қайси фанлар билан бо\лаб Ўрганиш мумкин?
**4.** Социологик қонунларни изощлаб беринг.
**5.** Социологиянинг ижтимоий вазифалари нималардан иборат ?

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг Ўз истиқлол ва тараққиёт йЎли. -Т.:1992
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.:1995
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI - аср бЎса\асида хавсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.:1997
4. Лавриенко В.Н.Нартов Н.А. ОсновЎ социологических знаний. ВУЗ. (Социология) - М.:1995
5. Бирюкова А.О. О предмете социологии как обшей науки об обшестве. Социологические исследования. 1991 №5
6. Социология 1990
7. Радугин А.А. Радугин К.А. Социология 1995
8. Алиқориев И.С. Умумий социология 1999
9. Бегматов А. Социологияга кириш 1995
10. Юнусов К. Социология. Ўқув қЎлланмаси 1997
11. Социология. Лу\ат маълумотнома - М.: 1995

# 2 - МАВЗУ : СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ.

2.1.Эрамиздан аввалги юнон файласуфлари (Афлотун, Арасту, Протагор) ва Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари.
2.2.XIX - аср охири XX - асрнинг бошларида социологиянинг шаклланиши ва ривожлантирилиши (О. Конт, Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, М. Вебер ва бошқалар)
2.3.20-аср АҚШ социологияси.
2.4.Щозирги шароитда социология фанининг ривожлантирилиши.

## 2.1. Эрамиздан аввалги юнон файласуфлари (Афлотун, Арасту, Протагор) ва Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари.

Социологияни фан сифатида тасаввур этиш учун энг аввало унинг вужудга келиши ва тарихий ривожланиш босқичларини Ўрганиш мущим ащамиятга эгадир. Ижтимоий хаёт ривожланиши қонуниятларини Ўрганишга қаратилган таълимотлар, қарашлар эрамиздан аввалги IV-асрдаёқ юнон файласуфлари Афлотун (эрамиздан аввалги 427-347йил)нинг “Қонунлар”, “Давлат тЎ\рисида”, Арасту (эрамиздан аввалги 384-322 йил)нинг “Сиёсат тЎ\рисида”, “Метафизика”, “Этика”, Протагорнинг (Эрамиздан аввалги 490-420йил) “Щақиқат” каби асарларида ёритилган.

Марказий Осиёнинг мутафаккирлари бЎлмиш Абу Наср Фаробий, Абу Райщон Беруний, Защириддин Мущаммад Бобур Мирзо каби улу\ алломалар Ўз даври ижтимоий хаётининг турли сощаларини илмий асосда тадқиқ қилганлар ва Ўзларининг ижтимоий қарашларини асарларида ёзиб қолдирганлар.

Абу Наср Фаробий Ўзининг “Фозил шащар ащли қарашлари щақида китоб”, “Сиёсат ал - мадания” каби асарларида олийжаноб жамият, адолатли тузум, одил хукумдорлар щақида Ўз фикр -мулохазаларини баён қилган. У Ўзи яшаган даврнинг ижтимоий тизимини, унинг зиддиятлари ва бу зиддиятларнинг келиб чиқишидаги муаммоларни назарий жищатдан тащлил қилишга уринган. Давлат ва жамият масалаларида давлатни ижтимоий тизимни бошқарувчи ташкилот деб, уни муваффақиятли бошқариш эса кЎп жихатдан давлат бошли\и, хокимнинг характерига, фазилатларига бо\лиқ деб билган “Фозиллар шахрининг биринчи бошли\и”, - деб таъкидлайди Фаробий, - шу шахар ащолисига имомлик қилувчи оқил киши бЎлиб, у табиатан Ўн иккита щислат - фазилатни Ўзида бирлаштирган бЎлиши зарур:

1. Хокимнинг 4 мучали со\лом бЎлиб, Ўзига юкланган вазифаларни осон бажариши лозим;

2. Нозик фаросатли, хотираси яхши, зещнли, фикрини равшан тушунтира оладиган, билим, маърифатга щавасли бЎлиши шарт;
3. Таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бЎлмаслиги, Ўзини тия оладиган бЎлиши ва щақиқатни севадиган, ёл\он ва ёл\ончиларни ёмон кЎрадиган, олийщиммат бЎлиши, олий ишларга интилиши зарур;
4. Мол - дунё кетидан қувмайдиган;
5. Табиатан адолатпарвар, истеъдод ва жабр-зулмни ёмон кЎрувчи, саботли, журъатли, жасур бЎлиши, қЎрқоқлик ва хадиксирашларга йЎл қЎймаслиги каби хислатлар киради.

"Маданий жамият ва маданий шащар шундай бЎладики, шу мамлакатнинг ащолисидан бЎлган щар бир одам касб-щунарда озод, щаммага баравар бЎлади, кишилар Ўртасида фарқ бЎлмайди, щар ким Ўзи истаган касб-щунар билан шу\улланади. Одамлар чин маъноси билан озод бЎладилар" - каби фикрлари Фаробийнинг жамият щаётини чуқур ташлил қилганлигидан далолат беради.

Абу Райщон Беруний Ўзининг "Қадимги щалқлардан қолган ёдгорликлар", "Минералогия", "Щиндистон" асарларида ижтимоий щаёт масалаларини ёритган. "Минералогия" асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий ащволи, ердаги бурчи, олийжаноблиги, шунингдек жамият щаёти, ижтимоий адолат тЎ\рисидаги қимматли фикрларни баён этган.

Беруний Ўз даврининг этносоциологи щам эди. "Қадимги щалқлардан қолган ёдгорликлар" асарида турли щалқлар : форслар, юнонлар, яхудийлар, христиан моликийлар ва христиан настурийлар, мажусийлар, собитлар, будпараст араблар, мусулмон араблар, турклар тЎ\рисида, "Щиндистон" китобида эса щинд жамиятининг ички тузилиши тЎ\рисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Защириддин Мущаммад Бобур щам "Бобурнома" асарида Ўз даври ижтимоий хаёти воқелигини, инсон шахси хусусиятларини, яхши ва ёмон томонларини, Андижондан -Щиндистонга қадар бЎлган улкан щудудда яшаган халқларнинг ижтимоий жихатларини шахсий кузатишлари, илмий тадқиқотлари асосида Ўрганган ва ёзиб қолдирган.

Юқорида номлари зикр этилган буюк мутафаккирлар яшаган даврда социология щали мустақил фан сифатида шаклланмаган эди. Уларнинг ижтимоий хаёт жараёнлари тЎ\рисидаги илмий тадқиқотлари натижалари эса ижтимоий - фалсафий қарашлар тарзида номоён бЎлган.

## 2.2. XIX - аср охири XX - асрнинг бошларида социологиянинг шаклланиши ва ривожлантирилиши (О. Конт, Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, М. Вебер ва бошқалар)

О. Конт томонидан 1839-йилда "Позитив фалсафа курси" асарининг учинчи томи нашр этилганлиги натижасида биринчи маротаба у жамиятни илмий асосда Ўрганиш сифатида социология терминини қЎллади ва бу социологиянинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. О.Конт томонидан таърифланган инсоннинг интелектуал ривожланишининг учта

изчиллик босқичи: теологияга оид, метафизик ва позитивик щақидаги қонуни ушбу саволга жавоб бериш учун имкон беради.

Биринчи, теологик босқичда инсоннинг \айритабиий тушунчаси диний тасаввурлар асосига қуриган.

Иккинчи, метафизик босқичда инсон \айритабиий кучдан воз кечиб, мавщум мощият, сабаб ва бошқа фалсафий мейёрлар ёрдамида воқеликни тушунтиришга харакат қилади. Иккинчи босқичнинг вазифаси - танқидий, аввалги тасаввурларни вайрон этиб, у учинчи - позитив ёки илмий босқични тайёрлайди. Бу босқичда инсон мавщумий мощиятни ифодалашдан воз кечиб, улар устидан кузатиш билан кифояланади. Бир босқичдан иккинчисига Ўтиш щамма фанларда бир вақтларда бЎлмасада изчиллик билан амалга оширилади. Бу жараён оддийдан мураккабга (юқоридан қуйига) тамойили асосида амалга оширилади.

Ўрганилаётган объект қанчалар оддий бЎлса, у ерда позитив билимлар шунча тез қарор топади. Шунинг учун поизитив билимлар аввало математикада, физикада, астрономияда, химияда, сЎнг эса биологияда тарқалади. Социология эса бу позитив билимлар чЎққисидир. У Ўз тадқиқотларида позитив услубга суянади. Позитив услуб кузатишлардан тЎпланган тажриба ва тадқиқотларни таққослаш, ишончли, текширилган, эътирозни ту\дирмайдиган эмпирик маълумотлар мажмуини назарий тащлил этишга суянган. О.Конт томонидан жамият щақидаги фанни шакллантиришда мещнат тақсимоти ва кооперациялашнинг зарурлиги щақидаги қонуннинг очиб берилиши навбатдаги мущим якун бЎлади. Бу омиллар жамият тарихида жудда катта ижобий ащамиятга эга. Шу туфайли социал ва касбкорлик гурущлари юзага келади, жамиятнинг хилма - хиллиги Ўсади ва одамларнинг моддий фаровонлиги кЎтарилади. О. Конт Ўз қарашларидан келиб чиқиб, социологияни икки қисмга : социал тур\унлик ва социал жЎшқинликка бЎлади. Социал тур\унлик ижтимоий тузимларнинг амал қилиш шароитлари ва қонуниятларини Ўргатади. О. Конт социологиясининг ушбу бЎлимида асосий ижтимоий институтлар: оила, давлат, дин, ижтимоий гурущларнинг ижтимоий функциялари ва уларнинг бирдамлик ва щамкорликни Ўрнатишдаги роллари кЎриб чиқилади. Социал жЎшқинликда О. Конт инсонни маънавий, ақлий ривожлантиришнинг мущим омили бЎлган ижтимоий тараққиёт назариясини ривожлантиради.

О. Контнинг кЎпгина \оялари, аввало табиат ва жамият щақидаги фанларнинг ижобий кЎрсатмаларидан социологияда фойдаланиш, шунингдек яхлит социал организм бЎлган жамият щақидаги тасаввурларини қабул қилиб уни ривожлантирган мутафаккирлардан бири Герберт Спенсердир. (1820-1903)

О. Конт каби Г. Спенсер щам кенг маълумотга эга бЎлган олим, Ўз даврининг буюк ақл эгаларидан бири щисобланади. У фалсафа, социология, психология ва бошқа фанлар бЎйича қатор жиддий асарлар муаллифидир. Г. Спенсернинг асосий асари “Синтетик фалсафа системаси” бЎлиб, унда табиий ва социал воқеаларнинг тарихий ривожланиши щақидаги чуқур қарашларини баён этган. Г. Спенсер социологиядаги организмга оид

мактабнинг асосчиси щисобланади. У Ўзининг организмга оид назариясини ва социал эволюция тушунчасини “Илмий сиёсий ва фалсафий тажрибалар” асарида атрофлича баён этган.

Г. Спенсер жамиятни табиий, энг аввало биологик қонунлар асосида ривожланувчи организм сифатида қараган. У жамиятни жонли биологик организмга Ўхшатади. Ушбу фикрни асослаш мақсадида у қуйидаги далилларни келтиради:

1. Жонли организм сифатида щар қандай жамият щам Ўсиш ва ривожланиш жараёнида Ўз массасида ортиб боради;
2. У ва бошқалари мураккаблашади;
3. Унинг қисмларининг тобора бир - бирига бо\лиқлиги кучайиб боради;
4. Уни  ташкил этган бирликлар гощо пайдо бЎлиб ва йЎқ бЎлиб туришига қарамай, бир бутун щолда яшашни давом эттиради.

Г. Спенсернинг социал, шунингдек эволюция назарияси катта қизиқиш уй\отади. Эволюцияда у қуйидаги асосий жищатларни ажратади: Оддийдан мураккабга Ўтиш (интеграция); бир турдан щилма-щилликка Ўтиш (дифферециация, ноаниқликдан аниқликка Ўтиш тартибининг Ўсиши). Социал эволюция бу - жамиятнинг мураккаблашуви йЎлидаги прогрессив ривожланиш ва социал, аввало сиёсий институтларни такомиллаштириш сощасидаги фаолиятдир. У социал эволюциянинг одамлар эщтиёжлари билан объектив бо\ланганлигини кЎрсатади.

“Давлат эволюцияси социал эщтиёжлар натижаси щисобланади.”- деб таъкидлайди Спенсер.

Г. Спенсернинг нуқтаи назарича социал эволюция жараёнида одамларнинг ва турли социал институтларнинг жамоавий фаолиятининг ащамияти ортади. Турли авлод одамларнинг биргаликдаги интилишлари орқали амалга оширилаётган социал эволюция давомида жамиятнинг кЎп функциялари Ўзгаради.

Спенсер жамиятни парчаланиши муаммосини - мувозанат, уй\унлик ва барқарор қарама - қарши бЎлган жараён деб щисоблаб, Ўз қарашларини баён этган. Жамиятнинг парчаланиши унинг фикрича инқирозга учраши орқали юз беради. Бу жараён ички, шунингдек ташқи сабаблар таъсири натижасида содир бЎлади. Жамиятнинг парчаланиши сиёсий хокимиятни, армия, Ўтмишда прогрессив бЎлган ташкилотларни Ўз ичига олган давлат институтларининг самарали фаолият кЎрсатишининг кучсизланиши натижасида бошланади. Жамиятнинг парчаланиши жараёнида деб давом этади Спенсер, интеграциялашган харакатларнинг камайиши ва марказдан қочувчи харакатларнинг кучайиши юз беради. Тартибсизлик кучаяди, хукумат Ўзининг қобилиятсизлигини намойиш этади. Спенсер айтган ушбу фикрлари долзарб, мазмунан чуқур ва аниқ эканлиги нуқтаи назаридан катта ахамцят касб этади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Спенсернинг фикр ва қарашлари бизнинг замондошларимизга хозирги хаётнинг мазмунини чуқур тушуниб олишларига ёрдам беради.

XIX- асрнинг охири XX- аср бошларидаги социологик позитивизмнинг кЎзга кЎринган вакилларидан бири, бу француз социологи Эмиль

Дюркгеймдир (1858-1917). У бир неча маротаба О. Конт ва Г. Спенсерлар социологик қарашининг ащамиятини таъкидлаган, уларни танқидий англаган ва янада ривожлантирган. У бир бутун социал организм бЎлган жамият щақидаги назариясини ишлаб чиқишни ривожлантирган. У социал реализм назариясида социал воқелик табиатини социал воқеалар орқали тушунтириш лозимлиги, одамларнинг феъл-атворини тащлил этишнинг бошлан\ичи бЎлиб индивидлар, ижтимоий гурущлар ва тегишли социал институтларнинг Ўзаро муносабати тизимини ташкил этган жамият щисобланишини ёритади.

Дюркгейм "Социология услуби" номли асарида социология сощасидаги жамият ривожланиши назарияларини ишлаб чиқишга эътиборини қаратиб, социал омилларни илмий тащлил этишга қаратилган тавсилотларни яратиш устида шу\улланган.

Социология,- деб ёзади у, социал далиллар щақидаги фан бЎлиб, унинг остида сиёсий, хуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа \оялар, қоида ва қадриятлар ётади. Дюркгейм фикрича, социал воқеликнинг якуний сабаблари бЎлиб, амалиётда рЎёбга ошириладиган одамларнинг \оя ва маданий қадриятлари щисобланади. Айнан ана шунда, у щар қандай социал эволюциянинг манбаи мавжудлигини кЎради. Бунда сЎз жамоавий онгни номоён бЎлиши сифатидаги \оялар ва маънавий қадриятлар устида боради.

Айрим шахсларда нисбатан социал қоидалар, қадриятлар ва бошқа ижтимоий онгнинг номоён бЎлиши объектив амал қилади. Социал назария ва услуб муаммоларини ишлаб чиқишда, Дюркгейм социология ва фалсафанинг Ўзаро таъсири муаммоларига щам эътиборни қаратган.

У социология буюк фалсафий таълимотлардан юзага келганлигини эътироф этади ва доимо қандайдир фалсафий ёндашувларга суянганлигини таъкидлайди. Социология -деб ёзади Дюркгейм - аллақачон мустақил фан бЎлиб шаклланган, Ўз предметига эга ва шу туфайли Ўз иши билан шу\улланиши керак. Дюркгейм асарлари социологиянинг мустақил фан сифатида қарор топишида мущим ролни Ўйнайди.

XIX- асрнинг охири XX- асрнинг бошларида социологиянинг ривожланишига буюк щисса қЎшганлардан бири, бу немис мутафаккири Макс Вебердир. (1864-1920). Щозирги кунда Макс Вебер социологияси хақиқий уй\ониш даврини бошидан кечирмоқда. Унинг фалсафий социологик қарашларининг кЎп томонлари янгидан қайта англанмоқда.

Унинг фикрича ишлаб чиқилган социологик билим методологиясини тушуниш консепцияси, маданият, этика, социология, дин щақидаги таълимотлари харакат учун қЎлланма сифатида қабул қилинмоқда.

Вебернинг фикрича, социология аввало, инсон ёки гурущ, одамларнинг феъл - атвори ва социал фаолиятини Ўрганиши керак. Вебер кЎплаб илмий асарларнинг, жумладан, "Социал - илмий ва социал - сиёсий билишнинг объективлиги", "маданият щақидаги мантиқ фани сощасидаги танқидий тадқиқотлар", "социология" ва бошқаларнинг муаллифидир.

Социал харакат Вебернинг фикрича одамларнинг англаб етилган Ўзаро муносабати тизимини ташкил этади. Бундай щолатда у социологиянинг предмети щисобланади.

Вебер Ўз асарларида социология назарияси ва методологиясига оид кенг қамровли муаммоларни атрофлича мухокама этишга катта ащамият берган. Шундай қилиб, Вебер асарларидаги илмийлик ва объективлик бир - биридан ажралиб кетмаган.

Социологиянинг классик ёки нокалассик илмий турининг Ўзига хос синтези бЎлиб, К. Маркс ва Ф. Энгельс, щамда улар издошларининг жамият щақидаги материалистик таълимотлари щисобланади. Марксизмда социологиянинг предмети бЎлиб, жамиятни, унинг ривожланишининг асосий қонуниятларини, шунингдек, асосий социал бирликлар ва ташкилотларни Ўрганиш щисобланади. Жамият щақидаги материалистик таълимотнинг асосий тамойиллари қандай?

Биринчи, тарихий материализмнинг энг асосий тамойилларидан бири, ижтимоий тараққиёт қонунларини тан олинишидир. Ф. Энгельс К. Маркснинг қабри устида сЎзлаган нутқида, унинг буюк ютуқларидан бири шундаки, агар Дарвин тирик организм дунёси тараққиёти қонуниятини кашф этган бЎлса, Маркс эса инсоният тарихи тараққиёти қоидасини кашф этди. Қонуниятни тан олиш жамиятдаги умумий барқарор такрорланувчи жараёнлар Ўртасидаги алоқа ва бо\ланишларни англашни билдиради.

Иккинчи, материалистик қарашлар тизимидаги қонуниятни тан олиш - детерминизм тамойили билан чамбарчас бо\ланган, яъни сабаб - оқибат бо\ланишларни тан олиш демакдир. К. Маркс “Сиёсий иқтисод танқидига доир” китобида ёзади: “Моддий неъматларни бевосита ишлаб чиқариш, жамият иқтисодиётининг щар бир босқичи ёки давр асосини ташкил этади, унинг натижасида давлат муассасалари, хуқуқий қарашлар, санъат, щаттоки, одамларнинг диний тасаввурлари ривожланади”.

Учинчи, жамият щақидаги материалистик таълимотнинг учинчи, мущим тамойилларида бири - ол\а қараб прогрессив ривожланишни асослашдир. Тараққиёт щақидаги марксистик таълимот ижтимоий хаётнинг асоси бЎлган ижтимоий - иқтисодий формация щақидаги таълимот орқали амалга оширилади.

ТЎртинчи, жамиятни тащлил этишда қЎлланиладиган умум-илмий мезонлар, қонуниятлар ва ривожланишдаги сабабий бо\ланишлар марксизмда ижтимоий жараёнлар ривожланишининг Ўзига хослигини тан олиш билан бо\ланади.

Эмпирик социология асримизнинг 20 йилларидан бошлаб социологиядаги етакчи мактаблардан бирига айланди. Эмпирик социологияга бир қатор Ўзига хос хусусиятлар тегишли бЎлганлиги сабабли уни одатда мустақил оқим сифатида ажратиб кЎрсатадилар.

## 2.3. XX-аср АҚШ социологияси.

Эпирик социологиянинг вужудга келиши “социал образлар” ёки “далилларни тадқиқ қилиш” деб аталган нарсаларни эълон қилишдан бошланган эди. Бу Ўринда гап муайян социал далил ва ходисаларни батафсил баён қилиш ва ишлаб чиқариш тЎ\рисида боради. Социологик

муаммоларни щал қилишнинг бундай усули тез орада биринчи бЎлиб АҚШда, айниқса, кенг тарқалди. Эмпирик социология шаклланишининг маркази Чикаго университети бЎлди (уни Чикаго “хаёт маркази” деб хам аташган). Бу ерда 20-30 йилларда эмпирик социологиянинг яққол ривожланишини ифодаловчи кЎп қиррали амалий тадқиқотлар кенг суръатда амалга оширилди. Бу йЎналишлар аниқ щолатларда кишилар щаёт фаолиятларини мукаммал тадқиқ этишга қаратилган эди. Масалан, эмпирик социологиянинг асосчилари деб щисобланувчи У. Томас ва Ф. Знанецкий беш томли “Поляк дехқони Европада ва Америкада” (1918-1920) деган асарида АҚШга кЎчиб келган поляк дещқонларининг щаётини батафсил тащлил қилдилар. Бунда улар ашёвий далиллардан, шахсий хужжатлардан - 28 поляк оиласининг шахсий ёзишмаси, айрим кишиларнинг таржимаи щоли, анкеталар ва шу каби бир қанча материаллардан кенг фойдаландилар.

Бу социологияда тадқиқотлар Ўтказишнинг янги тури бЎлиб, унда замон ва макон билан чекланган жуда кЎп даллилар Ўрганилар, аммо, одатда жамият хаётининг мущим томонлари қонуниятларига оид умумлаштирувчи хулосалар чиқарилмас эди. Шунга кЎра, тадқиқотлар Ўтказишда текширишнинг махсус тартиби ва техникаси щам қЎлланила бошлади: кузатиш, интервью анкета тарқатиш, хужжатларни Ўрганиб чиқиш, тажриба Ўтказиш ва моделлаштириш, тЎпланган материалларни статистик жищатдан ишлаш, диаграмма, графиклар тузиш кабилар.

Оммовий сЎровлар усули ва техникаси ривожига Ж.Г. Гэллапнинг “Жамоатчилик фикрини Ўрганиш Америка институти” фаолияти катта рол Ўйнайди. У 30-йилларда 10 кунлаб давом этадиган умуммиллий сЎровларни Ўтказди.

ХХ-асрнинг 20-йилларидан бошлаб Америка штатлари жащон социологияси ривожида етакчи мавқени эгаллади. АҚШда социологиянинг фан сифатида жадал риволанишида қуйидаги омил мущим рол Ўйнайди. Капитализмнинг юқори босқичга кЎтарилиши, европада синфий курашнинг кучайиши натижасида мажуд ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий зиддиятларни щал этишга қаратилган эмпирик тадқиқотларнинг катта хажмда тЎпланганлиги АҚШда социологиянинг фан сифатида жадал ривожланишига сабаб бЎлди. Бу ерда социология дастлаб университет фани сифатида шаклланди. 1892-йилда жащонда биринчи марта Чикаго университетида социология кафедраси ва факультети очилди. 1901- йилда социология 169 университет ва колледжларда фан сифатида Ўқитилган бЎлса, 80-йилларнинг охирларига келиб бу рақам 250 ни ташкил қилди.

АҚШда социология Ўзининг илк давридаёқ амалий - эмпирик фан сифатида шаклланди. 1910-йилдаёқ мамлакатда 3000 дан ошиқ эмпирик тадқиқотлар Ўтказилган эди. Щозир бу кЎрсаткич 2 баравардан ошиб кетди. Социологик тадқиқотлар Ўзининг жуда катта молиявий асосига эга. Социологик тадқиқотлар Ўткашиш учун йилига 2 миллиард доллар ажратилади. Бу харажатларнинг ярмини АҚШ хукумати, қолган ярмини хусусий бизнес Ўз зиммасига олган. АҚШда хозирга келиб 100 минг социолог мутахассислар фаолият кЎрсатмокда. Хукумат ва мулк эгалари социологияга социал

зиддиятларни щал этиш қуроли сифатида, ижтимоий барқарорликни таъминлаш воситаси, ижтимоий назорат ва бошқарув омили, мещнат унумдорлигини оширувчи кишиларнинг моддий ва маънавий муносабатларини тартибга солиб туришнинг илмий асоси сифатида жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Эмпирик тадқиқотлар мунтазам равишда олиб борилиши фундаментал методологик ва назарий асоснинг ишлаб чиқарилганлиги, унинг математик сатистик, компьютер технологияси юқори даражадалиги, моделлаштириш ва социал экспериментларнинг юқори савияда олиб борилиши оқибатида хозирга келиб АҚШда социология аниқ прогнозлар берувчи фанга айланган.

ХХ-асрнинг 20 - йилларидан бошлаб .АҚШ социологиясида мещнат муносабатлари,инсоний мунособатларни Ўрганиш янги ижтимоий - иқтисодий муносабатларга Ўтиш жараёнларини тезлаштирди. Масалан, 1927 -1932 йилларда Э. Мэйо ращбарлигида мещнат ва бошқарув муносабатларини Ўрганишга қаратилган ва Хоторн экспериментлари номи билан машщур бЎлган социологик тадқиқотлар (бу тадқиқотлар /арбий Европани ларзага солган кучли иқтисодий таназзул даврида Ўтказилган бЎлиб унинг Ўз олдига қЎйган мақсади - ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қЎшимча омилларини қидириб топишдан иборат эди.). Шу асосда 1943-йилда Абрахаам Маслоу томонидан ишлаб чиқарилган “истеъмолнинг иерархик назарияси” яратилди ва амалиётда қЎлланилди. Кейинчалик, шу назария асосида, 1950- йили Ф. Херцберг томонидан “мотивация назарияси” (мехнат шароитларининг ички ва ташқи омиллари щақидаги назария) ва 1957-йили Д. Макгрегор томонидан “бошқарув усуллари назарияси” яратилди. (Бунда бошқаришнинг 3 асосий усуллари - авторитар, демократик ва аралаш тип хақида фикр юритилади)Ф. Херсберг назариясига кЎра, фақат ички омиллар мещнат мазмунини, мещнатдан қониқишни оширади. Мещнат шароитлари: иш щақи, шахслараро муносабатлар, корхона ращбариятининг тутган сиёсати, бошқарув усули ва бошқа шу кабиларга у ташқи омиллар сифатида қарайди.

Бу омиллар мещнатдан қониқмаслик даражасини пасайтириб, кадрларни, мутахасисларнинг корхонага бо\ланишини мустащкамлайди. Аммо, бу омиллар мещнат унумдорлигининг ошишига щал қилувчи таъсир кЎрсатмайди, бу билан Ф. Херцберг қуйидаги Ўзаро бо\лиқликни асослайди: мещнатдан қониқиш щосил қилиш мещнат мазмунининг функциясидир. Қониқмаслик эса мещнат шароитининг функциясидир.

60-йилларда АҚШ назарий социологияси феноменологик йЎналишнинг кучайганлиги билан характерланади. Феноменологик социологиянинг шаклланиши А. Шнетц номи билан бо\лиқ. Ўз мощиятига кЎра, феноменологик социология антипозитив йЎналишда бЎлди. АҚШда яна бир антипозитив социологик йЎналиш - символик интеракционизм бЎлиб, унга Г. Блумер асос солган. “Янги социология” номи билан аталган учинчи антипозитив социологик йЎналиш Ч.Р. Миллс номи билан бо\лиқ. Символик интеракционизм, феноменологик социология, “янги социология”, конфликт социологияси, ижтимоий айирбошлаш назарияси,

неофункционализм ва бошқа шу каби назариялар - хозирги замон социологиясининг асосий йЎналишлари щисобланади.

Америка социологиясида 60-йилларга қадар марксистик \оялар таъсири йЎқ эди. 60-йиллардан бошлаб АҚШда марксистик социологияга қизиқиш орта борди. 70-йилларда Р.Фридрихс каби социологлар "диалектик социологик" дастурини ишлаб чиқиш \ояси билан чиқдилар унга кЎра, марксистик ва номарксистик социологик назариялар, концепциялар Ўртасидаги зиддиятли ажралишни бартараф қилиш масаласи илгари сурилган. АҚШ социологиясида узоқ вақт бихевиоризм методология сифатида хукмрон бЎлди. Бихевиоризм инглизча сЎздан келиб чиқиб, хулқ маъносини англатади. Бунга кЎра социология инсон хулки тЎ\рисидаги фандир. Бихевиоризм асосчилари Э.Торндайк , Д. Уотсон, Б. Скиннерлар эди. Уларнинг фикрига кЎра, инсон хулқи кЎп жищатдан бошқариладиган рущий жараёндир. Шунинг учун, бихевиоризм номоёндалари социология, ижтимоий психология каби фанларнинг асосий вазифаси инсон хулқини бошқаришдан иборат бЎлмо\и лозим, деб щисоблайдилар.

Бихевиоризм социологияни ноэмпирик усулларига катта ахамият беради. Бу методология асосчилари социологияда айниқса кузатиш ва эксперимент усуллари мущим Ўрин тутишини таъкидлайдилар. Эмпирик маълумотларни қайта ишлашда эса миқдорий, математик ва статистик усуллар кЎпроқ ащамиятли эканлигини кЎрсатадилар. Социология фани ривожида бу йЎналиш катта ащамият касб этиб, у инсон хулқининг чуқур ички яширин, ботиний дуёсини Ўрганишга сезиларли таъсир кЎрсатди.

АҚШ социологиясида бихевиоризм методологиясидан ташқари яна Парсонс ва Мертонларнинг таркибий-функционал тащлил мактаби методологияси щам мущим ащамият касб этди.

XX-аср социологияси ривожида "индустриал жамият", конвергенция, социал стратификация назариялари, "оммавий жамият" доктринаси, структурали-функционал йЎналиш, танқидий социология каби \оялар щам сезиларли ащамиятга эга бЎлди. Уларнинг айримлари щақида қисқача тЎхталиб Ўтамиз.

<u>Ягона индустриал жамият</u> - бу жамиятнинг асосий принциплари қуйидагилардир: 1. Хусусий мулкчилик, иқтисодий Ўсиш, шахс эркинлиги ва социал тартибни щимоя қилиш асосидир. 2.Бизнес социал тараққиётнинг харакатлантирувчи кучи (ишбилармон-марказий фигура)
3. Менежерлик бошқариш шакли сифатида(маълумотли администратор-марказий фигура). 4. Сиёсий якдилликка олиб борувчи демократиянинг хилма - хиллиги. 5. Социал зиддиятлар қарама - қаршилигини бартараф этувчи ижтимоий хаётнинг хукмрон \оядан щоли бЎлиши. 6. Корпорациянинг ривожланиши (масалан транснационал корпорация ёки "умумеврoпа бозори" кабилар). 7. Индустриал жамият инсон фаолияти, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, муомалани йЎлга қЎйиш (масалан бозор хЎжалиги бЎйича) сиёсий, демократия, давлатчилик, социал структура, истеъмол, халқлар ва маданиятлар муносабатлари сощаларида Ўзига хос хусусиятларга эга .

Социал стратификация - Социологлар социал харакатчанликни страталарга (қатламларга) бЎлинган жамиятнинг Ўзига хос хусусияти деб биладилар ва уни горизонтал щамда вертикал харакатчанликка бЎладилар. Кишиларнинг айнан бир табақа ичида харакати, масалан, иш жойини ёки турар жойини Ўзгартириш горизонтал харакатчанликни англатади. Вертикал харакатчанлик эса қуйи табақалардан юқори табақалар томон ва аксинча қилинган харакатни билдиради. Америкалик социолог Сеймур Липсетнинг фикрича, жамиятда стратификация системаси социал зинанинг қуйи по\онасида турганларга норозилик манбаи сифатида таъсир қилади, шунинг учун щам стратификация системаси ажралишининг манбаидир, аммо шу билан бирга у кишиларни турли лавозимларга тайинлашнинг ва уларни Ўз вазифаларини адо этишга ра\батлантиришнинг асосий механизмидир. Амерка социологиясида У. Уортнер Америка жамиятининг социал табақаланиш моделини ишлаб чиқди. Бу моделга олтита социал синфнинг табакаланиш тартиби берилган. Уортнерга эргашган щолда К. Дэйвс, У. Мур, В. Колеман, Л. Рейуотер, Э.Шойх, Т. Гайгер, Р. Дарендорф каби олимлар Ўзларининг стратификация схемаларини ишлаб чиқдилар.

Элита назарияси - /арбий Европа ва Америка социологлари орасида элиталар назарияси ва жамиятдаги элита муносабатлари назарияси кенг тарқалган. Бу социологлар бирон бир сощада - сиёсий, маъмурий, щарбий, илмий, техник, хЎжалик ва маданият сощаларида юксак вазифаларни адо этаётган кишиларни ижтимоий элитага киритадилар. Шундан келиб чиққан щолда, улар сиёсий, щарбий, илмий ва бошқа шунга Ўхшаш элиталар щақида гапирадилар, щамда элитани “жамиятнинг қаймо\и” деб атайдилар.

Щулоса қилиб айтганда Америка қЎшма штатлари ва /арбий Европадаги турли социологик назариялар, таълимотлар социологияни юқори даражада тараққий этган индустриал жамият шароитида ривожлантириб, уни жащон миқёсида кенг тарқалишида катта рол Ўйнайди.

## 2.4.Щозирги шароитда социология фанининг ривожлантирилиши.

Россияда социологик \оялар умумжащон социологик фанининг бир қисми сифатида ривожланган. Тадқиқотчилар Россияда социологик \оялар ривожланишининг 3 босқичини ажратиб кЎрсатадилар. Биринчи босқич - XIX -аср Ўрталаридан то 1918- йилгача, иккинчи- XX-аср 20-йиллари бошидан то 50- йиллар охиригача; учинчи, 60-йиллар бошидан то бизнинг кунимизгача.

Биринчи босқич, аввало П. Лавров (1828-1900) ва Н.М.Михайловский (1822 - 1904)лар каби йирик социал мутафаккирлар фаолияти билан бо\лиқ. Улар томонидан ривожлантирилган социал \оялар “субъектив социология” номини олган. Бундай йЎналишдаги \оя П.Лавровнинг 1870 йилдаги машщур тарихий хатида биринчи марта таърифлаб берилган. “Субъектив социология” номоёндалари ижтимой тараққиёт назариясини ишлаб чиқишга эътибор бердилар. Лавровнинг фикрича ижтимоий тараққиётнинг мощияти - маданиятни қайта ташкил этиш: шахсан анъанавий тур, қотиб қолган

ижтимоий формаларни Ўзгарувчан, жЎшқинликни ифодаловчи тузумлар ва муносабатлар билан алмаштириш зарур. Субъектив социологлар андозаларида шахс асосан харакатга келтирувчи куч сифатидагина эмас, шунингдек ижтимоий хаётнинг Ўлчови щамдир.

Ижтимоий тараққиётнинг олий мақсади шахснинг щар томонлама камол топиши учун хизмат қиладиган муносабатларни яратишдан иборат.

Субъектив социология билан бир қаторда, Ўша давр социал фанида сезиларли ролни М.М.Ковалевский (1857-1916) нинг асарлари Ўйнади. Ковалевский социологик назариясининг мощияти социал гурущлар, синфлар ва щалқлар Ўртасидаги бирдамликдир.

Россияда социал фикрни ривожлантиришда сезиларли ролни Ю.Ясоннинг "Россия ва /арбий Европа давлатларининг сиёсий статистикаси." асари Ўйнади. Социологияни тавсифлаш, синфлар щақида назарияларга ба\ишлаб Россия социологлари А. Богданов, В. Шумятников, П. Сорокин, К. Тахраев асарлари юзага келди. 1918-1919 йилларда Петербург ва Ярославль университетларида социология кафедралари ташкил этилди. П.А. Сорокин (1889-1969) йирик олим ва жамоат арбоби бЎлиб, Россия социологияси ривожланишига катта щисса қЎшган.

Иккинчи босқичда назарий социологиянинг ривожланиши давом этди. 1920-йилларда П.А. Сорокин "Социология асослари", 1922-йилда М.С. Солинскийнинг "Одамларнинг социал хаёти", 1922-йилда М.М.Хвостовнинг "Социология асослари" асарлари, 1928-йилда Н.А. Бухариннинг "Тарихий материализм назарияси" асарлари чоп этилди. 1974- йилдан бошлаб ихтисослашган махсус "Социологик тадқиқотлар" журнали чиқа бошлади. 1988-йилдан бошлаб Москва, Лениград, Свердловск, Киев университетларида социология факультетлари фаолият кЎрсата бошлади. Совет тузуми даврида тарихни материалистик тушунишга синфий ва партиявий ёндашишни абсолютлаштириш оқибатида умумсоциологик қонуният мощиятига путур етказилди. Жамият тараққиётини бир томонлама, бЎрттириб тушунтириш оқибати субъективизмга, волюнтаризмга олиб келди. Социология фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар сингари сиёсатга бЎйсундирилиб, унинг хизматкорига айлантирилди. Социологиянинг асосий ижтимоий вазифаси муайян андозага солинган, олдиндан қатъий белгиланган сиёсий буюртмани бажаришдан иборат бЎлиб қолди. Мавжуд мафкура доирасидан чиқиш қатъий таъқиқланди.

Шундай қилиб Ўша давр ижтимоий фанлари учун метадологик асос қилиб олинган тарихни материалистик тушунишдан четлашилди. Ижтимоий онг ижтимоий щаётни эмас, балки ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди, деган материалистик мощиятга эга бЎлган умумсоциологик қонуниятга хилоф равишда иш юритилди.

Совет Иттифоқи даврида социологиянинг фан сифатида ривожланиши учун тЎла имконият бЎлмади. Бунинг асосий сабаби демократиянинг йЎқлиги, ижтимоий муносабатларга фақат синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан қаралганлиги бЎлди. Социология эса фақат тЎлақонли демократия бЎландагина фан даражасида амал қилади. Чунки социология мощият

эътибори билан жамият хаётининг Ўзаро бо\лиқ бЎлган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий турмуш сощалари ривожланиши ва функционал қонунларини объектив жищатдан умумий тащлил қилади.

Бинобарин, эмпирик тадқиқот даражасида олинган маълумотлар Ўрганилаётганда объектнинг салбий жищатларини щам ифодалаш мумкин.

Кишиларнинг давлат сиёсатига, мавжуд сиёсий режимга муносабатини, моддий турмуш даражасини, кайфияти, интилишлари ва шу каби муносабатларини социологик тадқиқ қилиш орқали мажуд ижтимоий сиёсий щолат юзага чиқарилади. Фақат тЎла қонли демократик тузумдагина мавжуд сиёсий кучларнинг фикрлар хилма-хиллигига йЎл қЎйилади.

Социологияда тадқиқот натижаси қандай бЎлишидан қатъий назар илмий асосланган ва объектив характерда бЎлиши талаб қилинади. Агар давлат демоктратик асосда бошқарилмаса хокимият тепасидаги сиёсий кучлар манфаатига хизмат қилмайдиган щар қандай илмий социологик тадқиқотдан воз кечилади ва у тақиқланади. Сиёсий идеологияга бЎйсундирилган социология Ўзининг илмийлигини йЎқотиб субъектив, сунъий ва сощта хусусиятга эга бЎлиб қолади.

Ўзбекистонда социал фикрлар ривожида 20-30 йиллардаги жадидчилик харакати \оялари мущим рол Ўйнайди. Маърифатпарвар жадидлар шартли равишда 3та гурущга бЎлинган холда (Ижтимоий сиёсий, маданий-маънавий, диний-маърифий) ìèëëèé ìàôêóðàíè ўðàòèø, ўíãè÷à òàúëèìíè æîðèé ýòèø ìèëëèé ìàäàíèÿòíè ðèâîæëàíòèðèø диний ва махаллий урф одатларни кенг ёйишнинг ижтимоий маънавий жихатлари билан бир қаторда социал жихатларини щам атрофлича тащлил қилганлар. Уларнинг бу \оялари республикамизда кейинги даврларда социал қарашлар ривожида мущим ащамият касб этди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими ба\рида бЎлишига қарамасдан Ўзбекистонда 60 - 90 йилларда социология фанининг бир қанча сощалари бЎйича илмий изланишлар олиб борилди. Жумладан социал синфий структура / С. Турсунмущамедов, А.Валиев/ Бошқариш социологияси /А.С.Тамкин/ оила социологияси / У. Тоштемиров, Г. Щамидова, Б. Умаров, М. Сангилов / Сощаларда эътиборга молик ишлаб амалга оширилди.

1989 йилда Москвада ташкил қилинган жамоатчилик фикрини Ўрганиш бутун иттифоқ марказининг Ўзбекистон БЎлими иш бошлади. БЎлим социологлари республикамиз вилоятлари ва туманларида щилма - щил мавзулар бЎйича социологик тадқиқотлар Ўтказиб улар асосида кишиларнинг рущияти ва кайфиятидаги Ўзгаришларни аниқлашга муваффақ бЎлдилар. Маълум маънода, бу холат республикамизда миллий онгнинг Ўсишига ва шунинг натижасида миллий мустақилликка эришишни тезлашувига туртки бЎлди.

Ўзбекситонда дастлаб 1989-йилда Тошкент Давлат Университети фалсафа факультети таркибида социология бЎлими ва кафедраси ташкил қилинди. Шу йилдан бошлаб социологлар тайёрлана бошланди ва 1994- йили 40 мутахассис битириб чиқди. 1995- йилда 30та,1996- йилда 21 талаба социолог мутахассислигига эга бЎлдилар.

Социология кафедрасида 8 та мутахассис профессор Н.С. Аликориев ращбарлигида фаолият кЎрсатмоқда.1996-йили кафедра доценти А.Ж. Холбековнинг “Шарқ ва \арб мутафаккирларининг социологик таълимоти” китоби “Университет” нашриётида 350 нусхада чоп этилди.

Фар\она Давлат Университетида дастлаб 1990-йилда социология кафедраси ташкил этилди. 1992- йилда эса шу кафедра асосида “Умумий социология” ва “Амалий социология” кафедралари ташкил этилди. “Амалий социология” кафедраси илмий тадқиқот йЎналиши - ёшлар фаолиятида мещнат омилини фаоллаштириш йЎллари бЎлиб, бу борада аниқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

1991-йилда социология бЎйича мутахассислар тайёрлаш бЎлими очилиб унга қабул қилинган дастлабки талабалардан 17 киши 1996- йилда социология бЎйича мутахассис сифатида битириб чиқди.

Ўзбекистон ФА фалсафа ва хуқуқ институти қошида 1993- йилда Ўзбекистон социологларининг ассоциацияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг 18-июль 1994-йил 87-01-242 сонли буйру\и билан 1995-1996 Ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча олий Ўқув юртларида социология фани Ўқитилиши жорий қилинди. Аммо, республика ижтимоий хаёти муаммоларини барча Ўқув юртлари олимлари томонидан Ўрганилиши сустлик билан бормоқда. Социологик тадқиқотларнинг жамиятимиз ижтимоий хаётини Ўрганишдаги салмо\и щали жуда паст даражада.

Республикамиз миллий мустақилликка эришгандан сЎнг малакатимизда социология фанини ривожлантиришга жиддий эътибор берила бошланди. Тошкент Давлат Университети фалсафа факультети Таркибида социология бЎлими ва кафедраси ташкил қилинди. Фар\она Давлат Университетида щам социология кафедраси ташкил этилди.

1992 йилда Мещнат Вазирлиги қошида социологик тадқиқотлар маркази ташкил қилиниб бу марказ томонидан республикамизда кенг суратда тадқиқотлар Ўтказилиб, унда ащолининг иктисодий ислохотларга, демократлаштириш жараёнларига бЎлган муносабатлари атрофлича Ўрганила бошланди.

Щозирги кунда республикамизда ижтимоий фикрларни Ўрганиш маркази фаолият кЎрсатмоқда. Унинг барча вилоятларда ва туманларидаги шахобчаларида мутасадди илмий щодимлар, социологлар жамият хаётини Ўрганиш ащоли ичига тобора чуқуррок кириб боришда жонбозлик кЎрсатмоқдалар.

## Қисқача хулосалар

Кишиларнинг давлат сиёсатига, мавжуд сиёсий режимга муносабатини моддий турмуш даражаси, кайфияти, интилишлари ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш орқали мамлакатдаги мавжуд ижтимоий - сиёсий щолатни юзага чикариш мумкин. Фақат тЎлақонли демократик тузумдагина мавжуд сиёсий кучларнинг фикрлар хилма-хиллигига йЎл қЎйилади.

Ўзбекистонда социология фанини ривожлантириш борасида талай тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан республиканинг барча олий Ўкув юртларида социология фани Ўқитилиши жорий қилинди. Республика Ижтимоий фикрларни Ўрганиш маркази ва унинг вилоятлардаги шахобчалари орқали социологик тадқиқот ишлари кенг кЎламда амалга оширилиб, Ўзининг ижобий натижаларига эга бЎлмоқда.

**Таянч иборалар:**

Позитив усул, эмпирик маълумотлар социал статика, социал динамика, позивитивизм, социал реализм, социал далиллар, социал воқелик, классик ва ноклассик социология, этносоциология, метафизика, “Хоторн” экспериментлари.

**Назорат ва мустащкамлаш учун саволлар:**

1. Марказий Осиё мутафаккирларининг социал қарашларини таърифланг. (Форобий, Ибн-Сино, А. Беруний).
2. О. Конт ва унинг позитивистик таълимотини таърифланг.
3. Классик социология асосчиларини айтиб беринг.
4. Социологияда ноклассик ва марксистик йЎналиш вакилларининг қарашларини таққосланг.
5. XX-аср Америка социологиясининг Ўзига хос томонлари нимада?
6. Щозирги даврда Ўзбекистонда социологияни ривожлантириш муаммоларини айтиб беринг.

**АДАБИЁТЛАР:**


1. Ислом Каримов, Ўзбекистон XXI - аср бЎса\асида, щавсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари- Т.: 1997
2. Бекмуродов М. Социология асослари - Т.: 1997
3. Зборовский Г.Е., Орлов Г.П. Введение в социологию. Екатеринбург.: 1995
4. Капитонов Э.А. Социология XX века. История и технология. Ростов на - Дону 1996.
5. Лавриенко В.Н. Нартов Н.А. Основы социологических знаний “Учебное пособие” - М.: 1995.
6. Радугин А.А.Радугин К.А. Социология. Курс лекций - М.: 1996.
7. Современная западная социология. Классические традиции и поиски новой парадигмЎ - М.: 1990.
8. Убайдуллаева Р.Т. Хайдаров А. Социология тарихи - Т.:1993
9. Умаров. Иқтисодий ислохот Ўзбекистон Ўртача ащолисининг нигощида. “Халқ ва демократия” 1992
10. Хошимов Т. Социология. Ўқув қЎлланма - Т.:1996
11. Арон Р. ЭтапЎ развития социологичекой мЎсли - М.: 1993
12. Дюркгейм Э. О развитии общественного труда. Метод социологии - М.: 1990-
13. Краткий очерк истории социологии - М.: 1990.
14. Рафиқов /., Щошимов Т. Социология асослари - Т.: 1997
15. Юнусов К. Социология. Ўқув қЎлланмаси. Андижон, 1997
16. Алиқориев Н. Умумий социология - Т.: 1999

17.Ўзбегим. “Ватан серияси” - Т.Ф: 1992. 142-177 бетлар.

## 3 - Màâçó: Социал муносабатлар социологияси.

3.1. Социал муносабатлар тушунчаси.
3.2. Социал муносабатлар турлари.
3.3. Бегоналашув ва таназзул, ижтимоий оқибатлар.

### 3.1. Социал муносабатлар тушунчаси.

Социология фанинннг тизимида социал муносабатлар жуда мущим Ўрин касб этади. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бирлари билан маълум бир муомала ва ижтимоий щамкорликка интиладилар. Социологиядаги бу махсус соща Ўзнинг Ўта долзарблиги ва мущимлиги билан бошқа муаммо ва масалалардан ажралиб турсада, у щали мутахассислар томонидан тЎлиқ илмий ва системали равишда Ўрганилмаган ва илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Бу салбий йЎлнинг асосий сабабларидан биринчиси, собиқ Иттифоқ фалсафий-социологик адабиётида бу масалани бир ёқлама талқин қилиниши бЎлса, иккинчиси ил\ор \арб адабиётининг бу сохаси бЎйича тадқиқотларнинг тЎлиқ маълумотларини бизда йЎқлигидир.

Социал муносабатлар тушунчасини Ўзи хали социология фанида аниқ ва илимий тарифини \озирча топа олгани йЎқ. Авваламбор шуни таъкидлаш зарурки, социал муносабатлар кЎпинча ижтимоий муносабатлар тушунчаси билан тенлаштирилади ёки социал муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир хусусий кЎриниши деб талқин қилинади. Мавжуд адабиётларни чуқурроқ тахлил қилинадиган булса шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида кЎрсатилган фикрларда қимматли асос борлигини билиш мумкин.

Тор маънода социал муносабатларнинг бир мухим элементи ва тури деб интерпритация қилинади. Социал муносабатлар кенг маънода қуйидагича таъриф билан белгиланади.

Социал муносабатлар бу табиат ходисаларидан Ўлароқ булиб, унда ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими мужассамлашгандир.

О. Конт Ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини худди биологик ходисалар методи билан Ўрганиш принципларини кенг тар\иб қилади. Позитивистик-натуралистик йЎналишнинг ашаддий рақиби бЎлган феноменологик социология социал щаёт ва социал муносабатларни бундай усулда талқин қилинганлиги учун О. Конт ва унинг издошларини кескин танқид қилади. Натурализмнинг ва жиддий камчилик ва жиддий хатоликларни бартараф этиш учун

феноменологик социология инсон онгининг фаоллиги бу муаммо ечимининг асосий омили деб исботлашга интилади. Бу йЎналиш вакилларининг фикрича фақатгина инсоннинг тафаккури туфайли социал воқеликни ва социал муносабатларни конструкциялаш (яратиш) мумкин бЎлади. Чунки социал реаллик ва социал муносабатлар инсоннинг интерпретацион фаолияти орқалигина вужудга келади. Феноменологик социологиянинг таниқли вакилларидан бири Д. Силверман юқоридаги \ояларни асослаш учун позитивистик социология назариясини танқид қилади.

Албатта, бу ижтимоий фикрлар вужудга келгандан бери анча вақтлар Ўтди, янги жу\рофий-сиёсий мақомлар пайдо бЎлдилар. Энг мухими эса тоталитар тузуми барщам топиб янги давлатлар вужудга келишди, янги жамиятда бир партиявийликни хукмронлиги емирилди ва мустақил суверен давлатлар барпо бЎлдилар. Энди эса жамиятдаги жараёнларни, жумладан социал муносабатлар муаммоларини кенг плюралистик принцип орқали тадқиқ қилиш даври келди. Бу принцип орқали, социал муносабатларни муаммо ва вазифаларни турлича тащлил қилиш имконияти ту\илди. Ушбу ижобий имкониятларнинг хосили сифатида республикамизда социал муносабатлар муаммолари жахон илмий тафаккурининг щар-щил йЎналишларини натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини ажратиб кЎрсатиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда социал муносабатлар муаммосини янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Энди бу муаммони конкрет социологик тадқиқот билан Ўрганиш жоиз. Чунки социология нафақат бу муаммони, балки бутун ижтимоий хаёт жараёнларини кенг қамровда комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқот қилади.

### 3.2. Социал муносабатлар турлари.

Социал бирдамлик тушунчаси социал муносабатлар тизимида мущим Ўрин тутади. Чунки бирдамлик - бу кЎпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бЎлиб, у ижтимоий щаётда фаолият кЎсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини щал қилишларидаги щамкорлигининг кЎринишидир. Аввалом бор шуни таъкидлаб Ўтишимиз жоизки социология фанига бу термин социал жипслашувни билдирадиган тушунча сифатида биринчи бЎлиб О.Конт томонидан киритилган эди. Бу муаммога кЎгина мутафаккилар Ўзларининг кенг этиборларини қаратганлар. Айниқса Э.Дюркгейм, Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур тахлил қилганлар, лекин улар Ўз тадқиқотларини турли хил йЎналишларда олиб бордилар. Э.Дюткгеймнинг фикрича социал бирдамликни бу ахлоқий принцип ва олий универсал қадрият бЎлиб, у жамиятнинг щар бир аъзост томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тадқиқотларида социал бирдамликни асосини иқтисодий мафаатлар ташкил қилиши марказий Ўрин эгаллайди. Г.Спенсер Ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кЎнгиллий бирдамликни ажратиб кЎрсатади. Унинг фикрича кишилик жамияти Ўзининг ривожланиш йЎлида

иккита харбий ва саноат даврлари бЎлинади. Бутун хаёт бу ерда интизомга асосланган. Саноат туридаги жамият эса осойишта ижтимоий щамкорликни эркин шакиллари ифода этади. Муаммони худди иккита жищатга ажратиб тахлил қилишни Д.Дюркгеймнинг щам илмий фаолиятида кЎриш мумкин. У Ўз таълимотини механик ва органик бирдамлик ажратади. Ривожланмаган ва эски жамиятларда щукумронлик қиладиган бирдамликни Дюркгейм механик бирдамлик деб атайди.

Механик бирдамлик - бу “жамоа туридаги” бирдамлик бЎлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг Ўхшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади. Жамиятда ижтимоий мехнатнинг тақсимлашишитуфайли индивидлар махсус вазифаларини бажарадилар ва бу щислатлар сабабли жамият жонли организмни эслатади. Шу жамиятда вужудга келган янги турдаги бирдамликни Дюркгейм органик бирдамлик деб атайди. Мехнатнинг тақсимланиши индивидларда Ўзларига хос қобилиятларнинг ривожланишига омил бЎлади. Энди хар бир индивидлар бир-бирларига бо\лиқ бЎладилар ва улар социал муносабатларнинг ягона тизими орқали бирдамлик туй\уларга эришадилар.

КЎп \арб олимлари ижтимоий мулкка асосланган кооперациянинг сермахсуллигини инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича бутун жамият билан ишлаб чиқариш воситаларидан гурухлар мулки қилиб беришни таклиф қиладилар. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтмоий мулк хусусиятига эга бЎлса “маъмурият” хаклқдан ажралиб қолади ва шу сабаб орқали бюрократ бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Ўз-Ўзидан табиийки бу жараёнлар туфайли ишчилар Ўзларининг мехнатларидан мафаатдорликни хис қилмайдилар.

Мазкур тахминларнинг аксарияти Ўз исботларини топдилар. Айниқса мустамлакачилик даврида бизнинг диёрда сохта бирдамлик асосида кооперациялаштириш кЎплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Мехнатнинг ижтимоий тақсимоти ва кооперация ниқоби остида бизнинг худуд хом-ашё етиштирадиган республикага айланди. Жамиятимизда туб макънода бирлашма жараёни фаолият кЎрсатмади.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб кЎрсатганларидек, “Ўз-Ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бЎлган усули — мащаллалар тизими сЎнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бЎлиб бормоқда... энг адолатли мущит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат мащаллада бЎлиши мумкин. Щар бир корхона, щеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада тенглаша олмайди”.

1. Иқтисодий ва тақсимот муносабатлари.

Жамият ижтимоий таркибида щар бир шахс қайси ижтимоий гурущга ва ундаги щудудий, тармоқ (соха) ва ижтимоий мавқе йЎналишига мансублиги билан характерланади. Булардан ташқари яна, шахс жинси, ёш жищати, оммавий ащволи, ижтимоий келиб чиқиши, миллий мансублиги, маълумоти, илмий даражаси каби параметрлар билан щам Ўргаинилади. Щозирги бозор муносабатларига Ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ижтимоий

гурущ ва айрим шахслар қанчалик моддий имкониятга эгалиги, жам\арма мабла\и миқдори каби томонларни Ўрганишни щам талаб этади.

Щозирда ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бЎлган асослар яратилмоқда. Хусусий мулкчиликка асосланган кЎп укладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодиёт пайдо булаётир. Шунинг учун щам янги иқтисодий ва тақсимот муносабатлари социологиясини ишлаб чиқиш социология фанининг асосий вазифаларидан бири бЎлиб қолмоқда.

Щозирда мещнатнинг мазмунини чуқур ва щар жищатдан Ўзгартирмай туриб, жамиятимиз ижтимоий таркибида сифат Ўзгаришига эришиб бЎлмайди. Бунинг учун, энг аввало, мещнатга янгича муносабатни таркиб топтириш, янги технологияни яратиш, фанни янада тараққий эттириш, муносиб малакали кадрлар тайёрлаш, маорифни тубдан янгилаш каби кечиктириб бЎлмайдиган вазифалар амалга ооширилмо\и лозим.

1. Тошкент хақиқати. 1994 йил. 20 июль сони.

2. И. А. Каримов. "Щалоллик ва фидойилик фаолиятимизиинг асосий мезони бЎлсин. Тошкент щақиқати, 1994 йил 20 июль сони.

Иқтисодиёт социологияси ишлаб чиқариш ва мещнат жа-раёнини, тақсимот муносабатлари, моддий таъминот, ащолининг моддий турмуш даражаси ва шу каби жамиятнинг иқтисодий ривожланиш сощасидаги қонуниятларни Ўрганади.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, энг аввало, унинг иқтисодий асослари билан борлиқ бЎлади. Ижтимоий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бЎлса, ижтимоий щаётдаги бошқа сощаларнинг ривожланиш даражаси щам шунга мос равишда тараққий қилиб боради. Масалан, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Оврупо мамлакатларининг иқтисодий ривожланганлиги ва ащолининг турмуш даражаси, маданияти, хизмат кЎрсатиш сощаларининг тараққиётини белгилаб беради.

Иқтисодий муносабатларни Ўрганишда асосий эътибор:
мещнатнинг ижтимоий муаммолари, мещнат фаолияти ва тақсимот муносабатларига қаратилади.

Жамият аъзолари томонидан яратилган моддий бойликлар улар Ўртасида қандай тарзда ва қай миқдорда тақсимланишидаги фарқ ижтимоий гурущлар Ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради. Хусусий мулкнинг қонуний деб эълон қилиниши билан жамиятимиз ижтимоий таркибидаги текисчилик аста-секин Ўз Ўрнини ижтимоий мавкеи жищатидан ва етиштирилаётган моддий неъматларнинг тақсимоти жищатидан фарқ қилувчи ижтимоий гурущ ва табақаларга бЎлиниши ортмоқда.

Республиканинг аста-секин бозор муносабатларига Ўтиб бориши даврида Президент И. А. Каримов томонидан белгиланган беш тамойилга асосланган тарзда сиёсат юргизилмоқда. Буларнинг биринчиси: иқтисодиётнинг сиёсатдан устун бЎлиши, уни щар қандай мафкурадан озод қилиш лозимлиги.

Иккинчиси: иқтисодиётни бошқаришда, айниқса, бозор иқтисодиёти қурилаётганда, янги тузум барпо этилаётганда давлат бошқарув тизимини қЎлдан чиқармаслиги , яъни давлат асосий ислощотчи бЎлмо\и лозимлиги.

Учинчиси: қонунларга барча баравар риоя этишини таъминлаш.

ТЎртинчиси: кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

Бешинчиси: бозор иқтисодиётида шошқалоқликка йЎл қЎймай босқичма-босқич Ўтиш зарурлиги.

Тақсимот муносабатлари социология предметига тааллуқли бЎлиб, унинг таркибига ишлаб чиқариш қуроллари тақсимоти, жамият аъзоларининг ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари бЎйича жойлашуви ва жамият томонидан ишлаб чиқарилган моддий неъматлар, ишлаб чиқариш қуроллари ва истеъмол моллари киради. Мощият эътибори билан тақсимот муносабатлари мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари характерига мос келади.

Алощида кишилар ва ижтимоий гурущларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолиятининг мощияти тақсимот муносабатлари характери билан белгиланади. Ижтимоий гурущлар, табақалар ва алощида олинган кишиларнинг реал даромадлари даражаси, бу даромадларнинг Ўзгариши ва ривожланиши истиқболлари уларнинг ижтимоий-сиёсий позицияларини белгилайди.

Совет тузуми даврида ижтимоий гурущларнинг моддий даромадларини тенглаштириш сиёсати юргизилган. Натижада кишиларнинг мещнатга муносабати сусайиб, ижодийлик, омил-корлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, моддий манфаатдорлик каби ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мущим стимуллари йЎқолди.

Демак, тақсимот муносабатлари жамият хаётини, айниқса, унинг иқтисодий жищатдан ривожланишида мущим Ўрин тутади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич Ўтиш муносабати билан, Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шаклларининг жорий қилиниши ва уларни давлат щимоясига олиниши тақсимот муносабатларида тубдан Ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу эса, Ўз навбатида, жамият иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Ўз миллий пулига эга бЎлиши муносабати билан иқтисодий ва тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кЎрсата бошлади. Ўзбекистон ички бозорини тЎлдириш — давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Аммо хозирда щамдЎстлик мамлакатлари Ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг вақтиича бузилганлиги оқибатида юзага келган иқтисодий тақчиллик, айниқса, халқ истеъмоли молларининг танқислиги иқтисодий ва тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кЎрсатди. Унинг оқибатида кишиларнинг турмуш даражаси анчайин пастлади.

Ўзбекистон давлатининг бу сощадаги сиёсати “миллий бойликнинг кЎпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъмин-лайдиган қудратли, барқарор ва жЎшқин ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишдан иборат буюк мақсадни кЎзламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиёт ва тақсимот муносабатлари социология фани доирасида мущим тадқиқот объекти сифатида Ўрин тутади.

2. ИЖТИМОИЙ — СИНФИЙ МУНОСАБАТЛАР.

Жамиятнинг ижтимоий таркибида ижтимоий-синфий муносабатлар щам мущим Ўрин эгаллайди. Совет социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига жуда кенг Ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча элементлар, муносабатлар ичида энг мущим ва белгиловчи щисобланган. Бунинг сабаби, унда жамиятнинг иқтисодий таркиби бошқа ижтимоий гурущлардагига нисбатан тЎларок ва аникроқ акс этади, - деб кЎрсатилган. Щақиқатдан щам, давлат социализми даврида мавжуд ишчилар ва дещқонлар синфи жамиятнинг энг кам таъминланган, қуйи даражадаги синфларни ташкил қилди. Интеллигенция ижтимоий қатлами эса моддий таъминланганлик жищатидан улардан унчалик фарқ қилмаган. Ўтган даврда, асосан, икки синф — ишчилар ва дещқонлар синфи ва интеллигенция қат-лами мавжуд деб кЎрсатилиб, жамият ижтимоий таркибидаги бошқа гурущлар (масалан, юқори табақа чиновниклари, мафия гурущлари ва шу кабилар)нинг ащамияти мутлақо тилга олинмас эди.

Ишчилар синфи кЎп қиррали ижтимоий бирлик щисобланади. Унинг ички таркиби демографик (жинси ва ёши билан), профессионал — тайёргарлиги билан (мещнатнинг мазмуни ва характери билан) щудудий (ижтимоий-щудудий бирлик билан), этник (миллий фарқи) ва маданий-маълумоти билан фарқ қилувчи таркибий тузилишга эга.

Хозирда Ўзбекистон давлати миқёсида миллий ишчилар синфининг таркиб топиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Жащон талабларига жавоб бера оладиган мащсулотлар ишлаб чиқариш учун моддий замин тайёрланмоқда.Чет эл фирмалари билан қЎшма корхоналар яратилмоқда. Яқин келажакда, юқори технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришининг малакали ишчи - инженерлар гурущи шаклланади.
Ишчилар синфи ривожланиши истиқболларига уларни миқдорий жищатдан кЎпайтириш билан эришиб бЎлмайди. Унда мещнатнинг интеллектуал мазмунини бойитиш, замонавий автомат-технология билан жищозланган иқтисодий шарт-шароитларни барпо қилиш зарур. Амалга оширилиши керак бЎлган бундай тадбирлар қишлоқ хЎжалиги дещқонлари щамда интеллигенция қатлами учун щам тааллуқли.

Иқтисодиётни интенсив равишда ривожлантиришнинг ижти-моий-таркибий алоқаларга таъсири кучли бЎлади. Шунингдек, ижтимоий таркибдаги, иқтисодий ва тақсимот муносабатларининг ижобий ривожланиши мамлакат табиий ресурслари, щудудий Ўзига хос хусусиятлар, сиёсий барқарорлик, миллатлар Ўртасидаги муносабатларга кЎп жищатдан бо\лиқ бЎлади.

Мамлакат қишлоқ хЎжалиги сощасида банд бЎлган, қишлоқ хЎжалиги мащсулотларини етиштираётган дещқонлар щам ижтимоий таркибда синф сифатида Ўрин тутади. Ўзбекистонда ащолининг 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоизидаи кЎпро\и бугунги кунда қишлоқ хЎжалигидан олинади Мамлакатимиз бЎйича мещнатга

яроқли кишиларнинг 39,3 фоизи чорвачилик ва қишлоқ хЎжалигида мещнат қилади. Баъзи районларда бу кЎрсаткич 80-90 фоизни ташкил этади.1

Булардан кЎриниб турибдики, жамиятимиз ижтимоий таркибида дещқонлар синфининг Ўрни каттадир. Щозирда мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон щукумати дещқонлар мавқеини кЎтаришга алощида эътибор бермоқда. Уларнинг турмуш даражасини оширишда катта ишлар олиб борилмоқда Уй жой қуриш учун бепул ер ажратилди Моддий ёрдам кЎрсатилмоқда. Экинзор ерлар ижарага берилмоқда. Фермерларнинг сони ортмоқда. Етиштирган қишлоқ хЎжалиги мащсулотларини шащарга олиб келиб сотиш учун имкониятлар яратилди. Уларнинг оладиган йиллик даромадлари ортди.

Дещқонлар синфи ичида щам табақаланиш жараёни тез суръатлар билан бормоқда. Уларнинг таркибида ишбилармон, тадбиркор фермер хЎжаликлари пайдо бЎлди. Ижарачилар гурущи щам борган сари қишлоқ хЎжалигида мущим ащамият касб этмоқда.

Янги иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиши билан қишлоқ ишчилар синфи шаклланишига моддий замин тайёрланмоқда. Бошқача айтганда қишлоққа саноат кириб келмоқда. Бу эса қишлоқ хЎжалигида мавжуд ортиқча иш кучини иш билан таъминлаб, тайёр мащсулот ишлаб чиқарншни кЎпайтиради.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб ёзадики, — “Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама ~ хомашёвий йЎналишига қатъий барщам бериш республика ички сиёсатининг энг мущим стратегияси щисобланади. Фақат хом ашё етиштирувчи ва сотувчи Ўлка сурункали ночорликка гирифтор бЎлади”.

“Дастлабки щисоб-китоб шуни кЎрсатадики, агар биз республикада бор хом ашё ва чала мащсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр мащсулот ишлаб чиқаришни йЎлга қЎйсак, республикамизда ялпи миллий мащсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тащминан уч баробар кЎпайтиришимиз мумкин”.

Жамият ижтимоий таркибида зиёлилар қатлами щам салмоқли Ўрин тутади. Интеллигенция ақлий мещнат мутахассислари бЎлиб, ижтимоий-профессионал гурущлардан иборат бЎлади. Жамият ижтимоий таркибида интеллигенция ақлий мещнатнинг жисмоний мещнатдан ажралиб чиқиши оқибатида шаклланди. Щозирда, илмий техника тараққиётининг жадал бориши билан интеллигенциянинг профессионал малакаси янада мураккаблашмоқда. Унинг таркибига илмий, ишлаб чиқариш-техник, маданият, маърифат, тиббиёт-щарбий ва бошқарув аппарати ходимлари киради.

Зиёлилар таркибини яна шащар ва қишлоқ, ижтимоий бандлик сощалари бЎйича (ишлаб чиқариш ва хизмат кЎрсатиш сощасида) мещнатнинг ижодий характери даражаси билан, малака ва бошқа жищатлари билан фарқлаш мумкин.

Совет даврида зиёлилар сон жищатидан ортди-ю, аммо унинг сифат даражаси анча паст бЎлиб қолаверди. Чунки зиёлилар қатлами, аввалам бор,

мещнат характери билан белгиланади, Ўтган даврда олий маълумот олган қанчадан-қанча кишилар щозирда ишчи бЎлиб, ёки тижорат ва бошқа сощаларда ишламоқдалар. Улар зиёлилар таркибига кирмайди.

Социологияда миллий муносабатлар иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий муносабатлардаги Ўзаро узвий алоқа-дорлиги назарда тутилган щолда конкрет этник мущит доирасида, ижтимоий жамоалардаги, оиладаги, щудудий тартибдаги муносабатлар доирасида олиб қараб Ўрганилади. Шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг жамият ижтимоий щаётига таъсири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари Ўрганилади.

Совет давридa муайян иқтисодий-сиёсий ва идеологик режим асосида ушлаб турилган,бошқарилган миллий муносабатлар асосида тикланмоқда. Шу жищатдан, Ўзбекистоннинг кЎп миллатли давлат бЎлганлигини эътиборда тутган щолда, унда истиқомат қилаётган миллатлар ва халқларнинг ижтимоий турмуши, Ўзаро алоқаси ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш мущим ащамиятга эга.

Яқин Ўтмишимизда содир бЎлган Фар\она, Андижон, Ўзган воқеалари қайта такрорланмаслиги учун, Ўзбекистонда бундан кейин щам миллатлараро щамдЎстликни ривожлантириш, Ўзаро ащил, бир оила бЎлиб яшаш талаб этилади. Президентимиз И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон щукуматининг асосий мақсади щам Марказий Осиё щудудида щар қандай миллий низоларнинг олдини олищдан иборат.

Социология доирасида щам ижтимоий-этник муносабатлар илмий тащлилга мущтож бЎлади. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий, психологик жищатларини тадқиқ қилиш мущимдир. Шунинг учун щам бу масалалар социология, этнопсихология ва бошқа ижтимоий, гуманитар фан сощаларида кенг Ўрганилиши шарт.

## 3. ИЖТИМОИЙ — ДЕМОГРАФИК МУНОСАБАТЛАР

Социологияда жамият ижтимоий таркибий тузилишининг ижтимоий-демографик муносабатлари щам мущим Ўрин тутади. Бу муносабатлар, асосан, ащолининг жинсий тузилиши, ёши, оилавий ва генетик жищатларини Ўз ичига олади.

Щар қандай давлат ижтимоий сиёсатининг таркибига демографик сиёсат щам киради. Демографик муносабатларга мамлакат ащолисининг барча қатламлари мансуб.

Ижтимоий-демографик таркибга статистик жищатдан Ўрганиладиган ащоли Ўртасида ту\илиш, Ўлим, никощ, оилавий қЎйди-чиқдилар, шащар ва қишлоқ ащолисининг миграцияси, щудудий миграция кабилар киради.

Ўзбекистон ижтимоий-демографик жищатдан нищоятда мураккаб тузилишга эгадир. 51 фоизи хотин-қизлар, 9,6 млн ащо ли 16 ёшгача бЎлган болалар ва Ўсмирлардан иборат. Фар\она водийси ащолисининг зичлиги жуда катта. Андижонда щар бир квадрат километр майдонга 485 та одам ту\ри келади. Бундай демографик щолат жамият щаётининг бошқа барча сощаларида щам турли муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Ащолининг ёш жищатдан таркибий тузилишини Ўрганиш мамлакатнинг нафащат мещнат ва ишлаб чиқариш потенциалини аниқлашга, балки унинг ривожланиш динамикасини щам аниқлашга щизмат қилади. Бу жищатдан Ўзбекистоа баъзи Оврупо ва Япония мамлакатларига нисбатан “ёш” мамлакат щисобланади. Ащоли таркибииинг жинсий тузилишнни Ўрганиш щам мущим ащамиятга эга. Бу, мамлакат ишлаб чиқаришнни ташкил этиш, аёллар учун мещнат турларини ташкил этиш ва иш билан таъминлашда мущим ащамиятга эга. Хотин-қизлар ижтимоий ащволининг Ўзига хос хусусиятлари уларнинг мещнат билан бандлиги, мещнат тури, оилавий, турмуш шароити ва, шу кабиларда акс этади. Уларни о\ир жисмоний мещнатдан халос этиш масаласи щозирда энг мущим масалалардандир. Совет даврида Ўзбек хотин-қизлари қишлоқ хЎжалигида аёвсиз эксплуатация қилинди. Натижада уларнинг саломатлиги кескин ёмонлашди. Касалманд, нимжон оналардан щеч қачон со\лом фарзанд дунёга келмайди. Ўзбек ёшларининг щар учтадан биттаси щатто щарбий хизматга қодир бЎлмай қолган эди. Президент И. А. Каримов ташаббуси билан илгари сурилаётган со\лом авлод учун курашиш миллат ке-лажагини таъминлашнинг энг мущим масаласидир.

Ащолининг оилавий таркиби сони, моддий турмуш даражаси, даромади, оилавий муносабатларни ва шу каби масалаларни Ўз ичига олади. Оилани озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш муаммолари давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мақсадини ифода этади. Оилавий таркибни социологиянинг махсус сощаси — микросоциолагияда щам чуқур тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Унда иқтисодий, психологик жищатларини эътиборда тутиш зарур. Никощ муносабатлари, ёл\из яшовчнларни, оилавий бузилиш сабабларини Ўрганиш жамият ижтимоий таркибини ижобий ривожланишида катта ащамиятга эга. Оддий бир мисол: диний муносабатлар асосида, аввал никощ муқаддас саналар эди. Совет тузуми даврида диннинг ижтимоий щаётдаги мавқеига путур етказилиши ва дащрийликнинг кучаюви оқибатида никощ муносабатлари муқаддас деб қаралмай қолди. Никощ шунчаки расмий рЎйхатга олишдан иборат бЎлиб қолди. Натижада оила муқаддаслиги йЎқолиб, қЎйди-чиқдилар кЎпайди. Бу эса жамиятнинг нафаққат иқтисодиётига, балки маънавий-ахлоқий, психологнк муносабатларнинг барқарорлигига салбий таъсир кЎрсата бошлади. Салбий тенденцияларнинг кучаювига олиб келди. Ёш авлод тарбиясига зарар етказилди. Жамиятда тирик етимлар сони кЎпайди. Давлат етимхоналарининг сони ортди. Моддий ва бошқа жищатдан етарлича таъминланганлигига қарамай уларда тарбияланган болалар оилада, Ўз ота-оналари ба\рида вояга етган болалардан фарқ қилади.

Социологияда ащолининг генетик таркибини Ўрганиш борган сари моддий ащамиятга эга бЎлмоқда. Унга ащолининг табиий ва миграцион харакати киради. Ўзбек миллати бошқа миллатларга нисбатан Ўз ту\илиб Ўсган жойига кЎпроқ бо\ланган бЎлади. Айниқса, Фар\она водийси ащолисида бундай хусусият кучли. Шунинг учун щам водийда ащоли зичлиги бошқа щудудларга нисбатан ортиқ.

Ўзбекистонда генетик таркибни Ўрганишга щозирча етарли эътибор берилмаган. Унинг ижтимоий-демографик муно-сабатлардаги ащамияти катта. Ижтимоий-демографик муносабатларни аниқлашда мамлакат миқёсида Ўтказиладиган ащолини рЎйхатга олиш мущим ащамиятга эга. Ащолини рЎйхатга олиниши айниқса щозирда, бозор муносабатларига Ўтиш даврида юзага келаётган кЎплаб ижтимоий-иқтисодий, маиший турмуш сощаларидаги муаммоларни щал этишда жуда катта рол Ўйнайди. Айниқса, шащар муаммоларини щал этишдаги ащамияти катта.

Қишлоқ ащолисининг ижтимоий таркиби жамият ижтимоий таркибининг муайян бЎлаги щисобланади, қишлоқ ащолисининг ижтимоий муносабатларининг мущим белгилари:
ягона мещнат, ер, мулкий бошқарув муносабатларини Ўз ичига олади. Щозирда қишлоқ ащолисининг таркибида щам табақалашув жараёни кучаймоқда. Айниқса, қишлоққа саноатнинг кириб келиши, савдо-сотиқнинг ривожланиши ва бошқа омиллар оқибатида қишлоқ ащолиси турли гурущлардан иборат бЎлган ижтимоий бирлик сифатида ривожланмоқда.

Щулоса қилиб айтганда, жамият ижтимоий таркнбини социология фани доирасида Ўрганиш, унинг ривожланиш ис-тиқболларини, Ўзига хос хусусиятларини, мавжуд ижтимоий муаммоларини тадқиқ этишда ва зарур илмий-амалий тадбирлар ишлаб чиқишда мущим ащамиягта эгадир.

## 3.3. БЕГОНАЛАШУВ ВА ТАНАЗЗУЛ, ИЖТИМОИЙ ОҚИБАТЛАР

Щозирги жамият хаётида қуйидаги бегоналашув турларини ажратиб кЎрсатиш мумкин.

1.Иқтисодий, 2.Сиёсий, 3.Маданий, 4.Ижтимоий, 5.Рухий.

Бу бегоналашув турлари Ўзларининг маълум бир шакилларига эгадирлар. Масалан иқтисодий бегоналашув учта шаклга эга: 1.Фаолиятда бегоналашув. 2.Фаолият бошқарувидан бегоналашиши. 3.фаолият натижаларидан бегоналишиши. Сиёсий бегоналашиш сиёсий хокимиятдан бегоналашишдан; маданий бегоналашиш мулоқатдан, инсонларнинг бир-биридан; психологик бегоралашув Ўз-Ўзидан бегоналашишдан иборат бЎлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бирларига бо\лиқ ходисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хЎжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиб нархлар тез суръатларда ошиб кетса, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва сиёсий тангликлар вужудга келса, биз жамиятнинг щамма сощалари таназзулга учраган деб фикр юритишимиз мумкин.

Бу чуқур таназзул инсонларнинг кучли бегоналашув омилига туртиб киргизиши аниқ. Ўз навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса таназзул щам чуқурлашиб бораверади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида мещнатнинг тақсимланиши рЎй беради. Бу эса тараққиёт учун қЎйилган улкан қадамдир. Лекин шу билан биргаликдаижтимоий мулкчиликка

асосланган ижтимоий муносабатларнинг шундай бир тури - ишлаб чиқариш муносабатлари шакилландики унинг асосидабевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашиб аста секинлик билан Ўз мехнатининг натижасида бегоналашиб боради. Энди бу ишлаб чиқарувчи шахс учун мехнат унумининг щам қизи\и йЎқ. Марксизм таълимоти бЎйича хусусий мулк ижтимоийлаштирилгач ишлаб чиқариш воситаларига энди бевосита ишлаб чиқарувчилар умумий эгалик қилишлари керак эди. Лекин ижтимоий амалиётда эса бунинг акси бЎлиб чиқди. Сиёсий щокимиятни босиб олган пролетариат ишлаб чиқариш воситаларини энди давлат мулкига айлантиради. Социалистик революция мантиқига кЎра бу тадбирлар бегоналашув жараёнини илдизига болта уруши керак эди. Лекин 70 йиллик тарих давомида бизга уқтириб келинган ижтимоий мулк давлат мулки эди. Бу мулк эса хусусий мулкнинг энг жирканч, адолатсиз тури бЎлиб чиқди. Чунки давлат мулки Ўзининг реал эгасига эга эмас. У бир мавщум тушунча эди. Мещнат кишиси эса яна мулкдан бегонадир. Давлат мулки эса давлат аппаратининг хусусий мулкига айланиб, бу номенклатурани “янги” синфга айлантирди. Бу салбий жараёнлар натижасида ишлаб чиқариш Ўзининг хақиқий эгасини топа олмади.

Сиёсий жабщада щам сиёсий щокимиятдан жамиятнинг кЎпгина аъзолари бегоналаштирилдилар. Яъни сиёсий хокимият халқ хокимияти умумхалқ хокимияти деб эълон қилинган бЎлсада, аслида у маълум бир гурухнинг - элитанинг хусусий мулкига айланди. Бунинг асосида эса бутун бир халқ давлат сиёсий хокимиятидан бегоналашди ва бу бегоналашган омма билан номенклатуранинг орасида улкан жжарлик пайдо бЎлди. Ўз навбатида бу жараёнлар сиёсий таназзулга олиб келди ва бу таназзул туфайли ташқи душман енга олмаган тоталитар давлат Ўз-Ўзидан парчаланиб кетди.

Маданий сощадаги бегоналашув щам анчагина чуқур салбий оқибатларга олиб келадиган маънавий таназзулни келтириб чиқаради. Жамиятда со\лом мущитни яратишда маънавият ва маданиятнинг Ўрни Ўзгача. Чунки улар индивидларни баркамол бЎлиб шакилланишларига катта таъсир кЎрсатадилар. Агар жамият аъзолари Ўз маънавиятлари бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, улар энди Ўзларини келиб чиқишларидан тортиб, то Ўз миллатларининг щам миллий урф-одатлари, анъаналарини щам инкор қила бошлайдилар. Агарда яқин Ўтмишимизга, унинг тирихига мурожаат этсак ушбу сатрларимизни яққол исботини кЎрамиз. Масалан, бой маданий меросимиздан бегоналашувимиз бизларни атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг таъбирича манқуртларга айлантирай деди, яъни биз Ўз халқимиз тарихи, миллий озодлик щаракатлари ва уларнинг саркардалари, динимиз ва Ўзлигимиздан узоқлашиб қолдик. Давлатимиз мустақиллигига эришиб, маданий бегоналашувни бартараф этишни бошладик. Социалогиядаги мущим бегоналашув щисобланган социал бегоналашиш инсонларни мулоқотдан, бир-бирларидан узоқлашишлари натижасида юзага келади. Инсон Ўз мощиятига кЎра ижтимоий хусусиятга эгадир Ўзаро фаолият туфайли пайдо бЎлган эщтиёжлар асосида доим инсонлар бир-бирлари билан муносабатларда мулоқотларда бЎладилар.

Мулоқотнинг ижтимоий маъноси шундаки у маданият шакиллари ва ижтимоий тажрибаларни узатиш воситаси бЎлиб химат қилади. Лекин иқтисодий таназзул кЎпгина инсонларни қийин иқтисодий ахволга солиб қЎяди щамда жамият аъзоларининг аксарияти бозор иқтисоди муносабаларга кЎникишлари қийин кечиши инфляция эщтиёжлар тизимини чеклаш ва нормаллаштириш инсонларда агрессивлик жощиллашишни анъана ва урф-одатлар, маънавий қадрятларни йЎқотишга сабаб бЎлади. Шу каби салбий омиллар инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувларга олиб келади ва щамма Ўз щолича деган норасмий қонун пайдо бЎлади.

Рухий бегоналашув - бу инсоннинг Ўз мощиятидан узоқлашишдир. Бу муаммони немис мутаффакири Эрих Фромм жуда яхши ишлаб чиққандир. Унинг фикрича инсон мощияти доим Ўзига душманчилик кайфиятидаги бЎлган социал тузилма таъсири остидаги инсоннинг Ўз-Ўзидан бегоналашувининг щар бир даражасига маълум бир социал характер - дунёпараслик, эксплуататорлик, рецептив (андозалик, қолип), бозорга оидлик хосдир.

Замонавий жамиятни Э. Фромм инсон иощиятини “машиналаштириш”, “компьютерлаштириш” ва “роботлаштириш” жараёнлари ёрдамида бегоналашув даражасини бир махсули деб таърифлайди. Бозорга йЎналтирилган социал щаракат пайдо бЎлиб унда истеъмолга интилиш, иккиланишлар щиссиёти, яккаланиб қолишлик ва бошқа салбий щолат, щиссиётлар марказий ащамият касб этадилар.

Худди шу ерда психологик ва социал бегоналашишликни бир-бирлари билан жуда уй\унлашиб кетишларини кЎриш мумкин. Инсонлар бир-бирларидан муносабатда, мулоқотда бегоналашсалар, Ўз-Ўзларидан бегоналашиш щам юз беради, чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувлари оқибатида, улар яккаланиш, зерикиш ва щайтга қизиқишлари сЎниши вужудга келиши мумкин. Бунинг натижасида инсоннинг Ўзига келажагига, орзу-ниятларига ишончи йЎқолиб, у Ўзини бегона деб щисоблайди ва бу жараён кЎпгина саблий оқибатларга олиб келади. Хулоса қилиб айтадиган бЎлсак жамият щаётидаги турли хил бегоналашув жараёнлари тезроқ илмийлик ва уй\унлик асосида бартараф қилинсагина жамият со\лом шароитда тараққий этади ва салбий ижтимоий щодисаларнинг Ўз вақтида олинади. Масалан, мещнатдан бегоналашишликни бартараф этиш учун биринчи галда инсонларнинг Ўз мещнатлари натижаларидан манфаатдор бЎлишлари ва унинг оқибатида эса уларни мещнатга бЎлган муносабатларини тубдан Ўзгартириб, уларни қизиқиш ва куч-\айратлари билан ишлашларини ташкил этиш керак.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдан бегоналашиш муаммосини бартараф этиш щам жуда мущим маъно касб этади. Бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур демократиялштириш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд бошқарув тизимларини демократик йЎллар билан такомиллаштириш ва ишчи, хизматчиларга хЎжалик эгасининг аниқ вазифаси щуқуқи ва масъулиятларини топшириш керак.

Маданиятдан бегоналашувни бартараф этиш учун маданий меросга муносабатни такомиллаштириб бориш, жамиятнинг щар бир аъзоси маънавий қадриятлардан яхши хабардор бЎлиш ва маданий қурилишга етарли мабла\ ажратилишини таъминлаш зарур.

Ижтимоий бегоналашувни бартараф қилиш учун инсонларни бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларни хақиқий бирдамлик ва хамкорлик асосига қуриш керакки, шунда хар бир инсон Ўзини бошқалар щам учун керак эканлигини чин юракдан сезсин.

Рухий бегоналашувни бартараф этиш чоралари социал бегоналашувни бартараф этишнинг узвий давомидир. Инсон Ўзини кимгадир кераклигини рухан щис қила олсагина у щач қачон тушкунликка тушмайди. Яккаланиш, изтиробга тушиш хавфидан холос бЎлади, оқибатда уни Ўз-Ўзидан, Ўз мощиятидан бегоналашувига щач қандай сабаб қолмайди.

Биз қураётган бугунги янги жамият Ўз олдига бу бегоналашув жараёнларини тезроқбартараф этиб, щақиқий ривожланишга, эркинликка, озодликка эришиш учун щозирги қийинчиликларни собитқадамлик билан енгиб бормоқда. Яқин йиллар ичида бу щаракатларнинг натижаларида албатта юзага чиқади, деб умид қилишга щамма асослар мавжуддир.

## Қисқача хулосалар

Республикамизда социал муносабатлар муаммолари жащон илмий тафаккурининг щар хил йЎналишларини натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини алощида таъкидлаш жоиздир. Бу муаммоларни янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Энди бу муаммони конкрет социологик тадқиқот билан Ўрганиш жоиз. Чунки социология нафақат бу муаммони, балки бутун ижтимоий щайт жараёнларини кенг қамровда комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқот қилади.

## Таянч иборалар:

Ижтимоий щамкорлик, интерпретация, кооперация, механик бирдамлик, органик бирдамлик, таназзул, рецептив.

## Назорат ва мустащкамлаш учун саволлар.

1. Социал муносабатлар тушунчасини ёритиб беринг (тор ва кенг маънода).
2. Социал муносабатларнинг турларини айтиб беринг.
3. Социал бирдамлик ва унинг ащамиятини ёритинг.

## Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг уз истиклол ва тараккиет йули - Т.: 1992
2. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболи.

3. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI-аср бЎса\асида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиет кафолатлари. Ўзбекистон 1997
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
5. Юнусов К. Социология асослари - Андижон.: 1997.
6. Алиқориев Н.С. Умумий социология - Т.: 1999.
7. Социология - М.:1990

## 4- **Мавзу: ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СОЦИОЛОГИЯСИ.**

4.1. Таълим социал билимнинг тармо\и ва социал институт сифатида
4.2. Таълим тизимининг самарадорлиги.
4.3. Ўзбекистонда таълим тизими. Унинг мақсади ва вазифалари.
4.4. Иқтисодий таълим- давр талаби.

“Илм - маърифатга қизиқиши суст
миллатнинг келажаги щам бЎлмайди”.
**И.А.Каримов**

### 4.1. ТАЪЛИМ СОЦИАЛ БИЛИМНИНГ ТАРМО/И ВА СОЦИАЛ ИНСТИТУТ СИФАТИДА.

Таълим социологияси - жамиятнинг таълим тизими тЎ\рисидаги махсус социологик назария бЎлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият щаётидаги Ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятлари, даражасини, унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан Ўзаро алоқадорлигини ва шу сохадаги давлат сиёсатини Ўрганади. Таълим тизимининг жамият ривожига таъсири беқиёсдир. У щар қандай давлатнинг жамият маънавий хаётини, ижтимоий ва касбий таркибини бошқаришдаги мущим восита бЎлиб хизмат қилади.

Таълим социологияси - мактаб, Ўқув юртлари ва муассасалари фаолияти, улардаги педагогик мутахассисларнинг сифати, ёшларни Ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари каби масалаларни Ўрганишда мущим ащамиятга эга. Щозирда таълим тизими ижтимоий сиёсат тарзида ривожланмоқда. Таълим социологияси эса бу сиёсатнинг Ўзига хос жищатларини, унинг амалий натижаларини Ўрганишга хизмат қилади.

**Таълим социологиясининг асосий вазифаси:** - таълим тизимининг барча функцияларини жамият щаётида кенг имкониятлар даражасида амал қилишини таъминлаш ва ижтимоий щаётнинг турли сощаларидаги самарали таъсирини Ўрганишдан иборат. Таълим тизими Ўзининг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий функцияларига эга бЎлиб, жамият

тараққиётининг шу соҳалари тараққиётига жиддий таъсир кЎрсатади. Мамлакатнинг илмий-техникавий қадриятлари юксалишида ва шахс шаклланишида муҳим омилдир.

/арбда таълим социологиясига Э.Дюркгейм ва М.Веберлар асос солган. Улар таълим тизимининг ижтимоий функцияларини, иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан алоқаси, олий таълим соҳасининг Ўзига хос хусусиятлари каби масалаларни тадқиқ қилганлар. Э.Фромм, Т.Парсонс, С.Н.Паркинсон, Т.В.Адорно, Р.Кюлевинд, В.Франкл, Ж.Эллюлн, Э.Глиссан, А-М., булар таълим социологияси ривожига Ўз хиссаларини қЎшганлар.

Т.Парсонс Ўзининг "Социологиянинг умумназарий муаммолари" асарида шундай ёзади: "АҚШ Олий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан бири - илмий тадқиқотларни Ўз ичига олувчи илмий иш олиб бориш мутахассислигини беришидадир". Бизда олий таълим битирувчиларининг илмий иш олиб бориш даражаси, лаёқати жуда пастдир.

Ҳозирда таълим тизимининг социологик тадқиқот йЎналишлари қуйидагиларни Ўз ичига олади:

- бозор муносабатларига Ўтиш шароитида таълим тизимининг ижтимоий ҳаётдаги Ўрни ва аҳамияти;
- ижтимоий ривожланишдаги таъсири, самарадорлиги даражаси ва сифати;
- Ўқитувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи;
- таълим муассасаларида таълим беришнинг сифат даражаси ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт шароитларнинг улар фаолиятига таъсири.

## 4.2. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.

Таълимнинг ижтимоий самарадорлиги таълим муассасаларининг сони, уларда таълим олаётган Ўқувчиларнинг миқдори, жамият аъзоларининг билим даражаси ва сифати билангина белгиланмайди, балки унинг ижтимоий фаолиятида, амалиётда, ҳамда меҳнат фаолиятида қандай даражада тадбиқ қилиниши билан ҳам белгиланади. Шу жиҳатдан, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиб бориши ва бозор иқтисодиёти сиёсатининг амалга оширилиб бориши шароитида, республикада кЎплаб мутахассис кадрларнинг Ўз мутахассислиги бЎйича ишлашдан манфаатдор бЎлмай ёки ишлаш имкониятларига эга эмасликлари сабабли, яхшироқ тирикчилик Ўтказиш мақсадида Ўз мутахассисликларидан бошқа соҳаларга Ўтиб кетиш тенденцияси кучаймоқда. Социология "тили" билан айтганда жамият аъзоларининг социал мобиллиги ҳам вертикал ҳам горизонтал тартибда Ўзгариши кескин ортиб бормоқда. Ачинарлиси шуки, бу жараён айниқса таълим тизимининг Ўзида бошқа соҳаларга нисбатан кЎпроқ содир бЎлмоқда. Агарда бунинг олди олиниб, жиддий чоралар кЎрилмаса, келгусида янада кучайиши ва 5-10 йилдан сЎнг эса унинг салбий оқибатлари жамият ижтимоий ҳаётида Ўнлаб йиллар давомида бартараф қилиш қийин

бЎлган ижтимоий-маънавий инқирозга олиб келиши мумкин. Таълим социологиясининг щозирги шароитидаги асосий вазифаларидан бири щам, юкорида кЎрсатилган муаммоларни эмпирик жищатдан тадқиқи қилиб, илмий-амалий ва назарий хулосалар чиқаришдан иборат. КЎриниб турибдики, Ўзининг мощият-эътибори билан ушбу масала фавқулотда давлат ащамиятига эга бЎлган масаладир.

## 4.3. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

"Щар ким билим олиш хуқуқига эга". Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 41-модда.

Ўзбекистон Республикаси инсон хуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йЎналтирилган бозор иқтисодиётининг шаклланитиришни жащон хамжамиятига қЎшилишини таъминлайдиган демократик хуқуқий давлат ва очиқ (демократик) фуқаролик жамияти кЎрмоқда.

Инсон, унинг щар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рЎёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини Ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислощотларнинг асосий мақсади ва харакатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг мущим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури "Таълим тЎ\риси"даги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ щолда тайёрланган бЎлиб, миллий тажрибанинг тахлили ва таълим тизимида жащон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган щолда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий сиёсий щаётга мустақил равишда мЎлжални тЎ\ри ола билиш мащоратига эга бЎлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва хал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йЎналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рЎёбга чиқаришни щар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта Ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида Ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг Ўзига хос йЎлини танлаш кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қЎйди ва қатор

чора-тадбирлар кЎришни: “Таълим тЎ\риси”даги Қонунни жорий этишни (1992-й); янги Ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини жорий этишни, замонавий дидактик таълимотни ишлаб чиқаришни; Ўқув юртларини аттестациядан Ўтказишни ва аккредитациялашни; янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этади.

Мактабгача таълим сощасида уйларда ташкил этиладиган болалар бо\чалари хамда “Болалар бо\часи-мактаб” мажмуи тармо\и ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тиллари, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини Ўргатувчи 800дан ортиқ гурущ ташкил этилган. Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим Ўқув юртлари тармо\и ривожланиб бормоқда. Щозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. “Со\лом авлод учун”, “Маънавият ва маърифат”, “Иқтисодий таълим”, “Қишлоқ мактаби”, “Ривожланишда нуқсони бЎлган болаларни тиклаш” ва бошқа тармоқ дастурлари рЎёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ Ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73% олий маълумотлидир. Мещнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда мещнат бозорини шакллантиришнинг худудий хусусиятларини щисобга олган щолда хунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Щозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 Ўқув юрти, шу жумладан, 209 касб-хунар мактаби, 180 касб-хунар лицейи ва 53 бизнес мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошлан\ич касб-хунар таълими Ўқув юртларида қарийиб 20 минг Ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Ўзбекистон олий мактаби тизими 58 олий Ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни Ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда; 16 университетнинг 12 таси Ўзбекистон мустақиликка эришгандан сЎнг университет мақомига эга бЎлди.

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислощ қилишини мущим омиллари қуйидагилардан иборат:

- республиканинг демократик хуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йЎлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
- мамлакат иқтисодиётида туб Ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йЎналишдан рақобатбардош пировард махсулот ишлаб чиқариш йЎлига изчил Ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салощиятининг кенгаяётганлиги;
- давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устиворлиги қарор топганлиги;
- миллий Ўзликни англашнинг Ўсиб бориши, ватанпарварлик, Ўз ватани учун ифтихор туй\усининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига хурмат;
- Ўзбекистоннинг жащон хамжамиятига интеграцияси, республиканинг жащондаги мавқеи ва обру-эътиборининг мустахкамланиб бораётганлиги

Мазкур дастурни мақсади- таълим сощасини тубдан ислощ қилиш, уни Ўтмишдан қолган мафкуравий курашлар ва сарқитлардан тЎла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ащлоқий

талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рЎёбга чиқариш қуйидаги вазифалар щал этилишини назарда тутади;

■ “Таълим тЎ\рисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислощ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари хамда таълим ва кадрлар тайёрлаш сощасида рақобат мущитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона Ўқув-миллий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

■ таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик хуқуқий давлат қуриши жараёнларига мослаш;

■ кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кЎтариш;

■ таълим олувчиларни маънавий-ащлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самаоали шакллари хамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

■ таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан Ўтказиш аккредитация қилиш сифатида бащо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

■ янги ижтимоий- иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кЎрсатиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатларини, устиворлигини таъминловчи норматив, моддий техника ва ахборот базасини яратиш;

■ узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари мабла\лар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этиш;

■ кадрлар тайёрлаш сощасида Ўзаро манфаатли халқаро щамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари боскичма босқич рЎёбга чиқарилади. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожланитириш принциплари қуйидагилардан иборат;

1. Таълимнинг устиворлиги- унинг ривожланишининг биринчи даражали ащамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектни нуфузи;
2. Таълимнинг демократлашуви- таълим ва тарбия услубларини танлашда Ўқув юртлари мустақиллигини кенгайиши, талимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига Ўтилиши.
3. Таълимнинг инсонпарварлашуви- инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бЎлган турли туман эщтиёжларнинг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устиворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-мущит Ўзаро муносабатларининг уй\унлашуви;
4. Таълимнинг ижтимоийлашуви- таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни хосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

5. Таълимнинг миллий йЎналтирилганлиги - таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уй\унлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг Ўта мущим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини хурматлаш;
6. Таълим ва тарбиянинг узвий бо\лиқлиги, бу жараённинг щар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йЎналтирилганлиги;
7. Иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини Ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий Ўрта таълим;
- Ўрта махсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий Ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

## 4.4. УЗЛУКСИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ДАВР ТАЛАБИ.

Туб ислохотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш энг аввало ходимларнинг иқтисодий билимига бо\лиқ.

Бозор муносабатларига Ўргатадиган иқтисодий таълим тизимларининг халқаро андозалари ва моделлари мавжуд. Улар 1996 й. ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган "Жащондаги олий таълим тизимлари маълумотномаси"да Ўз ифодасини топган.

Узлуксиз иқтисодий таълимни жащон андозалари даражасига кЎтариш щам концепциянинг мущим жищатларидан щисобланади. Бу қуйидаги мақсадларни кЎзлайди:

- узлуксиз иқтисодий таълим тизимини жащон тизими билан бир холга келтириш;
- мутахассислар билим даражасини халқаро миқёсда синаб кЎриш;
- Жащон мутахассислари ва университетлари таълим технологияларининг билим ва тажрибаларини жалб этиш;
- иқтисодчи мутахассислар дипломлари ва даражаларини эркин айирбошлашишни таъминлаш;

Бу жараёнда бЎлажак мутахассисларни хорижий тилларга, биринчи навбатда инглиз тилига Ўргатиш алощида ащамиятга эгадир.

Бугунги кунда нафақат таълим тизимини, балки таълим хизматини тубдан ислох қилиш зарурати ту\илган.

Узлуксиз иқтисодий таълим деганда, таълимнинг давомийлигини тушуниш керак. Бу тизимнинг моцияти бугун коллежни тугаллаган талаба университетга кириши шарт, деган маънони келтириб чиқармаслиги лозим.

Бу ерда гап бошқа мақсад тЎ\рисида кетмоқда: бир таълим босқичини тугаллаб, маълум ихтисосликни эгаллаган талаба кЎз Ўнгида юқорироқ, Ўзи эгаллаган малака ва даражадан юқорироқ таълим муассасаси туриши керак.

Ўзбекистоннинг Ўзига хос хусусиятларини щисобга олган холда қуйидаги масалаларни щал этмоқ зарур:

- олий мактаб ихтисосликлари учунгина таъллуқли щисобланган билимлар, кЎникма ва малака меъзонларини аниқлаш;
- амалий ёндашув ва мещнат тақсимоти нуқтаи назаридан бу билимлар кЎникма ва малакали классификация тамойилларини белгилаш;
- мавжуд ихтисосликлар рЎйхати тЎлалигини текшириш;
- мутахассисликлар тайёрлашнинг аниқ даражасини белгилаб қЎйиш бакалавр, дипломли мутахассис, магистр, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, аспирантура, докторантура.
- Ўзбекистон иқтисодий таълимининг хорижий мамлакатлар иқтисодий таълими билан интеграциялаш имкониятларидан келиб чиқиб, сощалар ва ихтисосликлар рЎйхатига аниқликлар киритиш ва бошқалар.

**Қисқача хулосалар**

Олий ва Ўрта махсус Ўқув юртларида бозор инфраструктураси учун кадрлар тайёрлаш кЎлами кЎпайди. (абитуриентларни қабул қилиш 1990-йилги 2,8 мингдан, 1996-йилга келиб 3,9 минггача кЎтарилди), бозор иқтисодиёти асосларига қишлоқ жойлардаги ёшларни Ўргатиш ниятида қатор бизнес мактаблар, лицейлар ва коллежлар ташкил этилди.

Мещнат бозори тез суръатлар билан иқтисодий йЎналишдаги мутахассислар билан бойиб бормоқда.

Щисобларга кЎра, республика халқ щЎжалигида олий маълумотли иқтисодчилар сони щозирги кунда 80 мингдан ортиқни ташкил этади, яъни олий маълумотлилар умумий сонига нисбатан 9,8% ни, бу кЎрсаткич 1990-йилда 9% га тенг эди.

“Комолот” ёшлар фонди:

Мамлакат ёшлар харакатини носиёсий ванопартиявий асосда муваффақлаштириш учун таъсис этилган нохукумат ташкилот бЎлиб, унинг устуворликлари қуйидагилардан иборатдир:

- ёшларга мадад бериш;
- бозор иқтисодига Ўтишда ижтимоийлашув;
- кичик ва Ўрта бизнесга жалб этилиш;
- щуқуқий маданиятни шакиллантириш;
- таълим ва Ўз билимини щамда маданий хорди\ини оширишни ташкил этиш;
- щар томонлама халқаро алоқаларни йЎлга қЎйиш.

**Чет элларда таълим олиш.**

Хорижий давлатларнинг обрЎ-нуфузли олий Ўқув юртларида хукуматлараро битимларга биноан Ўзбекистоннинг 1500 дан ориқ фуқоролари (МДЩ республикаларида таълим олаётганларни щисобламаганда) билим олмоқда. Биргина 1997-йилнинг Ўзида, хукуматнинг "Умид" фондини тузиш тЎ\рисидаги қарорининг натижасида энг нуфузли хорижий олий Ўқув юртларига республиканинг 160 та талабаси тахсил олгани юборилди.

Айни пайитда Ўзбекистон Республикасининг олий Ўқув юртларида узоқ ва яқин хорижий мамлакалардан келган 5,3 минг киши билим олмоқда.

**Таянч иборалар:**

Таълим тизими, горизонтал ва вертикал социал мобиллик, ителиктуал мерос, ижтимоий хулқ-атвор, таълим устуворлиги, таълимнинг демократлашуви.

**Назорат ва мухокама учун саволлар:**

1. Талим ва тарбиянинг узвийлигини изощланг.
2. Таъли - социал институт сифатида амал қилиши.
3. Ўзбекистонда мустақиллиги шароитда таълим тизимидаги Ўзгаришларларга бащо беринг.
4. Иқтисодий таълим нима учун зарурлигини изощланг?

**АДАБИЁТЛАР:**


1. "Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори".Т.:- 1997 .
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992
3. К.Юнусов "Социология" Ўқув қЎлланма. Т.:- 1997
4. Ўзбекистон Республикаси Таълим тЎ\рисидаги қонуни. Т.:-1997.
5. Сафо Очил, Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т.:- "Ўқитувчи" 1997
6. И.А. Каримов асарлари асосида талаба-Ўқувчиларни маънавий ащлоқий тарбиялашнинг асосий тамойиллари. Т.:- 1997
7. Кадрлар тайёрлаш бЎйича миллий дастур. Т.:- 1997.
8. Алиқориев Н.С. Умумий социология. Т.:-1999 122-124 б.
9. Эшонқулов А. Тарбия : Муоммо ва ечимлар. Журнал "Мулоқот" 1993 й. №11-12, 35-38 бетлар.
10. Муллажонова М. Миллий педагогиканинг шаклланиши. Туркистон газетаси. 1999. 17 июль сони.
11. Инсон тараққиёти тЎ\рисида хисобот. Т.:-1997


## 5- Мавзу: ИЖТИМОИЙ-ЭТНИК МУНОСАБАТЛАР

5.1. Миллатлар ва этник гурущларнинг социал-этник таркиби.
5.2. Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда социал-этник муносабатлар.
5.3.Социал табақалашув жараёни.

## 5.1. Миллатлар ва этник гурущларнинг социал-этник таркиби

Жамиятнинг ижтимоий-этник таркибини тадқиқ қилиш социологиянинг махсус сощаси бЎлиб, этносоциология деб аталади. Социологиянинг бу сощаси жамиятнинг ижтимоий таркибий тузилишидаги этник миллатлар, халқлар, элатлар, гурущларнинг ижтимоий ривожланиш масалаларини Ўрганади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, маданий, таълимий, диний ва бошқа Ўзига хос қадриятларни тадқиқ қилади.

Этнос тушунчаси (қадимги юнонча сЎз бЎлиб "халқ" маъносини англатади) – муайян худудда тарихан таркиб топган, бошқалардан фарқланувчи Ўз маданиятига, рущий уй\унликка ва бошқа умумий хусусиятга эга бЎлган кишиларнинг нисбатан барқарор борлигини англатади. Демак, этносоциологиянинг тадқиқот объекти – энг аввало халқлар, миллатлар, этник гурущларнинг ижтимоий таркибини, бошқа этник бирликларидан фарқ қилувчи Ўзига хос маданияти, турмуши, урф-одатлари, тили ва бошқа шу каби Ўзига хос хусусиятларини Ўрганади. Миллат, миллатлараро муносабатлар масаласи социологиядан бошқа ижтиомий-гуманитар фанлар, иқтисодиёт назарияси, сиёсатшунослик, ащлоқ ва нафосатшунослик, тарих, этнография кабиларни щам Ўрганиш объекти щисобланади.

Этносоциологияда эса миллат ва миллий муносабатлар, уларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва маъанвий-мафкуравий муносабатлардаги Ўзаро узвий алоқадорлиги назарда тутилган щолда, конкрет этник мущит доирасида, ижтиомий жамоалардаги, оиладаги, худудий тартибдаги муносабатларни этник хусусиятлари доирасида олиб қараб Ўрганилади. Шунингдек миллатлараро муносабатларнинг жамият ижтимоий щаётига таъсири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тадқиқ қилинади. Шу жищатдан этносоциологиянинг жамиятни Ўрганишдаги ащамияти каттадир.

Собиқ Совет тузуми даврида этносоциология тЎлақонли Ўз ривожини топмади. Турли миллатлар, элатлар, халқлар ва этник гурущларнинг ижтимоий тараққиётига бир томонлама ёндашилди.

Келажакда улар Ўзаро қЎшилиб ящлит бир Совет халқи этник бирлиги вужудга келади, - деган хаёлий, сохта ва нотЎ\ри мафкуравий сиёсат юргизилиши оқибатида щар бир этник бирликнинг Ўзига хос бой, гЎзал ва такрорланмас қадриятлари ривожига сиёсий тазиқ билан йЎл қЎйилмади. Бундай сиёсий зЎравонлик оқибатида этносоциология социологик назария сифатида етарлича қадрланмади.

Совет даврида муайян иқтисодий-сиёсий ва мафкуравий режим асосида ушлаб турилган, бошқарилган миллий муносабатлар хозирда

қайтадан, янги ижтимоий муносабатлар асосида тикланмоқда. Шу жищатдан Ўзбекистоннинг кЎп миллатли давлат эканлигини эътиборда тутган щолда унинг худудида истиқомат қилаётган миллат ва халқларнинг ижтимоий турмуши, Ўзаро алоқаси ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш мущим ащамиятга эга. Зеро, "Республика миллий таркибининг Ўзига хослиги – унинг фарқлантирувчи хусусиятидир. Этник таркибда туб ащоли устун мавқени эгаллайди. Республикада яшаб турган ащолининг 70 фоизидан кЎпро\ини Ўзбеклар ташкил қилади. Айни вақтда Ўзбекистон худудида Ўз маданияти ва анъаналарига эга бЎлган юздан зиёд миллат вакиллари яшайди". Яқин Ўтмишимизда содир бЎлган Фар\она, Андижон, Ўтган воқеалари қайта такрорланмаслиги учун, Ўзбекистонда бундан кейин щам миллатлараро щамдЎстликни ривожлантириш, Ўзаро ащил бир оила бЎлиб яшаш талаб этилади. Президентимиз И.А.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон щукуматининг асосий мақсади щам Марказий Осиё худудида щар қандай миллий низоларнинг олдини олиш ва миллатлараро муносабатларни янада ривожлантиришдан иборат.

Айниқса хозирда, ижтимоий-этник муносабатлар социология тахлилга мухтождир. Таркиб топаётган ижтиомий-иқтисодий муносабатлар асосида этник гурущлар Ўртасидаги муносабатлар щам қайтадан таркиб топмоқда. Шундан келиб чиқиб, кЎрсатиб Ўтиш жоизки этносоциологияда ички ва ташқи тадқиқот йЎналиши мавжуд.

**Ички тадқиқот йЎналиши** – бу айрим этник гурущ таркибидаги социологик тадқиқотлардан иборат бЎлиб, унинг ички, Ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари Ўрганилади. **Ташқи тадқиқот** йЎналиши эса этник гурущлар орасидаги Ўзаро муносабатларни, бир этник гурущга таъсир кЎрсатадиган ташқи омилларни ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тадқиқ қилинади. Айниқса бир мамлакат худудида яшовчи этник гурущларнинг Ўзаро муносабатларини социологик тадқиқ қилиш жуда мущимдир.

Мамлакатнинг туб ащолисини ташкил этмайдиган, кам сонли этник гурущларни Ўрганиши щам катта ащамиятга эга. Уларнинг маданияти маънавий қадриятлари, ащлоқий-этник нормалари ижтимоий-рущий хусусиятларни Ўрганиши билан мущим (миллий) илмий билимга эга бЎламиз. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "Жащонда катта ва кичик миллатлар ва элатлар йЎқ. Уларнинг щар бири асрий барқарор ва тенги йЎқ анъаналари билан, тарихий меъросининг бойлиги билан миллий рущининг умумийлиги билан, маданиятини Ўзига хослиги билан ащамиятлидир".

У ёки бу этник гурущнинг табиий таркиб топишининг асосий шарт-шароити – бу худудий ва тил бирлиги щисобланади. Муайян этник бирликнинг- -миллатнинг хар жищатдан ривожланишида унинг Ўз мустақил сиёсий давлат тузумига эга бЎлиши мущим ащамиятга эга бЎлади.

## 5.2. Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда социал-этник муносабатлар.

Ўзбекистон миллий мустақилликни кЎлга киритгандан бошлаб Ўтган дастлабки 8 йиллик муддат юз йиллар мазмунига тенг бЎлди. Ўзбек халқи миллат сифатида Ўзлигини, ор-номусини, миллий ифтихорини, қадр-қимматини, бой Ўтмиш маданий меъросини, тилини ва шу каби кЎплаб бошқа қадриятларни қайтадан тиклади. Ўтмиши ва келажаги буюк бЎлиши миллат сифатида яна жащонга юз тутди.

Тарихдан маълумки, Ўзбек этносининг шакилланишида марказлашган Амир Темур давлатининг ташкил топиши катта ащамият касб этади. Миллат сифатида туркий этник катта бирлиги таркибида шакилланиб борди. Шу даврдан бошлаб Ўзбек этник гурущи бошқа туркий гурущлардан фарқланувчи хос жищатларни кЎпрок номоён қила бошлаган. Буларга асосан, ягона давлат фуқоролиги, ягона тил, маданий ва маънавий қадриятлар бирлиги худуди бирлик ва уюшганлик, хамда ягона диний (ислом) эътиқод бирлиги шулар жумласидандир.

Нисбатан Ўтроқ, асосан су\орма дехқончилик ва шащар хунармандчилиги билан шу\улланиши, Марказий Осиёнинг қоқ Ўртасида жойлашуви ва худудий уюшганлиги каби омиллар Ўзбек миллатининг шакилланишида мущим ащамият касб этади.

Ўзбек халқининг этник жищатдан ташкил топиши тарихан мураккаб жуда катта ички ва ташқи ижтимоий зарбалар остида борди. Амир Темур вафотидан сЎнг темурийзодаларнинг Ўзаро кураши, Шайбонийхон томонидан темурийзодаларга қарши олиб борган кураши, кейинчалик Моварауннахрнинг (Хива хонлиги), Рус империяси томонидан истило қилиниши миллатнинг ривожланишига салбий таъсир кЎрсатди. Русия томонидан босиб олиниши оқибатида Туркистон қатъий ягона худудга бирлаштирилган бЎлсада, буюк рус шовинизми зЎравонлиги таъсирида Ўзбек халқи бошқа туркий халқлар билан бир қаторда мазлум халқ сифатида тахрирланди, камситилди ва қадди букилди. Узоқ давр маънавий-ащлоқий, сиёсий-щуқуқий тушкунликни бошдан кечирди. Совет тузуми даврида щам бундай сиёсат Ўта нозик, байналминаллик ниқоби остида Ўзига хос усуллар билан давом этди.

Миллий мустақилликни қЎлга киритилиши муносабати билан эндиликда миллий кЎтарилиш, ривожланиш жадал бормоқдаки, мавжуд сиёсий-иқтисодий, хуқуқий ва маънавий шарт-шароит Ўзбек халқини яқин келажакда жащоннинг ил\ор, юксак маънавиятга эга бЎлган миллат даражасига эришиши муқаррардир.

Жамият Ўзининг таркибий тузилиши жищатидан Ўзаро чамбарчас бо\лиқ бЎлган томонлар, жабщалар, бир бутун ижтимоий тизим таркибидаги нисбатан катта-кичик тизимлар, ижтимоий муносабатларни Ўз ичига олади. Уларнинг хар бири Ўз тараққиёти давомида бир-бирларига муайян салмоқли таъсир кЎрсатади. Мустақил Ўзбекистон давлатининг халқаро майдонда нуфузли мамлакатга, барча сощаларда ривожланган жамиятга эга бЎлиш даражасига кЎтарилиши, унинг ана шу Ўзаро функционал таъсирда бЎлувчи томонлари, таркибий бЎлаклари холатига характерига бо\лиқ.

Мустақил Ўзбекистон жамиятининг эртанги кун ижтимоий-иқтисодий тузмига бугун асос солинмоқда экан, жамият ижтимоий таркибини Ўрганиш реал щаётимизни, кундалик турмушни янада тулароқ билишга хизмат қилади. Хар бир ижтимоий гурущ айрим, олинган шахс щам жамият ижтимоий таркибида Ўз Ўрнига эга бЎлади. Шахс Ўзининг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти; мутахассислиги, оилавий ащволи, миллати ва бошқа кабилар билан муайян ижтимоий таркибга киради. Жамиятнинг ижтимоий таркиби – ижтимоий гурущлар, уларнинг ижтимоий щаётдаги Ўз мавқеи билан фарқ қилувчи томонлари мажмуасидан иборатдир. Социал стратификация назарияси (лотинча стратум – қатлам, фацио – бажараман) хозирги замон социологиясида ижтимоий дифференцианинг мураккаб таркиби ва тизимларини Ўрганишда мущим ащамиятга эга.

Мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларининг таркиб топиб бориши, хусусий ва бошқа мулк шаклларини қонуний деб эълон қилиниши билан кишиларнинг ижтимоий гурущларнинг фаоллиги ортмоқда. Хар бир киши Ўзидаги қобилият, омилкорлиги, тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги билан ижтимоий тараққиёт кЎламига таъсир кЎрсатишга имкон ту\илди.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда Социал мобиллик (харакатчанлик) концепциясининг жадал амал қилиши учун шароит етилди. Демократик тузум шароитида кишилар Ўзларининг шахсий қизиқишлари, тиришқоқликлари билан жамият ижтимоий таркибидаги мавқеларини яхшилаб бориш имкониятига эга бЎладилар. Жамият тараққиётида унинг таркибий тузилиши, функционал алоқадорлик Ўзининг “табиий қонунлари”, эволюцион ривожланиши, ижтимоий сощаларнинг бир маромдаги мутаносиблиги асосидагина ривожланади. Революциялар даври Ўтди. Инсоният юқори интеллектуал тараққиёт босқичига қадам қЎймоқда. Ижтимоий тараққиётнинг бу босқичи янги, Ўзига хос қонуниятлар асосида бориши турган гап.

### 5.3. Социал табақалашув жараёни.

Иқтисодий ривожнинг замонавий, энг ил\ор турига Ўтишга интилаётган щар бир мамлакат щам техника, щам бизнес сощаларида юксак профессионал тайёргаликка эга ижтимоий қатламга таяниши шарт. Мазкур ижтимоий қатлам вакиллари Ўз профессионал - малака тайёргарлик савияларига мутаносиб ижтимоий Ўрин эгаллашга интилишлари шарт.

Тарихан шундай шакилландики, илмий билимлар ва ишбилармонлик Ўзлашмалари асосан \арбий давлатлар ва Японияда мужассамлашди. Уларда банд ащоли таркибидаги олий категорияли профессионал ижтимоий қатлам вакилларининг щажми Ўрта ва паст категория вакилларининг улушидан сезиларли даражада юқоридир. Жараён бу йЎналишда янада ривожланиб, мазкур давлатларнинг энг бой ва замонавий ишлаб чиқариш щамда илмий-техник тарққиётнинг олд қаторидаги халқаро иқтисодий Ўрнини сақлаб туришга замин яратмоқда.

Асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ихтисослашган ва иқтисодий хом ашё етказиб беришга қаратилагн мамлакатларда эса ижтимоий қатламлашув таркиби, асосан, профессионал ижтимоий қатламларнинг Ўрта ва паст категория вакилларидан иборатдир. Бунинг сабаби - мазкур давлатлар Ўз тарққий этган технологиясини яратишга кЎмакдош фирмалар ёки щукумат даражасида илмий тадқиқотлар Ўтказишга кЎмакдош иқтисодий ра\батларни таъминлаш учун манбаларга эга эмас.

Мазкур Ўрнашиб қолган тартибни бузиш ва риваожланаётган давлатларда жамият ижтимоий таркибини ижобий Ўзгартириш нафақат юқори ва Ўрта категорияли ижтимоий қатламларни шакиллашга шарт-шароит яратишга қаратилган давлат сиёсати щисобига эришиш мумкин. Ривожланаётган давлатлар мещнат фаолиятининг мураккаб, илмий, ижодий турларини ривожлантириш учун кучли щомийлик сиёсатини Ўтказишлари керак. Фақат шундай ёндашув натижасидагина жамият ижтимоий таркибининг прогрессив Ўзгаришига эришиш ва ишлаб чиқариш имкониятлари ва мщаллий илмталаб мащсулотларни ишлаб чиқариш ва экспот қилишда /арб давлатлари билан тенглик таъминланиши мумкин.

Дунёнинг кЎплаб ривожланаётган мамлакатларидан фарқли Ўлароқ Ўзбекитонда бундай ижтиомий қатлам мавжуд. У, илгари йирик илмий муассасалар ва бошқарув органларида ишлаган щамда Ўша даврнинг ижтимоий по\аналарида етарли даражада юқори Ўрин эгаллаган юксак малакали мутахассислардан таркиб тапган.

Щозирги пайитда мазкур ижтимоий қатлам вакилларининг сезиларли қисми кичик ва Ўрта бизнес билан шу\улланади, технологик замини уларнинг профессионал малакасига мутаносиб бЎлмаган кичик корхоналар ва кооператалардан фаолият юритади.

Мазкур ижтимоий қатлим, иқтисодда уларнинг ижтимоий мақомини қайта тиклашга қодир янги соща юзага чиқиши билан Ўзи жамулжам этган профессионал - малака салощиятини максимал даражада ишлатишга тайёр турибди.

Ижтимоий табақалашув турлари. Жамиятнинг иқтисодий тузилиши ва ижтимоий таркиби Ўзаро яқиндан бо\лиқдир. Иқтисодий муносабатларнинг Ўзгариши ижтимоий тартиб Ўзгаришсиз содир бЎла олмайди. Иқтисодий муносабатларнинг айри равишда Ўзгартиришга уринишлар ащоли қаршилигига бЎлмаса щам, сустлигига дуч келиши мумкин. Жамиятнинг ижтимоий қатламлашуви икки шакилда наьоён бЎлади: 1. Инсонларнинг профиссионал-таълим савиясига асосланган профиссионал малакали: щамда 2. Даромад даражасига қараб тақсимланишига асосланган иқтисодий шакил.

Профиссионал- малакали ижтимоий табақалашув ишчи бажараётган шу фаолиятнинг мураккаблиги, ақлий салощияти, жамият учун мущумлиги ва ащамиятини эътиборга олишга асосланади.

Иқтисодий-ижтимоий табақалашуви инсон мулк мақомини бащолашга щамда жамият ва маънавий қулайликларга эришувда унинг реал имкониятларини эътиборга олишга асосланади.

Щар бир мамлакатда шакиллангантабақалар ва қатламлар тамомила турлича бЎлиши мумкин. Уларнинг сони табиий манбалар ва Ўлканинг иқтисодий тарихи, мещнат тақсимоти ва иқтисослашуви жараёнида эришилган даража, давлат сектори бажарувчи вазифаларнинг нисбий миқёси ва рЎйхати, мулкчилик, шу жумладан Ўтмишдан мерос мулкчилик характерига щам бо\лиқ бЎлади.

Профиссионал таълим ва иқтисодий табақалашув щар доим щам мос келавермайди. Профиссионал малакали ва иқтисодий-ижтимоий табақалашув орсида моаликка эришиш мамлакат ащолисининг мещнат фаолиятини юксалтиришда щал этувчи омиллар.

*Жамиятнинг ижтимоий таркибига таъсир Ўтказувчи энг мущим кЎрсаткичлар.*

| |
|---|
| 1. Даромадлар тақсимланишидаги Ўзгариш. |
| 2. Иқтисодий мақом ва профиссионал-таълим савияси билан бо\лиқ ижтимоий қатламларнинг жамият қатламлашув таркибида жойлашув таркибининг Ўзгариши. |
| 3. Ижтимоий қатламлашувнинг қуий ва юқори қатламларида ижтимоий щаракатчанлик миқёсларининг Ўзгариши. |
| Ўтиш даврининг дастлабки босқичида содир бЎлаётган Ўзгаришлардан ютиб чиққанларга нисбатан ма\луб бЎлганлар кЎпроқбЎлиб чиқади. Шунингучун жамиятнинг ижтимоий табақалашувида содир бЎлувчи мойилларни тушуниш давлатнинг тЎ\ри ижтимоий сиёсатини ишлаб-чиқишининг зарурий шартидир. |

Инсон тараққиёти тЎ\рисида щисобот. Т.: Ўзбекистон, 1997, 43-бет.

“Ўзбекистонда, деб таъкидлайди Республикамиз Президенти И.А.Каримов, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга мущаббат, Ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қай\уриш кЎп миллатли Ўзбек жамиятининг мущим жипслаштирувчи асоси щисобланади”.

Республикамиз жамияти ижтимоий таркиби назарияси щозирча ишлаб чиқилгани йЎқ. Мустақил Ўзбекистон жамиятининг эртанги кун ижтимоий иқтисодий тузумига бугун асос солинмоқда. Шунинг учун жамият ижтимоий таркибини Ўрганиш реал щаётимизни, кундалик турмушни янада тЎларoқ билишга хизмат қилади.

Жамиятнинг ижтимоий таркибида ижтимоий-синфий муносабатлар щам мущим Ўрин тутади. Ўтган давирда асосан, икки синф - ишчилар ва дщқонлар синфи ва интеллигенция қатлами мавжуд деб кЎрсатилиб, жамият ижтимоий таркибидаги бошқа гурущларнинг ащамияти мутлақо тилга

олинмас эди. Ишчилар синфи кЎп қиррали ижтимоий бирлик щисобланади. Унинг ички таркиби демографик (жинси, ёши билан), профессионал - тайёргарлиги билан (мещнатнинг мазмуни ва характери билан), щудудий (ижтимоий щудудий бирлик билан), этник (миллий фарқи) ва маданий маълумоти билан фарқ қилувчи таркибий тузилишга эга.

Щозирда Ўзбекистон давлати миқёсида миллий ишчилар синфининг таркиб топиши учун шарт - шароит яратилмоқда. Жащон талабларига жавоб бера оладиган мащсулотлар ишлаб чиқариш учун моддий замин тайёрланмоқда. Чет эл фирмалари билан қЎшма корхоналар яратилмоқда. Яқин келажакда юқори технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришнинг малакали ишчи-инженерлар шакилланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хЎжалити сощасида банд бЎлган дещқонлар щам ижтимоий таркибда синф сифатида Ўрин тутади. Дещқонлар синфи ичида щам табақаланиш жараёни тез суръатлар билан бормоқда. Уларнинг такибида ишбилармон, тадбиркор фермер хЎжаликлари пайдо бЎлди. Ижарачилар гурущи щам борган сари қишлоқ хЎжалигида мущим ащамият касб этмоқда.

Жамият ижтимоий таркибида зиёлилар қатлами щам салмоқли Ўрин тутади. Интеллегенция ақлий мещнат мутахассислари бЎлиб, ижтимоий профессионал гурущлардан иборат бЎлади.

Зиёлилар таркибини яна шащар ва қишлоқ ижтимоий бандлик сощалари бЎйича мещнатнинг ижодий характери даражаси билан, малака ва бошқа жихаталри билан фарқлаш мумкин.

Яқин Ўтмишимизда содир бЎлган Фар\она, Андижон, Ўзган, Тошкентдаги 16 февраль воқеалари қайта такрорланмаслиги учун, Ўзбекистонда бундан кейин щам миллатлараро щамдЎстликни ривожлантириш Ўзаро ащил бир оила бЎлиб яшаш талаб этилади.

Мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларининг таркиб топиб бориши, хусусий ва бошқа мулк шакилларини қонуний деб эълон қилиниши билан кишиларнинг ижтимоий гурущларнинг фаоллиги ошмоқда. Щар бир киши Ўзидаги қобилият, омилкорлиги, тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги билан ижтимоий тараққиёт қЎламига таъсир кЎрсатишга имкон ту\илди. Ижтимоий таркибда щудудий йЎналиш щам мавжуд бЎлиб, у минтақавий, вилоят, шащар, қишлоқ, мащалла каби щудудий бирикмаларни Ўз ичига олади.Бу таркибий бирликда айрим олинган щудуд доирасида социологик тадқиқот олиб бориш талаб қилинади. СЎнги йилларда бу масалага жиддий қаралмоқда. Айниқса шащар, қишлоқ, мащаллага ойид муаммоларни Ўрганиш зарурияти ортмоқда.

Президентимиз И.А. каримов таъкидлаб Ўтканларидек “Ўз-Ўзини бошқаришнинг щалқимиз анъаналри ва қадриятларига жуда хос бЎлган усули-мащалалар тизими сЎнги йилларда жуда катта нуфузга эга бЎлиб, бормоқда... энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат мащалада бЎлиши мумкин. Щар бир корхона, хеч бир давлат идораси бу борада тенглаша олмайди. Щозирги кунда республикамизда “мащаллалар фаолияти, олиб борилаётган ишлар ижобий натижалар бермоқда “Мащалланг - ота-онанг”

шиори остида кЎпгина ишлар қилинмоқда. Ёшлар тарбиясида мащалланинг Ўрни катта ащамиятга эга. Мащаллачилик анъаналаримиз кенг ривожланмоқда. КЎпгина янги-янги мащаллалар ташкил қилинмоқда. Мащаллаларда “Гузар”лар ташкил қилняпти. Щар бир мащаллани мащалла оқсоқоллари бошқармоқда.

Жамият ижтимоий таркибида щар бир шахс қайси ижтимоий гурущга ва ундаги худудий, тармоқ ва ижтимоий мавқеи йЎналишига мансублиги билан характерланади. Булардан ташқари яна шахс жинси, ёш жищати, оммавий ащволи, ижтимоий келиб чиқиши, миллий мансублиги, маълумоти, илмий даражаси каби параметрлар билан щам Ўрганилади.

Щозирги бозор муносабатларига Ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ижтимоий гурущ ва айрим шахслар қанчалик моддий имкониятга эгалиги, жам\арма мабла\и миқдори қанчалик моддий имкониятга эгалиги каби томонларини Ўрганишни щам талаб этади.

## Қисқача хулосалар

Щозирда ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бЎлган асослар яратилмоқда. Хусусий мулкчиликка асосланган кЎп укладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодиёт пайдо бЎлаяпти. Шунинг учун щам янги иқтисодий ва тақсимот муносабатлари социологиясини ишлаб чиқиш социология фанининг асосий вазифаларидан бири бЎлиб қолмоқда.

Республиканинг аста-секин бозор муносабатларига Ўтиб бориш даврида Президент И. А. Каримов томонидан белгиланган беш тамойилга асосланган тарзда сиёсат юргизилмоқда.

Бозор иқрисодиётига босқичма-босқич Ўтиш (сиёсати) муносабати билан, Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шакилларининг жорий қилиниши ва уларни давлат щимоясига олиниши тақсимот муносабатларида тубдан Ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу эса Ўз навбатида жамият иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Ўз миллий пулига эга бЎлиши муносабати билан иқтисодий ва тақсимот-муносабаларига сезиларли таъсир кЎрсата бошлади. Ўзбекистон ички бозорини тЎлдириш давлат сиёсати даражасида олиб бормоқда. Аммо хозирда хамдЎтлик мамлакатлари Ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг вақтинча бузилганлиги оқибатида юзага келган иқтисодий тиқчиллик айниқса, халқ истеъмоли молларининг танқислиги иқтисодий ва тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кЎрсатди. Унинг оқибатида кишиларнинг турмуш даражаси анча пасййиб кетди.

Ўзбекистонимизнинг бу сощадаги сиёсати “ миллий бойликнинг кЎпайиши, республиканинг мустақллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жЎшқин ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этиш”дан иборат буюк мақсадни кЎзламоқда.

**Таянч иборалар:**

Ижтимоий - этник, этносоциология, этнос, этнография, социал стратификация, социал мобиллик, демографик.

**Назорат ва мухокама учун саволлар:**

1. Миллатлар ва этник гурущларга таъриф беринг.
2. Социал - этник таркиб тушунчасини изощланг.
3. Ўзбекистонда мустақиллаик шароитида янгидан шаклланаётган социал - этник таркибни айтиб беринг.
4. Социал табақалашувга сабаб бЎладиган омилларни санаб беринг.

**Адабиётлар:**

1.И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин - Т.: Ўзбекистон, 1994 3-85 бетлар.
2.И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йЎлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995
3.И.А.Каримов. Туркистон умумий уйимиз.- Т.: “Ўзбекистон”. 1995
4.И.А.Каримов.Ўзбекистон:Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.:”Ўзбекистон” 1993
5.И.А.Каримов. “Щалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бЎлсин.” “Тошкент щақиқати” 1994.20.06. №52
6.И.М.Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: “Ўқитувчи”, 1994
7.Социология - М.: 1990й. 151-168-бетлар.
8.К.Юнусов. Социология - Андижон.: 1997
9.Инсон тараққиёти тЎ\рисида щисобот -Т.: “Ўзбекистон”,1997, 40-43 б.

## 6 - **Мавзу: НИКОХ ВА ОИЛА СОЦИОЛОГИЯСИ.**

6.1.Оиланинг социал мощияти, оиланинг ащлоқий ва щуқуқий асослари.
6.2.Оиланинг функциялари, оила типлари.
6.3.Хозирги даврда оила ривожидаги социал хусусиятлар.
6.4.Ўзбекистон Республикасида никох ва оила муносабатларини. ривожлантириш ва мустахқамлаш йЎлидаги социал тадбирлар.

### 6.1.Оиланинг социал мощияти, оиланинг ащлоқий ва щуқуқий асослари.

Никох ва оила муносабатлари қадим даврлардан бошлаб илмий тадқиқотлар манбаининг бир йЎналишини акс эттириб, социал тизимни ташкил этувчи социал инстиутларнинг алощида фукцияга эга бЎлган бЎлаги щисобланади.

Маълумки щар бир социал институт Ўзига хос функцияни бажаришга йЎналтирилгандир. Турли йЎналишдаги социологлар бу социал

институтларнинг алощида функцияларини Ўрганишга киришиб, классификациялашга уринганлар.

Бу сохада анча тЎлиқ ва қизиқарли маълумотларни социологлар С.Липсет, Д.Ландберг ва бошқаларнинг “Институционал мактаб” социологияси манбаларидан олишимиз мумкин. Ана шу социал институтлардан бири оила щисобланади. Классик социологларнинг назарияларида социал институтларни амал қилишига кЎра иккига ажратилади: Оддий ва мурккаб. Оддий социал инстиутнинг классик мисолида оила институтини кЎриб чиқишимиз мумкин. А.Г. Харчевнинг маълумотига кЎра - оила кишиларнинг никох ва қон-қариндошлик щусусиятига кЎра бирлашмаси бЎлиб, ижтимоий турмушни шакиллантиришдаги биргаликдаги жавобгарликларига кЎра бо\ланган бЎ\инидир.

1857-1929 йилларда яшаб ижод этган Америка социологи ва иқтисодчиси Т.Вебленнинг социал институтлар хақидаги концепциясининг асосида функционал ёндашувларни кЎриш мумкин. Бунга кЎра оила - жамият аъзоларини такрор ишлаб чиқариш функциясини бажарувчи институтлар щисобланади.

Бу масалаларни биз А.Миллернинг концепцияларида щам кЎришимиз мумкин. (1914-1973). Ўз даврида М.Вебер щам социал институтлар ва уларнинг функциялари щақида алощида тЎхталиб Ўтган. О.Конт Ўз социологик назарияларида оилани жамиятнинг бирламчи асоси сифатида қараб чиқади ва унинг келиб чиқишини инсоний муносабатлардаги табий холат деб изохлайди.

О.Контнинг фикрича: оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кЎринишлари Ўз аксини топади, яъни нотенглик (авлодлар ва жинслар Ўртасида), тобелик (оила аъзолари Ўртасидаги, оила бошли\и, катталар) ва х.з.

Шунга кЎра оила бир кичик давлат бЎлиб, у давлатнинг шаклланиш асоси, унинг модели, оила социал функциялари эса - жамият функцияларини акс эттради.

П.Сорокин оилавий келишмовчиликлар, уларнинг сабаблари ва оқибатлари хақида кенг, тЎхталиб Ўтган Ўзининг социологик тадқиқотларида (Инсон. Цивилизация.) рус. М. , 1992. 272-273 б.

Л.Призберг Ўзининг Социал конфликтлар, 1982 й. асарида оилавий келишмовчиликлар ва уларнинг оқибати, жамият тарққиётига таъсири хақида маълумотлар келтириб, уларнинг олдини олиш ва оқибатларига қарши курашиш жамият олдига қЎйиладиган мущим вазифалардан бири эканлиги таъкидлаган.

## 6.2. Оиланинг функциялари, оила типлари.

“Оила жамиятнинг асосий бЎ\инидир щамда жамият ва давлат мухофазасида бЎлиш щуқуқига эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (63-модда).

Никощ ва оила социологияси Ўз мазмунига кЎра жуда кенг қЎлламга эга бЎлиб, щозирги замон оила-никощ муносабатларининг барча жищатларини Ўз ичига олади. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топа бориши оила-никощ муносабатларида щам жиддий Ўзгаришларни, оилавий муносабатларда вужудга келаётган янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, уларнинг ичида оила-никощ муносабатларининг хуқуқий-юридик йЎналиши, ащлоқий-эстетик, оила ва ислом дини, оила ва ащоли саломатлигини щимоя қилиш муаммоси, оила сони, таркиби ва тузилиши, оиланинг моддий-иқтисодий таъминоти, турмуш даражаси, оилада эр-хотиннинг Ўрни ва роли, оиладаги рущий мущит, оилавий можаролар ва ажралишлар, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар, ёш оилалар ва уларнинг ащволи каби йЎналишлар мущим социологик тадқиқот объекти бЎлиб келмоқда.

Оила-никощ социологияси турмуш тарзи социологияси билан узвий бо\лиқ щолда олиб қараб Ўрганилади. Зеро, оила билан бо\лиқ бЎлган барча масалалар кишилар турмуш тарзи таркибига киради. Аммо, оила жамиятнинг кичик ячейкаси сифатида махсус социологик тадқиқотга мухтож. Шунинг учун щам оила-никощ социологияси махсус социологик назария сифатида щозирги давр жамият ижтимоий щаётини илмий жищатдан Ўрганишда мущим ащамиятга эгадир.

Оила-никощ муносабатларининг асосий социологик тушунчаларига қуйидагилар киради: Оилавий щаёт шароити, оила таркиби, оила функцияси, оила турмуш тарзи, оилавий мафкура ва бошқалар.

Бу тушунчалар оила-никощ муносабатларининг энг мущим жищатларини Ўзида ифодалайди.

Оила жамият ижтимоий таркибининг мущим элементи сифатида Ўзига хос ижтимоий вазифаларни бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифаси (функцияси) деганда, оила ва унинг аъзолари щаёт фаолияти, фаолликни намоён қилиш усулига ба\ишланади. Уларга қуйидагилар киради: биологик кЎпайиш, тарбиявий, хЎжалик-иқтисодий, Ўзаро ёрдам, коммуникатив, регулятив кабилар.

Айниқса, оилада бола тарбияси, кексаларга ёрдам, мещнатга лаёқатини йЎқотганларга \амхЎрлик қилиш, оилавий анъаналарни сақлаш ва маънавий муносабатларни тартибга солиш каби мущим ащамиятга эга ижтимоий муносабатлар мужассамлашгандир. Оилада “вояга етган, мещнатга лаёқатли фарзандлар Ўз ота-оналарига \амхЎрлик қилишга мажбурдир”.

Шундай қилиб, “оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, Ўзининг кЎп асрлик мустахкам ва маънавий таянчларига эга бЎлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эщтиёжлари ва қадриятлари шаклланади”.

Щозирда, турли мамлакатларда, жумладан Ўзбекистон республикасида щам оиланинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш функциясининг салмо\и янада ортмоқда. Бозор муносабатларнининг таркиб

топиши натижасида бу функциянинг бажарилиши, оиланинг бошқа функцияларини фаол амал қилишига сезиларли таъсир кЎрсатмоқда. Масалан: оилавий кичик корхоналар, устахоналар, кооперативлар, оилавий фермер хЎжаликлари, ижара пудратлари каби ишлаб чиқариш функциясининг амал қилиши билан жамият тараққиётида нафақат иқтисодий жищатдан ащамиятлироқдир, кЎп жищатдан ащолини ижтимоий фойдали мещнат билан банд қилиш, хЎжалик учун зарур моллар билан таъминлаш (хЎжалик - иқтисодий функцияси) болаларда ёшликдан мещнат кЎникмаларини шакллантириш (тарбиявий функцияси), ижтимоий-психологик (Ўзаро ёрдам функцияси), оила бюджетини таъминлайди. Эр-хотин ва фарзандлар Ўртасидаги рущий уй\унликни (коммуникатив функцияси) мещр- оқибат муносабатларини янада оширади.

Оила асосини никощ муносабатлари ташкил қилади. Никощ – бу тарихан вужудга келган эр ва хотин Ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-ащлоқий шаклидир. Никощ орқали жамият эр-хотиннинг Ўзаро жинсий щаётини тартибга солади ва уларнинг оиладаги щуқуқ-бурчларини қонунлаштиради. Шу билан бирга, оила никощга нисбатан янада мураккаброқ бЎлиб, нафақат эр-хотинни, балки уларнинг фарзандларини ва шу оила таркибига кирувчи қариндошларни щам Ўз ичига олади.

Оила ижтимоий институт сифатида муайян даражаларга эга бЎлади. Дастлаб, эр-хотиннинг никощдан Ўтиши оқибатида оила вужудга келади. Биринчи фарзанднинг дунёга келиши эса - болали оилани юзага келтиради. Бу щолат оилани янада мустахкамлайди. Щаттоки, бир-бирларини севиб қурилган оила щам, агарда фарзандли бЎлмаса, мустахкам бЎла олмайди, бундан кЎриниб турибдики, оиланинг авлод қолдиришлик функцияси жамият щаётида щам, оила мустахкамлигини сақлашда щам мущим роль Ўйнайди. Оиланинг яна бир даражаси - кЎп болали оилалар сони щозирга келиб, маълум ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири билан борган сари камайиб кетмоқда.

Оила типининг мущим белгилари қуйидагилар щисобланади: оила аъзоларининг ёши, оиладаги бола сони, мураккаб оилалар, бундай оилалар бизнинг шароитимизда кЎплаб учрайди. Бунадй оила таркиби бир неча - икки ёки ундан ортиқ никощли жуфтдан иборат бЎлади. Республикада оиланинг Ўртача сони 5,5 кишидан иборат, бир қанча вилоятларда эса 6 кишидан иборат, бу кЎрсаткич МДХнинг Европа қисмидаги мамлакатларида 3,2 кишини ташкил этади.

Давлатнинг вужудга келиши билан оилавий щаётни бошқариш щуқуқий характерга эга бЎлган. Никощни юридик жищатдан расмийлаштириш нафақат эр-хотин олдига, балки давлат олдига щам муайян жавобгарлик (бурч, вазифа, маъсулият) қЎяди. Шундан бошлаб оилавий муносабатлар муаммоларини назорат қилиш, щуқуқий жищатдан бошқариш давлат зиммасига юклатилди.

Никощ мунсабатларини, ёл\из яшовчиларни, оилавий бузилиш сабабларини Ўрганиш жамият ижтимоий таркибини ижобий ривожланишида катта ащамият касб этади. Оддий бир мисол: диний муносабатлар асосида,

аввал никощ муқаддас щисобланар эди. Собиқ тоталитар тузум асорати сифатида биз бу масаланинг анча кейинги Ўринлардан бирига сурилиб қолганлигини гувохи бЎлиб турибмиз.

## 6.3. ХОЗИРГИ ДАВРДА ОИЛА РИВОЖИДАГИ СОЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАР.

“Щозирги вақтда оиланинг хақиқий моддий ащволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишларини мащалладан кЎра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йЎқ, шунинг учун щозирда оила социологияси мащалла доирасида кенгроқ Ўрганилмо\и зарур. Бозор муносабатлари барчани тобора чуқурроқ Ўз доирасига тортаётган экан, бу щолат оилавий муносабатларга щам Ўз таъсирини Ўтказмай қолмайди албатта. Оиланинг ишга яроқли бЎлган барча аъзолари тирикчилик билан банд бЎлиб, болалар Ўз щолига ташланиб қЎйилаётгани щам хақиқатдир. Ана шундай вазиятларда мащаллаларнинг ролини, масъулиятини ошириш тЎ\рисидаги даъват ва тегишли фармойишлар, оилалардаги муаммоларни кенг жамоатчилик муаммолари сифатида қабул қилиниши давр тақозоси эканлигидан далолат беради. Болалар жамиятнинг келажаги эканлиги эътироф этилар экан, уларнинг тарбияси учун шу жамиятнинг щар бир аъзоси масъул эканлигини эътиборга олган щолда, энг аввало оила Ўз фарзандининг тарбияси, унинг келажаги, жамият олдидаги бурчини англаб етишида жавобгар эканлигини таъкидлаш билан унинг зиммасига энг о\ир масъулият тушишини англаб етиб, Ўз функционал вазифасига содиқ щолда жамият тараққиёти билан бирга ривожланиб бориши талаб этилади.

“Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга, ащлоқ-одобини щам яхшилангизлар”, - дейилади хадисларда. Фарзанд - хаётниг гули. Дарщақиқат, одобли фарзанд билан хаётимиз файзлидир. Бироқ, фарзандларимиз хатти-щаракатида щам гощо нуқсонлар кЎзга ташланади, уларни Ўз вақтида олдини олиб, бартараф этмаслик гунощ ишларга олиб боради. Шунинг учун оилада фарзандларимизга хадис намуналарини уқтириб боришимиз щам фойдадан щоли эмас.

Педогогика фани атамасида “тарбияси қийин” деган тушунча мавжуд. Бу тушунча одатда шЎх ва қайсар Ўқувчиларга нисбатан ишлатилади. Шунингдек, тарбияси о\ир болалар қаторига Ўзбошимча, хатто безори болалар ва зараркунанда даражасига тушиб қолган Ўсмирлар щам киради: уларни тарбиялаш, хаётида хақиқий тЎ\ри йЎлга солиб юбориш осон иш эмас албатта. Бироқ, астойдил, эътиқод ва фидойилик кЎрсатиб, ижтимоий фанлар қонуниятларига суяниб, бу о\ир ва машаққатли ишда муваффақиятга эришадиган тарбиячи-мураббийлар щам йЎқ эмас.

Бола рущияти ва маданиятининг нуқсонларини Ўз вақтида пайқаб, уларни бартараф этиш тадбирларини излаш ва мощирона иш юритиб, тарбиявий таъсир кЎрсатиб, шубхасиз, самарали натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун рущият ва педагогика фанларининг ютуқларига

суянган щолда оилаларда, ота-оналар университетлари ишларини жонлантирган щолда, бу вазифага мутасадди бЎлган мутащассисларнинг масъулятини ошириш талаб этилади.

Оила аъзолари Ўртасида нутқ одоби масаласи щам \оят мущим ащамиятга эгадир. Бироқ, бу ишни амалга оширишда, биринчи галда ота-оналарнинг Ўзлари намуна кЎрсатиб, соф она тилида сЎзлашлари лозим. Маълумки, “сен” ва “сиз” сЎзлари щам бир о\householdиздан чиқади. Айниқса, Ўзбек келинининг щуш одоби, мещнатсеварлиги, уддабурон ва чаққонлиги, сарамжон-саришталиги хусусиятлари билан щаммада щавас уй\отибгина қолмай, ширин сЎз, щушмуомала, ёқимтойлик фазилатлари билан хонадонга нур ё\дирадилар. Балиқ сув билан тирик деганларидек, одам-одам билан хаётдир. Бунинг асил маъносида одамларнинг Ўзаро мулоқотидаги алоқа қуролининг ижтимоий сифатлари ётади. БЎлажак оила вакиллари, булар фарзандлар экан, уларнинг келгусида қандай оила қуришлари, қандай оила эгаси-ю, қандай уй бекаси бЎлиши, улар Ўсиб-унаётган оиласида шаклланади. “Қуш уясида кЎрганини қилади”, - деган нақл бежиз эмас. Оиладаги анъаналар, удумлар асирлар оша давом этаверади. Ундаги яхши ва ёмон фазилатлар, щамда иллатлар келгуси авлодлар хаётида Ўз аксини топади. Шунинг учун, иложи борича оилада ижобий щислатларни кенгроқ шакллантириб, нуқсонларни бартараф этиб борилиши ота-онанинг ва оиладаги бошқа кекса авлодларнинг жамият олдидаги жиддий бурчи щисобланади.

Оилада боланинг китобхонлигини уюштириш щам жиддий ащамиятга эга бЎлиб, уни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

1. Щар қайси ёшдаги болалар учун бадиий асарларни тЎ\ри танлаш ва олиб бериш.
2. Маълум тартиб асосида бадиий китобларни Ўқиш учун вақт щамда шароитни белгилаш.
3. Бадиий асарларнинг тарбиявий томонидан таъсир кЎрсатадиганларини танлаш ва керакли адабиётларни тЎплаб, оила кутубхонасини ташкил этиш.
4. Болалар китобхонлигини бо\ча ва мактаб билан щамкорликда уюштириш. Бунда услубчилар ва синф ращбарлари билан доимий алоқа Ўрнатиб боланинг тарбияси билан мунтазам равишда қизиқиб туриш керак.
5. Оилада болалар китобхонлигини оширишда (уюштириш) турли щил усуллардан фойдаланиш (Тажриба ва кузатиш , сущбат, ифодали Ўқиш, щикоя, бащс-мунозара) яхши самара беришини кЎрсатади.

Юқорида айтиб Ўтганимиздек, оилада тарбияга катта ащамият бериш керак. Оила аъзолари бир-бирлари билан қандай муомалада бЎлсалар, шу мущит қоби\идаги Ўспиринларда щам щудди шундай ва уларга хос хулқ-атворлар намоён бЎла бошлайди. Оила хонтахтаси атрофида Ўтириб, турли мавзуларда мулощазалар юритиш, мураккаб муаммоларни щал қилиш борасидаги атрофлича етарли бащслар, шубщасиз, йигит-қизлар ақл-

заковатининг Ўсишида, уларнинг ақл-камолотида туртки вазифасини бажаради.

Оилавий турмуш бу буюк щаёт мактабидир, унда эр-хотин бир-бирини тарбиялайди, бири иккинчисидан Ўрганади, Ўзидаги камчиликларни пайқайди ва бартараф эта боради. Ана шу камчиликларга бардош берган оилагина бахтли бЎла олади. Оила қуришдан асосий мақсад фарзанд кЎришдир, авлодлар давомийлигини давом эттириш, жамият манфаати йЎлида щормай-толмай мещнат қилишдан иборатдир.

Эр ила хотуннинг қонуний суратда бирга яшаб, бир вужуд бЎлишларидан оила ташкил бЎлур. Эр Ўзи учун бир хотун танлаб, дунёда бЎлган тириклигида, шодлигу - қай\усида, щар бир яхши-ёмон кунида суянчиқ бЎладиган, жонига рохат бахш этадиган бир сирдош топур. Хотун одам боласида бЎл\он хулқларни гЎзаллаштирурки, бунга сабаб қаттиқ кЎнгилларни юмшатувчи, инсонларни жонвор эмас, инсон этувчи бир қут бЎлганидандир. Зеро дЎстлик ва яқинлик каби нарсалар нақадар мустащкам бЎлса-да, оила ташкил этишдан қудратлироқ эмас. (ХАДИС, 9-бет).

Оила қуришдан олдин, унинг инқилоби ва истиқболи устида Ўйламоқ оқилларнинг иши. Аксинча, баъзилар аввал турмуш қуриб, кейин пушаймон қила бошлайдилар. "Эр ва хотиннинг бир-бирига бЎлган мещру-вафоси бизга боболаримиздан қолган бебащо меросдир. "

Никощ муносабатларини, ёл\из яшовчиларни, оилавий бузилиш сабабларини Ўрганиш жамият ижтимоий таркибини ижобий ривожланишида катта ащамият касб этади. Шундай экан, оила ва никощ муносабатлари нафақат эр-хотиннинг Ўртасидаги шахсий, балки ижтимоий, умумбашарий ащамиятга щам эгадир. Оила нафақат эру-хотин иттифоқи, балки жамиятнинг асосий бЎ\инидир, республикамизда Ўтган 1998-йилнинг "Оила" йили деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан бир қатор тадбирларнинг амалга ошира бошланганлиги бунинг яққол далилидир.

## 6.4 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НИКОЩ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАХКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ СОЦИАЛ ТАДБИРЛАР.

1997 йил 5 декабр куни Ўзбекистон республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 5 йиллигига ба\ишлаб Ўтказилган тантанали йи\илишда мамлакатимиз йЎлбошчиси Ислом Каримов маъруза қилиб, келаётган 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилган эдилар.

Бу йи\илишда Президентимиз оиланинг щар бир инсон хаёти ва умуман жамият щамда давлат тараққиётида тутган Ўрнини атрофлича шархлаб ажойиб фикрларни айтдилар ва жамият олдига шундай масалани қЎйдилар: "… Оилага эътиборни тубдан Ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жищатдан химоялаш, эъзозлаш, қЎллаб-қувватлаш - бугунги кунимиз ва эртанги истиқболимиз учун нақадар мущим ва долзарб эканлигини яхши тушунамиз ва англашимиз даркор. Шу муносабат билан

кЎп Ўтмай 1997 йил 9 декабрда Президентимизнинг оила масаласига ба\ишланган махсус фармойиши эълон қилинди. Фармойишда "Оила йили" билан бо\ликликда Давлат дастурини ишлаб чиқиш учун Республика Комиссияси тузилди ва унинг таркибидаги ишчи гурущларни ташкил этиш вазифаси қЎйилди. Дастурни асосий йЎналишлари белгилаб берилди. 1998 йил январ ойида оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар Давлат Дастури тайёр бЎлди, щамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Мащкамасининг 1998 йил 27 январдаги қарорига асосан тасдиқланди. Давлат Дастури комплекс тусда бЎлиб у 150 дан кЎпроқ тадбирларни Ўз ичига олгандир, дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун эса барча манбалар бЎйича 144,8 млрд. сЎм мабла\ ажратиш кЎзда тутилган бЎлиб, бу мабла\ни деярли ярми давлат бюджетидан ажратилиши таъкидланган.

Олий Мажлиснинг X - сессиясида қабул қилинган Оила Кодекси оилавий муносабатларда эркак ва аёлнинг тенг щуқуқлилик принциплари мустахкамланди. Кодексда оиладаги мулк, бола тарбияси ва бошқа жищатлари янги замон талаблари асосида талқин этилган. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мащкамасининг Республика "Оила" илмий-амалий Марказини ташкил этиш тЎ\рисидаги қарори оила манфаатларини такомиллаштириш йЎлида қЎйилган янги салмокли қадамдир. Бу қарорга биноан Ўзбекистон республикаси Хотин-қизлар ҚЎмитасида Республика "Оила – илмий-амалий Маркази" ташкил этилди. Марказ Оила муаммоларини Ўрганиш бЎйича лабораторияга эга бЎлади. Бундай марказнинг вужудга келиши кЎп жищатдан ащамиятлидир. Биринчидан, оила – жамиятнинг негизидир, демак оила муаммоларини Ўрганиш ва хал қилиш билан узлуксиз, хамиша шу\улланадиган, бу борада Ўз таклиф-мулощазаларини ишлаб чиқиб, вақти-вақти билан давлат ва жамият олдига қЎядиган муассасага эхтиёж катта. Иккинчидан, хаёт, жамият хамиша ривожланишда, тараққиётда экан, демак оила муаммолари щам Ўзгариб, янгиланиб бораверади ва улар тЎ\рисида бутун жамият ва давлат бошқаруви Ўз вақтида аниқ тасаввурга эга бЎлиш зарур.

"Оила" маркази аввало оиланинг равнақи билан бо\лиқ муаммолар мажмуасини атрофлича илмий Ўрганиш ва услубий тавсиялар тайёрлашнинг Ўзининг асосий вазифаларидан деб билади. Бундай муаммолар эса оз эмас. Шу билан бирга "Оила" маркази фақат илмий ащамиятга эга бЎлган муаммолар билан шу\илланиб қолмай, қарорда кЎрсатилганидек, у кенг амалий фаолият билан щам шу\илланади. Яъни оилани ривожлантириш, уни такомиллаштириш, оила аъзолари саломатлигини тиббий-биологик асосларни илмий Ўрганиш билан бир қаторда бу муаммоларни щал қилиш юзасидан амалий тадбирлар мажмуасини щам амалга ошириб боради. Яна, ёшларни оилавий хаётига тайёрлашни яхшилаш мақсадида Никох уйларива саломатлик марказларида мащсус Ўқув тарбиявий курсларни ташкил этилиши кЎзда тутилган бЎлиб, бугунги кунда бу масканлар муваффақиятли фаолият кЎрсатмоқдалар. Шунингдек оиланинг щуқуқий соводхонлигини яхшилаш ва химоялаш-хозирги кунда энг мущим вазифалар қаторидан Ўрин олган. Марказ 1998 йиллнинг "Оила йили" деб эълон қилинганлиги

муносабати билан белгиланган тадбирлар Давлат дастурининг бажарилиши маниторлигини олиб бораётганлиги катта ащамиятга эгадир.

Оила илмий-амалий марказнинг фаолияти давлат ва жамият тараққиёти манфаатларига ёналтирилгандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мащкамасининг “Оила” илмий амалий марказини ташкил этиш тЎ\рисидаги қарори ва унинг бугунги кундаги фаолияти бутун мощият эътибори билан жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан со\лом авлодни тарбиялашда оиланинг Ўрни мущим эканлигини яна бир марта тастиқлайди ва унинг равнақига хизмат қилади.

Маълумки, оиланинг авлод қолдиришлик функцияси нафақат оиланинг мустащкамлигини сақлашда, балки жамият хаётида щам жуда мущим рол Ўйнайди.

КЎп болали оилалар хозирга келиб, маълум ижтимоий - иқтисодий омиллар таъсири остида борган сари камайиб кетмоқда. Бу холат яқин келажакда Ўзбек миллатининг ривожланиши ва равнақи даражасига Ўз таъсирини кЎрсатмай қолмайди, албатта. Республикамизда оиланинг Ўртача сони 5,5 кишидан иборат, бир қанча вилоятларда 6 кишидан иборат. МДЩ Европа қисмидаги мамлакатларда эса бу кЎрсаткич 3,2 кишини ташкил этади (1997-й). Жамият, щар қандай давлатнинг ижтимоий таназзулга юз тутиши энг аввало ундаги оиланинг барбот бЎлиши, бузилишининг кЎпайишига кЎп жихатдан бо\лиқдир. Шунинг учун оилавий ажралишларни, қЎйди чиқдиларни келтириб-чиқарувчи туб сабабларни аниқлаш, Ўрганиш ва уларни олдини олиш учун илмий - амалий тавсиялар ишлаб чиқиш оила социологиясининг асосий вазифаларидан бири хисобланади.

Республика бЎйича никощлар умумий сонининг Ўсиши билан ажралишлар сонининг щам Ўсаётганлиги ташвишлидир. Оилавий ажралишларнинг асосий сабаблари нималар? Ажралишларнинг тарафдори кЎпроқ ким? Эркакларми ёки аёлларми? Қайси бирлари кЎпрок айбдор? – деган саволлар юзасидан олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаларига кЎра оилавий ажралишларнинг 70% да аёлларнинг, фақат 30% да эркакларнинг даъвогарлиги асосида содир бЎлмоқда. 41,4% ажралишларнинг асосий айбдори эркаклар 26,8% аёллар, 4,5% щар икки томоннинг Ўзаро келиша олмаганлиги сабабли 7,3% эса келин билан қайнона Ўртасида келишмовчилик бЎлганлиги оқибатида бузилмоқда. Щозирги вақтда асосан кЎпроқ қуйидаги омиллар оилавий ажралишларга сабабчи бЎлмоқда:

1.Эр Ўз оиласини моддий ва маъанвий жищатдан қЎллай олмаслиги.

“Сиёсий тизим” - жамиятни бошқариш билан бо\лиқ бЎлган тизим хисобланади. Бу тизим таркибига барча сиёсий ташкилотлар, давлат, хуқуқий органлар (суд, прокуратура, милиция, қамоқхона ва бошқалар), сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва улар билан бо\лиқ бЎлган сиёсий муносабатлар киради.

## Қисқача хулосалар

Мустақил Ўзбекистон давлати сиёсий тизимини социологик жихатдан Ўрганиш сиёсий сохада қилиниши керак бЎлган қуйидаги асосий вазифалардан келиб чиқади, булар:

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишда жамиятнинг сиёсий тизимини давлат идораларини тузилмасини тубдан яхшилаш, республика хокимияти билан махаллий хокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қЎйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бЎлган вазифалардир.

Идеологик муносабатлар щам ижтимоий тизим сифатида маънавий щаёт қирраларини Ўз ичига олади. Унинг таркибига маънавий муносабатлар ва улар билан бо\лиқ бЎлган ташкилотлар : маданий муассасалар, фан, мафкура, қадриятлар киради.

Мустақил Ўзбек миллати маънавиятини тиклаш ва ривожлантиришда миллий тил ва миллий маданият, урф-одатлар, қадриятлар, миллий онг, миллий Ўз-Ўзини англаш, миллий хис-туй\уни, миллий \урур ва ифтихорни Ўстириш масалалари мухим Ўрин тутади. “Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-милион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни улчаб хам, поёнига етиб хам булмайди. У инсон учун бутун бир олам”.

## Таянч иборалар

Ижтимоий ташкилот, субъектнинг щулқи ва мотиви, позитив мантиқ, таркибий функционал тащлил, ижтимоий мувозанат, психологик иқлим, институтционлашув жараёни, сиёсий тизим, социал институт.

**Назорат ва мустащкамлаш учун саволлар.**

1. Социал институтлар тушунчасини таърифланг.
2. Социал ташкилотларнинг таркибий тузилишини изощланг.
3. Расмий ва норасмий ташкилотларни фарқланг.
4. Социал тизимлар нимани англатади ва уларнинг турлари.
5. Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ва унинг таркибий тузилишини тушунтириб беринг.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ватан саждагощ каби муқаддасдир - Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислощотларни чуқурлаштириш йЎлида - Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
4. Алиқориев Н.С. Умумий социология. Т.: 2000.
5. Социология. М.: 1990., 50-78 б.
6. Юнусов К. Социология. Андижон. 1997.
7. Инсон тараққиёти тЎ\рисида щисобот. Т.: 1998.

## 11 - МАВЗУ : ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

11.1.Социал тараққиёт ва социал Ўсиш тушунчаси.
11.2.Социал тараққиёт ва социал Ўсишнинг манбалари.
11.3.Ўзбекистоннинг щозирги социал тараққиёти ва Ўсиш щолати.

### 11.1. Социал тараққиёт ва социал Ўсиш тушунчаси.

О. Конт социологиясида социал динамика жамият щодисаларини Ўрганишдаги муайян ёндашувни билдиради. Аслида, динамика механиканинг жисмлар щаракатини ва щаракат билан уни юзага келтирувчи куч Ўртасидаги бо\ланишларни Ўрганадиган бЎлимдир. Умумий маънода динамика щаракат щолатини, нарса-щодисаларнинг Ўсиш Ўзгариш, ривожланиш жараёнини англатади. Социологияни физиологиянинг бевосита давоми ёки “социал физика” деб щисобланган. Конт ижтимоий воқеликни табиий қонунларини топишга щаракат қилган эди. Ана шу вазифани амалга ошириш учун ижтимоий воқелик икки йЎналишда - социал статика йЎналишида ва социал динамика йЎналишида кЎрилиши лозим. Социал статика ижтимоий элеменнтларнинг мувозанатини, мавжудлик қонунларини Ўрганади. Ижтимоий элементларининг Ўзаро уй\унлигини, уларнинг Ўзаро мувозанатлашган тарзда мавжудлигини жамиятни яхлит бутунлик деб қарашга имкон беради. Шунинг учун щам жамият алощида Ўзига хос тизим бЎлиб, бунда энг мущими элементларнинг Ўзаро алоқасидир. Социал статика щар қандай жамият барқарорлик, мувозанат щолатини, асосий тартиботни Ўрганса, социал динамика жамиятдаги Ўзгариш, ривожланишнинг изчиллиги, бирин-кетинлигини очиб беради. Шундай қилиб, социал динамика жамиятнинг Ўзгариш ва ривожланиш щолатларини, ижтимоий Ўзгаришларнинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омилларини ифодаловчи социологик категория деб қаралиши мумкин. Жамиятни ташкил

этувчи социал гурущлар, индивидлар, табақалар, қатламларнинг щаракатларини социал динамиканинг социал мобиллик (лотинча mobilis - щаракатчан, Ўзгарувчан) ва социал Ўзгаришлар деб аталадиган кЎринишларни ифодалайди. Социал мобиллик тушунчаси социологик тадқиқотлар доирасига П. Сорокин киритган эди. Социал мобиллик кишиларнинг муайян ижтимоий гурущ ва табақалардан бошқаларига Ўтишларини (социал Ўзгаришлар), шунингдек, айни бир социал табақа доирасида маш\улотларнинг алмаштиришини англатади. Социал мобиллик тушунчаси гурущлар ва бир бутун жамиятлар "очиқлиги" ёки "ёпиқлиги" тавсифлаш учун ишлатилади. Интергенерацион (авлодлар орасидаги) ва интегенерацион (авлод ичидаги) социал мобиллик ажратилади. Социал щолатнинг отадан Ў\лига (камдан-кам щолларда онадан-қизга) Ўтиши генерацион социал мобилликка, социал кЎтарилиш ёки социал пасайиш билан бо\лиқ индивидуал белгилар эса интрагенерацион социал мобилликка мисол бЎлади. Ўзгаришлар йЎналишига қараб вертикал (кЎтарилиш ва пасайиш) ва горизонтал социал мобиллик фарқланади. Социал мобилликнинг эмперик кЎрсаткичи бЎлиб Ўзгарувчанлик-мобиллик барқарорлик-стабиллик индекси хизмат қилади. Бу индекс текширилаётган гурущдаги мобил ва стабил шахслар нисбатидан олинади. Бундан, ташқари мобил (Ўзгарувчан) шахсларнинг жинси, маълумот даражаси, "ақли расолик коэффиценти", миллати, ирқи, турар жойи, со\-саломатлигига қараб щам социал мобил шахсларнинг миқдорий кЎрсаткичлари Ўртасидаги корелляция (мос келувчи) коэффициентлар щисобланиши мумкин. Социал мобиллик Ўлчашда турли хилимкониятларнинг мавжудлиги миқдорий анализ қЎлланишидан келиб чиқади. Социал мобиллик даражасини аниқлаш ёрдамида у ёки бу жамиятни "анъанавий", "замонавий", "индустриал", "постиндустриал" ва хоказоларга бЎлиш мумкин.

Социал дифференциация ва социал интеграцияни социал мобиллик ва Ўзгартиришлар оқибати деб қараш мумкин. Социал дифференциация тушунчаси биринчи бЎлиб Г. Спенсер томонидан қЎлланилган. Унинг фикрича, ижтимоий эвалюция бир вақтнинг Ўзида дифференциация (бир хилликдан кЎп хилликка Ўтиш: мехнат тақсимоти, махсус социал институтлар пайдо бЎлиш) ва интеграция (органларининг бир-бирларига тобора мувофиқлашиб бориши, оддийдан мураккабга Ўтиш, умумий алоқадорлик такомиллашуви), ижтимоий тартибот мукаммалашувидан иборатдир. Э. Дюркгейм социологик тизимида щам жамиятдаги дифференциация ва интеграция жараёнларига эътибор берган. У дифференциацияни ащоли зичлигининг ошиши ва шахслар аро ва гурущлар аро мулоқатлар суръатига бо\лаб тушунтирган. Одатда дифференциация тушунчаси "тафовут" сЎзининг синоними сифатида ишлатилади. Бу холда у роллар, статуслар (мақомлар), институт ва ташкилотларни турли мезонлар ёрдамида классификация қилишга ёрдам беради. Структуравий функционализм ва системали ёндашув тарафдорлари (Парсонс, Этцони ва б.). Социал дифференциация билан социал системани Ўз-Ўзини сақлашни шарт деб қарайдилар. Бунда социал дифференциациянинг яхлит жамият, унинг

остки тизимлари, гурущлари даражасида кЎринишлари қатъий фарқланади. Уларниг фикрича, қуйидаги хаётий мущим вазифалар - мущитига мослашиш, мақсадларини қЎя билиш, ички ихтилофларни бартараф этиш (интеграция) ва щоказолар бажарилгандагина муайян тизим мавжуд бЎла олиши мумкин. Бу вазифалар эса фақат озми-кЎпми махсуслашган институтлар томонидангина бажарилиши мумкин. Демак, бунга мувофиқ социал тизимлар озми-кЎпми дифференциациялашган (табақалашган) бЎлади. Социал дифференциация Ўсиши билан фаолиятлар щам махсуслашиб боради, шахсий ва оилавий алоқалар Ўз Ўрнини борган сари одамлар Ўртасидаги шахссиз нарсавий муносабатларга бЎшатиб беради. Бу муносабатлар кЎпроқ рамзий воситалар билан бошқарилади (масалан, иқтисодий муносабатлар учун бундай воситачи - пул). Социал интеграция (лот. Integratio - тЎлдирилиш, тикланиш; integer яхлит, бутун) социал дифференциацияга нисбатдош тушунчадир. Щозирги замон социологияси тизимлар назариясидаги интеграция тушунчасидан фойданалилади. Унга кЎра, интеграцияда алощида дифференциациялашган қисмларнинг бир бутун қилиб турувчи алоқа ва шу щолатга олиб келувчи жараён тушунилади. Интеграция турли хил социал субъектлар - индивидлар, ташкилотлар, давлатлар ва щоказолар Ўртасида ихтилофсиз муносабатлар бЎлишини кЎзда тутади. Социал тизимлар интеграциясининг даражаси ва механизми тЎ\рисидаги қарашлар тарихан Ўзгариб келган.

Бажарадиган вазифалари, сощаларига қараб социал динамиканинг қуйидаги турларини ажратиб кЎрсатиш мумкин:

1. Репродуктив динамика. Социал динамиканинг бу тури ту\илиш, ишлаб чиқариш, экологиянинг социал жищатларини Ўз ичига олади. Ащоли сонининг Ўсиши, ту\илиш миқдори, уларни белгиловчи омиллар репродуктив социал динамика сощасига киради. Ишлаб чиқариш, экология ва социал субъектлар репродуктив Ўрнашмаларга алоқадор бЎлади.
2. Мақом (статус) социал динамика. У Ўз ичига хизмат лавозимларида кЎтарилиши ёки пасайишини, турмуш даражаси ва сифатини қамраб олади.
3. Щудудий социал динамика. Ащоли кЎчишлари суръати ва миқдорларининг социал жищатлари, катта шащар вужудга келиши билан пайдо бЎлган социал муаммолар, ишлаб чиқаришнинг жойлаштирилиши, унинг социал оқибатлари щудудий (территориал) социал динамика объектларидир.
4. Маънавий щаёт динамикаси манфаатлар, қадриятлар, фикрлар, нормалар щаракати, Ўзгариши ва ривожланиши бу соща доирасида бЎлади.
5. Сиёсий динамика жамият социал-синфий таркиби, щокимият шакллари Ўзгаришини англатади.
6. Фан - техника динамикаси. Фан-техника тараққиётининг социал жищатлари, ишлаб чиқариш воситалари Ўзгаришларининг ижтимоий субъектлар щаётига таъсири, ахборот ва коммуникация

билан бо\лиқ социодинамик Ўзгаришлар фан-техника динамикасига киради.

Социал динамика абстракт, мавщум қонуният ифодаси эмас. Щар бир минтақа, ижтимоий тузумда Ўзига хос социодинамикани кЎришимиз мумкин. Социал динамика вертикал (юқори ва пастга) ва горизонтал (яъни, параллел томонга) йЎналишда рЎй бериши мумкин. Юқорида келтирилган барча социал динамика турларини вертикал ва горизонтал - йЎналишда текшириш мумкин. Жумладан, социал-синфий структура элементлари щаракати социал стратификация ёндашуви асосида қаралганда буни яққол кЎриш мумкин. Социал стратификация (лот. Strato - тЎшама, қатлам) социологик тушунчаси бЎлиб, бу тушунча умуман жамиятнинг, айрим социал гурущларининг таркибини, уларнинг турли-туман белгиларига: даромади, малакаси, маълумоти ва бошқа даражаларига қараб одатда иерархия (юқори ва қуйи) тарзда жойлашган ижтимоий қатламларга бЎлинишини тавсифлайди. Функционализм нуқтаи назаридан, социал стратификация тизими жамиятдаги социал рол ва мавқейларнинг дифференциацияси бЎлиб, у щар қандай жамиятнинг объектив эщтиёжидир. Жамиятнинг турли сощаларида страталардан страталарга щаракатни кЎриш мумкин. Масалан, иқтисодиёт сощасида - щар бир одам миллонер бЎлиши мумкин; сиёсатда - йирик сиёсий мансабга эришиш мумкин; армияда - щар бир аскар генерал бЎлиши мумкин; диний фаолият сощасида - олий диний мартабага эришиш мумкин; фан - бу фаолиятнинг нисбатан зое кетадиган сощаси бЎлиб, бироқ бунда илгарилаш мумкин; никощ орқали - фойдали никощ воситасида жамиятнинг энг юқори по\оналарига \оят тез кЎтарилиш мумкин. Кишиларнинг социал зинапоядаги юқорига қараб силжишга интилиши - ижтимоий тараққиётнинг щаракатлантирувчи кучидир. Одам бир вақтнинг Ўзида бир неча стратага кириши мумкин. Бу страталар институционал, маданий, норасмий мезонлар асосида ажратиб кЎрсатилиши мумкин ва уларга мос бЎлган социодинамика щам мавжуд.

## 11.2. Социал тараққиёт ва социал Ўсишнинг манбалари.

Француз социологи Эмиль Дюркгеймда социал тараққиёт щақидаги \оя мещнат тақсимотига бо\лаб тушунтирилади. Ижтимоий ривожланиш, унингча механик бирдамликка асосланган жамиятда мещнат тақсимотига асосланган органик бирдамлик, щамкорлик жамиятига Ўтишдир. Дюркгейм назариясида социал тараққиётни таъминловчи омил мещнат тақсимоти деб қаралади. Мещнат тақсимоти сегментир жамиятнинг барщам топишига ва органик бирдамликка асосланган жамиятга Ўтилишига имкон беради. Мещаник бирдамлик - бирдамликнинг “жамоавий” типи бЎлиб, уни ташкил этувчи индивидлар бир-бирларига Ўхшаш, улар бажарадиган ижтимоий вазифалар щам бир хил, уларнинг шахсий хусусиятлари ривожланмаган бЎлади. Дюркгейм фикрича, бу жамият индивидининг онги жамоа онгининг оддий махсулидир, зотан, умумий, жамоавий онг бЎлиши механик бирдамлик бЎлган жамиятнинг асосий белгисидир.

Жамият аста секин Ўзгара боради. Локал сегментлар чегараси бузила бошлайди, чунки, турли хил ижтимоий алоқалар вужудга кела бошлайди. Алоқа йЎллари ва воситалари ривожланади, ащоли тобора кЎпаяди, шащарлар Ўса бошлайди, ащоли моддий ва маънавий зичлиги ошади ва мещнат тақсимоти кенг тарқала бошлайди. Кишиларнинг онги тобора табақалашаётган мещнат тақсимотига ва мураккаблашаётган ижтимоий ташкилотга мос кела бошлайди. Дюркгейм назариясида ушбу вужудга келадиган бирдамликнинг янги кЎриниши органик бирдамлик деб талқин этилган.

П.Сорокин бирнчилардан бЎлиб социомаданий Ўзгаришлар динамикаси назариясини ишлаб чиқди. Унга кЎра ижтимоий воқелик Ўзгариши қонунли жараёндир. Муайян ижтимоий - маданий улкан тизимлар (суперсистемалар) бир бирлари билан диалектик равишда алмашинади. Муайян жамият щукмрон бЎлиб турган дунёқарашнинг “Ўтмаслашиб қолиши” унинг бошқа дунёқарашга Ўрнини бЎшатиб беришга олиб келади. Бу Ўз навбатида ижтимоий муассасалар ва нормаларнинг Ўзгаришига, жамиятнинг тубдан Ўзгаришига олиб келади.

“Социал эволюция” ва “социал революция” социал ривожланишнинг шакллари сифатида қаралиши мумкиин. Албатта, бунда ислощот (реформа) Ўзгаришларини, инқилоб (революция) Ўзгаришлари йЎлидаги, уларга бЎйсунадиган ривожланиш шакли деб қараш мумкин эмас. Жамият ривожланишининг асосий, нормал йЎли - реформа, ислощотдир. Ижтимоий ривожланиш субъектларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти орқали рЎй беради. Англанган эщтиёжлар - манфаатлар бу фаолиятни щаракатлантирувчи кучлардир. Ижтимоий эщтиёжлар ва манфаатлар қондирилиши учун социал жараёнлар бошқарилиши талаб этилади. Умумий маънода бошқариш такомиллашган (биологик, техник, социал) тизимларнинг фаолиятини таъминлаш учун, уларнинг дастур ва мқсадларини амалга оширишга хизмат қиладиган функциядар. Социал бошқариш эса жамият муайян тизимининг тартибланиши сақланиши , мукаммаллашуви ва ривожланишини таъминлайди. Социал бошқариш жараёнининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборатдир: ахборатни йи\иш ва уни қайта ишлаш; уни анализ этиш; тақсимлаш; мақсадга эришишга қаратилган қарорнинг ишлаб чиқилиши; режалаштириш, дастурлаштириш; лойищалаштириш кЎринишида умумий қарорни бажариш учун фаолиятни ташкил этади; бу фаолиятни назорат этиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қЎйиш билан биргаликда; фаолият натижалари щақидаги ахборотни тЎплаш ва қайта ишлаш.

Социал бошқариш ижтимоий жараёнларни башорат қилиш, олдиндан кЎра билишга асосланади. Башорат категорияси икки маънода конкретлашади: олдиндан айтиб бериш (дескриптив, яъни тавсифлаш маъносида) ва олдиндан кЎрсатма бериш (прескриптив, ундов, амр, буйруқ). Зотан, социал бошқаришнинг асосий вазифаси кишилар субъектив фаолиятининг объектив қонуниятлар талабларига мувофиқ келишига

эришиш, бу қонуниятлардан самарали фойдаланишдир. Социал бошқариш бу маънода щам назарий, щам амалий фаолиятни Ўз ичига олади.

Социал тараққиёт ва социал Ўсишнинг асосий омилларидан бири сифатида социал бошқариш талқин этилар экан, унинг қуйидаги шаклларини айтиб Ўтиш мақсадга мувофиқдир: социал режалаштириш, лойищалаштириш ва прогнозлаштириш.

**11.3.Ўзбекистоннинг щозирги социал тараққиёти ва Ўсиш щолати.**

Истиқлолимизнинг машаққатли, фидокорона мещнат билан 8 йили ортда қолмоқда.

Бу йиллар бой имкониятларга эга бЎлган, республика ва унинг ащолисини танг холатдан, моддий ва маънавий инқироздан чиқариш, миллий давлатимиз пойдеворини қуриш, иқтисодиётимизни сифат жищатдан янги босқичга кЎтариш йиллари бЎлди.

Ўзбекистонни жащонга номоён қилиш, ахборот ва иқтисодий жищатдан четлаштириш холларига бархам бериш, жақон хамжамиятининг бошқа мамлакатлари қаторида тенг бЎлиб олиш сари интилиш йиллари бЎлди.

Щаётнинг, жамиятнинг асосий тамойилларини ва давлатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий тузилмаларини щал қилувчи, умуминсоний қадриятларга асосланган, эркин демократик келажакни аниқ белгилаб барган Асосий Қонун Конституция қабул қилинди.

Ўзбекистон танлаб олган йЎл – республика ва унинг халқининг манфаатларига нихоятда мос келадиган, ижтимоий жищатдан йЎналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир. Чуқур Ўзгаришлар бизнинг щаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Содир бЎлаётган туб силжишлар дунёнинг хозирги қиёфасини Ўзгартириб юбормоқда.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда номоён қиладиган ва рЎёбга чиқарадиган ташкилий тузилмаларни шакллантириш жараёни давом этмоқда. Банк тизими қайта ташкил қилинмоқда. Мустақил миллий аивакомпания, ахборот агентлиги, кинокомпания, ва бошқа умумдавлат хизматлари ишлаб турибди.

Ўзбек халқининг мустақилликка бЎлган интилишини жащон хамжамияти, халқаро жамоатчилик қуллаб-қувватлади. Дунёдаги 125 мамлакат Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини тан олди. 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари Ўрнатилди.

Тарихда илк бор, 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон халқаро щуқуқининг тенг щуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

Республикани хақиқатан щам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан холда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кЎникмаларини, мавжуд бекиёс табиий бойликларини щар томонлама щисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бЎлиб қолди.

Хозир Ўзбекистон тарихий чоррахада турибди. Республикани миллий давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи Ўз тараққиёт йЎлини ишлаб чиқиш зарурдир. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Республикада хозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, набираларининг щам тақдири, келажак авлодларнинг тақдири щам шунга бо\лиқ бЎлади. Республика танг холатларни айни даражада тезроқ бартараф этиш, яккахокимлик тизимининг иллатларини батамом тугатиш, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиш шу нарса билан белгиланади.

Барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик щуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бЎлиб қолиши керак. Шундай жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг щуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданиятни қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ащлоқий камол топишини таъминлаши мумкин.

Жащон ва Ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган щолда, уз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-щуқуқий тараққиёт йЎлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишидан иборат Ўз йЎли ащолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи Ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистонга хосдир. Катталарни хурмат қилиш, оила ва фарзандлар тЎ\рисида \амхЎрлик қилиш, очиқ кЎнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрищощлик билан муносабатда бЎлиш, Ўзгалар кулфатига хамдард бЎлиш ва Ўзаро ёрдам туй\уси кишилар Ўртасидаги муносабатларнинг меъёри щисобланади.

Ижтимоий тараққиётнинг асослари ва йЎналишлари хусусида сЎз кетар экан, аввало щуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий негизларга алохида эътибор бермоқ керак.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига \амхЎрлик қилади. “Ўзб. Рес. Конституциясидан”.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини щимоя қилиш имконини берадиган етарли салохиятга эга. Ер ба\рининг \оят қимматли минерал хом-ашёларга бойлиги чуқур таркибий Ўзгаришларни амалга ошириш, республиканинг жащон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг уч йЎли 4 та негизларга асосланади. Бу негизлар:

-умуминсоний қадриятларга содиқли;

-халқимизнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш;

-инсоннинг Ўз имкониятларини эркин номоён қилиш;

-ватанпарварлик.

Давлат рамзлари – байроқ, тама, мадщия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, \урури, тарихий хотираси ва интилишларини Ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш – Ўзининг қадр-қимматини, Ўз мамлакатига ва шахсан Ўзига бЎлган ишончни мустахкамлаш демакдир. Ислощотлар стратегиясини амалга оширишда биз учун қуйидагилар узлуксиз устивор йЎналишлар щисобланади:

-таълим ва маданиятни ривожлантириш хамда ислощ қилиш;

-ақлий ва маънавий салохиятни мустахкамлаш;

-ащолини ижтимоий химоя қилиш.

Чуқур ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига Ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар потенциалига, уларнинг касб жихатдан тайёрлигига бо\лиқ бЎлади.

Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар – Ўз йЎлига.

Уларни щал этиш мумкин, халқнинг таъминотини щам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислохотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бЎлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бЎлиш – бундан о\ирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йЎқ бу дунёда!

## Қисқача хулосалар

Олдимизда турган мущим масала – бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва хаётимизга тадбиқ этишдир.

Бу эса бутун таълим ва маданият тизимини тубдан ислощ қилишни тақозо этади. Чунки айни билимдонлик ва юқори маданиятлилик озодликдан хамманинг бахт-саодати йЎлида фойдаланиш имконини беради.

Аввалги йилларда таълим тизимисиз жахон цивилизациясининг ил\ор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди.

Ақлий ва маданий салохиятни ривожлантириш яна бир узлуксиз принцип щисобланади. Демак, бизнинг вазифамиз, аввалабор, мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва бобокалонларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир.

Шундай бир механизм ишга туширилиши керакки, бунда хар бир киши ислощотларнинг афзаллигини яққол сезсин. Уларнинг натижаларидан щақиқий манфаатдорлик пайдо бЎлсин. Ислощотлар жараёни аниқ самара билан бо\лиқ бЎлиши зарур.

## Таянч иборалар:

Социал динамика, социал статика, социал физика, эндоген, экзоген, социал мобиллик, интергенерацион, генерацион, социал дифференциация, социал интеграция, репродуктив динамика, мақом (статус) социал динамикаси, худудий социал динамика, механик ва органик бирдамлик.

**Назорат ва мустахкамлаш учун саволлар:**

1. Социал тараққиётнинг турлари ва кЎринишларини айтиб беринг.
2. Социал харакатчанликнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Социал Ўсиш щолатлари қандай омилларга бо\лиқ бЎлади?
4. Ўзбекистоннинг социал Ўсиш щолатларини нималарда ифодалаш мумкин?
5. Маънавий Ўсишнинг манбаларини изощланг.

## АДАБИЁТЛАР:


1.Каримов И.А. Тадбиркорлик – юксалиш гарови. Вазирлар махкамасининг 1999 йил 27 июль хисобот мажлисидаги нутқи - Т.: оқшоми рЎзномаси. 1999 87-сон.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. № 1. Т.: 1996

3.Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин - Т.: 1996

4.Каримов И.А. Ватан саждагох каби мақаддасдир - Т.: 1996

5.Каримов И.А. Бунёдкорлик йЎлидан - Т.: 1996

6.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси - Т.: 1999

7.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари - Т.: 1995

8.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI - асрга интилмоқда - Т.: 1998

9.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: 1992

## 12- МАВЗУ: “ЭМПИРИК СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР”.

12.1. Эмпирик социологик тадқиқот нима?
12.2. Социологик тадқиқот дастури ва унинг таркибий тузилиши.
12.3. Эмпирик тадқиқот усуллари.

### 12.1. ЭМПИРИК СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НИМА?

Социология фанини эмпирик социологик тадқиқот жараёнисиз тасаввур қилиб бЎлмайди. Эмпирик сЎзи қадимий юнонча бЎлиб, тажриба маъносини англатади. Эмпирик социологик тадқиқот. Янги дастур ва услубият билан амалий асосда ижтимоий щаёт ходиса ва жараёнлари тЎ\рисида олинган эмпирик маълумотларни тащлил қилиш, умумлаштириш зарур амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Эмпирик социологик тадқиқотда ижтимоий фактларни излаш, тасниф қилиш, тЎплаш мущим ащамиятга эга. Ижтимоий факт деганда, илмий асосланган, муайян вақт давомида реал ижтимоий воқеликнинг алощида жищатларини тасниф қилиш орқали олинган маълумотларга айтилади. Щозирги бозор муносабатларига Ўтиш жараёнида жамиятда руй бераётган мущим Ўзгаришларни, кишилар Ўртасидаги муносабатларни амалий социологик тадқиқотларсиз илмий асосда Ўрганиб бЎлмайди. Жамиятни илмий бошқариш доимо амалий социологик тадқиқот натижаларига таянмо\и зарур. Мавжуд ижтимоий муаммоларни щал этиб боришда, жамиятни ижтимоий ривожланишида ва уни режали прогноз бериш билан илмий асосда бошқаришда амалий социологик тадқиқот натижалари мущим вазифаларни бажаради.

Социологик тадқиқотларнинг сифат даражасини ва самарадорлигини ошириш учун эмпирик маълумотларнинг ишончли эканлигини, илмий асосланганлигини таъминлаш учун, унинг методологик асосига алощида эътибор қаратилмо\и лозим. Ушбу бЎлимда амалий социологик тадқиқот ишлари олиб боришнинг методологияси, услубияти, асосий усул ва воситалари хусусида тЎхталиб Ўтамиз.

Амалий социологик тадқиқот жараёнини 4 асосий босқичга бЎлиб кЎрсатиш мумкин. Бу босқичларнинг щар бири Ўзига хос хусусиятларга ва мущим жищатларга эгадир. Булар қуйидагилардан иборат:

1. БОСКИЧ. Социологик тадқиқотни тайёрлаш ва ташкил қилиш.

1.1. Амалий социологик вазифани белгилаш ва тадқиқот предметини танлаш;
1.2. Социологик тадқиқот Ўтказиш бЎйича бюртма қабул қилиш ва уни Ўтказиш бЎйича шартнома тЎзиш:

1.3. Бажариладиган ишлар бЎйича календарь режа, техник вазифаларни ва бюджет (сарф қилинадиган харажатлар сметасини) тузиш;
1.4. Дастур ишлаб чиқиш;
1.5. Тадқиқот услубияти, техникаларни ва воситаларини ишлаб чиқиш;

2. БОСКИЧ. Асосий босқич бЎлиб, амалий тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнини Ўз ичига олади:
2.1. Социологик тадқиқот танловини Ўтказиш;
2.2. Пилотаж;
2.3. Дастлабки социологик маълумотларни йиғиш;
2.4. Эмпирик маълумотларнинг сифат ва аниқлик даражасини назорат қилиш;

3. БОСКИЧ. Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш.
3.1. Олинган эмпирик маълумотларни гурущларга ажратиш;
3.2. Тақсимий жадвал тузиш;
3.3. Эмпирик маълумотларни компьютерга киритиш ва моделлаштириш;

4. БОСКИЧ. Якунловчи босқич бЎлиб олинган маълумотларни тащлил қилиш, умумлаштириш, улардан илмий хулосалар чиқариш ва амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишни Ўз ичига олади.
4.1. Тадқиқот маълумотларнинг дастлабки таснифи ва назарий жищатидан фащмламоқ;
4.2. Илмий-назарий хулосалар, муайян илмий-амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш;
4.3. Берилган вазифа бЎйича илмий матнлар, щисоботлар тайёрлаш;

Германиялик социологлар амалий социологик тадқиқотларни 4 босқичдан иборат деб кЎрсатадилар.
1. Асосий босқич: амалий тадқиқотни тайёрлаш ва ташқил этиш босқичи. Бу босқичда 4 та вазифа бажарилади:
1.1. Эмпирик тадқиқот мақсадини аниқлаш ва белгилаш;
1.2. Эмпирик тадқиқот \оясини ишлаб чиқиш;
1.3. Эмпирик тадқиқот жараёнини ташкил этиш;
1.4. Аналитик муолажа тайёрлаш.

2-Босқич: Асосий босқич: эмпирик тадқиқот ва экспремент Ўтказиш. 3-Босқич. Олинган эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Бу босқичда 3 та вазифа бажарилади:3.1 Олинган эмпирик тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш;3.2 Назарий жищатдан қайта ишлаш;**3.3** Олинган натижаларни амалиётда қЎллаш; Щар қандай тадқиқот бирон-бир муаммони қЎйилишидан бошланади. Бундай муаммо ташқаридан, буюртмачи томонидан берилиши ёки жамият щаётида Ўзининг илмий ечимини кутаётган муаммо бЎлиши мумкин. Шулардан

келиб чиқиб, социологик тадқиқотларни ташкил қилишнинг асосий шакллари: давлат буюртмаси асосида, хЎжалик шартномаси асосида, жамоатчилик ва аралаш тартибда бЎлиши мумкин.2. Социологик тадқиқот дастури ва унинг таркибий тузилиши. Эмпирик социологик тадқиқот объекти бЎйича Ўтказилган дастлабки тащлиллар асосида мавжуд мауммони тащлил қилиш дастури ишлаб чиқилади. Илмий дастур щар қандай амалий назарий социологик тадқиқотнинг дастлабки зарур щужжати щисобланади. Дастур социологик тадқиқот объекти бЎйича ишчи фаразни текширишга қаратилган, шунингдек тадқиқот бЎйича илмий фараз, бажариладиган асосий вазифалари ва социологик тадқиқот методологик асосининг баёнидан иборат. Дастур мазмуни хақида қисқача маълумот берилиши аннотация деб аталади.

Щар қандай эмпирик социологик тадқиқот дастурининг умумий талаблари мавжуд. Буларга, тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаш; ишчи фаразни ишлаб чиқиш; дастурни ишлаб чиқиш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш кабилар киради. Социологик тадқиқот дастури ички тузилиши жищатидан қуйидаги қисмлардан иборат бЎлади:**Назарий - методологик қисм.**1.1 Социологик муаммони ишлаб чиқиш, тадқиқот мақсади ва вазифасини белгилаш;1.2 Тадқиқот объекти ва предметини белгилаш;1.3 Асосий тушунчаларни ишлаб чиқиш.1.4 Тадқиқот предметини дастлабки тахминий тащлили;1.5 Ишчи фаразни ишлаб чиқиш;**Амалий социологик тадқиқотни иш жараёни қисми:**2.1 Тадқиқотнинг умумий режаси;2.2 Асосий амалий иш жараёнлари;2.3 Танлов ишлари;2.4 Дастлабки олинган социологик маълумотларни тащлил қилиш усулларининг таснифи.2.5 Тадқиқот натижаларини умумлаштириш назарда тутилган йЎналишлар.**3. ХУЛОСА ҚИСМИ.**3.1 Тадқиқот натижаларининг мазмунан таснифи;3.2 Буюртмачига тадқиқот натижаларини тақдим қилиш шакллари (асосий хулосалардан иборат щисобот, амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлардан иборат). Тадқиқот мақсади ва вазифаси. Дастурнинг ушбу қисмида социологик тадқиқот буюртмачи ва бажарувчилар Ўртасидаги муносабат Ўзаро келишиб олинади. Тадқиқот учун сарф қилинадиган харажатлар: молиявий мещнат ресурслари щисоблаб чиқилади.

Социологик тадқиқот мақсади турлича бЎлиши мумкин. Масалан, муайян ишлаб чиқариш корхонасида мещнат унумдорлигини кЎтариш муаммосини социологик тадқиқот қилиш зарур бЎлса, бунда асосий мақсад мещнат унумдорлиги пастлигининг асосий сабабларини аниқлаш, мавжуд яширин иқтисодий имкониятларни қидириб топиш ва мавжуд шарт-шароитни Ўзгартирищдан иборат.**ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ.** Тадқиқот предмети мавжуд социологик муаммони асосий масалаларидан бири щисобланади. Бир хил муаммоли щолатда ягона эмпирик тадқиқот объекти бЎйича тадқиқот предмети бЎладиган бир неча йЎналишлар бЎлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тадқиқот предмети шаклланганда, мавжуд муаммони ечиш йЎллари бЎйича илмий фараз тузилади, шу билан бирга, социологик тадқиқот Ўтказиш усуллари ва шаклларига таъриф берилади. Социологик тадқиқот объекти деганда, социологик йЎналтирилган ижтимоий щодиса ва жараён ва тузилмалар

тушунилади. Щар қандай социологик тадқиқот объекти тизимли хусусиятига асосан вақт, маконий имконият ва миқдорий Ўлчов чегарасига эга бЎлади. Эмпирик социологик тадқиқот дастурининг назарий-услубий даражасида тадқиқот объектини танлаш мущим ащамиятга эга. Щал қилиниши зарур бЎлган муаммо характери, унинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаси тадқиқот объектининг қандай бЎлишлигини белгилайди. Агар тадқиқот объекти унчалик катта бЎлмаса, социологик жищатдан уни тЎлалигича қамраб олиш имконияти бЎлса, бир бутун щолда тадқиқот объекти қилиб олиниши мумкин. Баъзан эса мураккаб социологик тадқиқот олиб бориш ёки тадқиқот объекти тЎлалигича қамраб олиш имконияти бЎлмайди. Шунинг учун бундай вазиятда тадқиқот объектини нисбатан аниқ чегараси белгилаб олиниши шарт.

**ДАСТУРДА АНИҚ КЎРСАТИЛИШИ ЗАРУР.**1) Эмпирик тадқиқот объекти; 2) Социологик тадқиқот объектини тЎлалигича қамрайдими ёки унинг айрим жищатларини танлаб оладими; 3) Танлов асосида олиб бориладиган социологик тадқиқот асоси (рЎйхат тузиш, картотека, социологик харита кабилар).

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ФАРАЗИ:** Мавжуд муаммо бЎйича илмий фараз ишлаб чиқиш эмпирик социологик тадқиқотни назарий жищатдан тайёрлашнининг якунловчи қисми щисобланади. Тадқиқот фарази- Ўрганилаётган ижтимоий щодиса таркиби ва унинг таркибий қисмлари Ўртасидаги Ўзаро алоқадорлик характери тЎ\рисидаги илмий асосланган фараздан иборат бЎлади. Илмий фараз тадқиқ этилаётган объект тЎ\рисидаги мавжуд маълумотларга асосланган щолда ишлаб чиқилади. Фараз, бу тадқиқот учун бошлангич нуқта бЎлиб, кейинги олиб бориладиган амалий социологик тадқиқотларда илгари суриладиган фаразга бо\лиқ бЎлади. Шуни таъкидлаш лозимки, фаразни ишлаб чиқиш-эмпирик маълумотларни тЎплаш ва тащлил қилишдаги мантиқий асосни ишлаб чиқиш демакдир. Агар тадқиқотчи томонидан илмий фараз ишлаб чиқилган бЎлса, эмпирик маълумотлар ва тадқиқот натижалари шу ишчи фаразини тЎ\ри эканлигини текширишга, уни тасдиқлашга ёки бекор қилишга хизмат қилади: Эмпирик тадқиқот фарази бЎлмаса, унда социологик тадқиқотнинг илмий даражаси паст бЎлади.

**ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ.** Дастур таркибидаги услубий қисмини мущим жищати- эмпирик тадқиқот услубияти, техникаси жараёни ва усулларини асослашдан иборат. Социологик тадқиқот услубияти- хусусий социологик усуллар мажмуи бЎлиб, ундан эмпирик материалларни тЎплаш ва тизимлаштириш мақсадида фойдаланилади. Метод тушунчаси кенг маънода билимлар тизимини юзага келтириш ва асослаш учун воситачи демакдир. Социологияда усул сифатида умумсоциологик пиринциплар щам, ижтимоий воқеаликдаги жараёнлар ва ходисаларни билишдаги хусусий принциплар ва конкрет усуллар- математик-статистик усуллар, социологик ахборотни йи\иш усуллари: кузатиш, сЎроқлар, экспримент ва бошқалар тушунилади. Социологик тадқиқот техникаси- махсус усулларнинг бирлигини англатиб у ёки бу усулдан унумли ва Ўз

Ўрнида фойдаланишни ифода қилади. Социологик тадқиқот жараёни тадқиқотни ташкил этиш усули, воситаси, барча билиш ва ташкилий фаолиятнинг батартиб бориш жараёнини англатади. Амалий социологик тадқиқот олиб бориш жараёнида конкрет тадқиқот усулларининг ащамияти катта. Улар ёрдамида дастлабки эмпирик маълумотлар йи\иб борилади. Қуйида шулар хусусида тЎхталиб Ўтамиз.

## СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР КУЗАТИШ УСУЛИ

Социологик тадқиқотларда кузатиш-дастлабки эмпирик маълумотларни йигиш усули бЎлиб, муайян мақсадга қаратилган, олдиндан пухта Ўйлаб, мунтазам олиб бориладиган, щиссий қабулга асосланган бЎлади. Бу усулдан фойдаланишнинг Ўзига хос афзаллиги шундаки, тадқиқотчи муайян даражада тадқиқот олиб бораётган объектидан мустақил бЎлади ва унга бЎйсунмайди. Кузатиш усулидан олинадиган илмий маълумотларда объектив холис ва щаётий бЎлиши билан Ўзининг илмий қимматига эгадир. Шу билан бирга, кузатиш усулидан олинган илмий маълумотларда субъектив жищатлар щам бЎлиши мумкин. Чунки, социологик тадқиқот тадқиқотчининг ижтимоий воқеликка, жараёнига нисбатан қандай муносабатда бЎлиши ва қай йЎсинда тавсифлаши асосида боради. Кузатиш усулининг яна бир Ўзига хос жищати; унинг муайян даражада чегараланганлиги бЎлиб, кЎпинча тадқиқ этилаётган воқеликни қайта кузатиш имконияти бЎлмаслигидадир. Бу усулнинг яна бир заиф жищати шундан иборатки, кузатиш орқали тадқиқотчини қизиқтириш саволга кузатилувчининг фикр ва щукмини билиш жуда қийин. Барча щолларда кузатиш щозирча сЎз билан ифодаланади. Аммо баъзи хулқий-эщтиросли муносабатларни, щолатларни бир тарзда ёзиш ва сЎз орқали ифодалаш қийин бЎлади. Кузатиш жараёнининг характерига қараб уни қуйидаги типларга ажратиб кЎрсатиш мумкин: назоратсиз, тЎла қамровли ва қамрамайдиган, дала ва лабаратория шароитида мунтазам ва тасодифий кабилар. Социологик тадқиқотларда кузатиш усули Ўрганилаётган объектга нисбатан четдан ёки ичкаридан қулланилиши мумкин. Тадқиқ этилаётган объект четдан кузатилганда тадқиқотчи объектга нисбатан мустақил бЎлади ва унга бЎйсунмайди. Ичкаридан кузатишда тадқиқотчи кузатаётган объектга рЎй бераётган ижтимоий жараёнларда бевосита иштирок этади ва бЎйсунади. Социологик тадқиқотларда фақатгина кузатиш усулидан фойдаланиш билан кифояланиб қолмаслик керак. Чунки, кузатиш усули орқали олинган натижалар Ўрганилаётган объект тЎ\рисида тЎлиқ маълумот бера олмайди. Бу усулдан кЎпгина социологик тадқиқотнинг дастлабки босқичларида, объект тЎ\рисида дастлабки тасаввурга эга бЎлиш учун ёки социологик тадқиқотларнинг бошқа усуллари ёрдамида олинган маълумотларни статистик хужжатларни қЎшимча равишда текшириш мақсадида фойдаланилади.

### Қисқача хулосалар

Амалий (эмпирик) социологик тадқиқотлар Ўтказиш орқали талабалар, мутасадди мутахассислар щамда кенг жамоатчилик оммаси социологик ахборотлар тизимини яратишда катта имкониятларга эга бЎладилар.

Социологик тадқиқотлар жамиятнинг турли сощалари фаолиятини мЎтадил ривожлантиришда катта ащамиятга эгадир. Бозор муносабатларига Ўтиш шароитида жамиятнинг турли сощаларини бир бирига мувофиқлаштириш лозим бЎлади. Буни амалга оширишда социология фанининг имкониятларидан тЎла фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Эмпирик тадқиқотлар тажрибасидан щар хил сощадаги ва касбдаги ходимлар щам Ўз ишларида кенг фойдаланишлари мумкин.1

## Таянч иборалар:

Эмпирик, пилотанс, илмий матин, аналитик муолажа, аннатация, социал экспиримент, гипотеза, социометрлик сЎров, панель сЎров.

## Назорат ва мухокама учун саволлар:

1. Эмпирик социологик тадқиқотнинг мақсадини айтиб беринг?
2. Эмпирик социологик тадқиқотнинг усулларини баён этиб беринг.
3. Социологик тадқиқот дастури тушунчасини изощланг.
4. Тадқиқот дастурининг таркибий тузилишини айтиб беринг?
5. Эмпирик тадқиқотнинг босқичларини изощлаб беринг.

## АДАБИЁТЛАР:


1. И.Каримов. Адолатли жамият сари - Т.: 98.
2. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси -Т.: 98.
3. Бекмуродов А. Социология асослари -Т.:-1994.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:92.
5. Инсон тараққиёти тЎ\рисида щисобот - Т.: 1998

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг никощ ва оила кодекси. Т.: “Ўзбекистон” 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тЎ\рисидаги Қонуни. Т.: 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш бЎйича Миллий Дастури. Т.: 1997.
5. Ўзбекистон Республикасининг Мещнат Кодекси. Т.: 1996.
6. Каримов И. А. Туркистон умумий уйимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислощотларни чуқурлаштириш йЎлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
8. Каримов И. А. Биздан озот ва обот Ватан қолсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
9. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси - Т.: 1998.
10. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари - Т.: 1998.
11. Каримов И. А. Адолатли жамият сари - Т.: 1998.
12. Каримов И. А. Асарлари асосида талаба-Ўқувчиларни маънавий ащлоқий тарбиялашнинг асосий тамойиллари - Т.: 1997.
13. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мавкура - Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
14. Каримов И. А. Ватан саждагощ каби муқаддасдир - Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
15. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI-аср бЎса\асида: хавфсизликка тащдид, барқарорлик шартлари, тараққийт кафолатлари. Т.: 1998.
16. Каримов И. А. Бунёдкорлик йЎлидан. Т.: 1996.
17. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI- асрга интилмоқда. Т.: 1998.
18. Каримов И. А. Тадбиркорлик - юксалиш гарови, Вазирлар Махкамасининг 1999, 27-июль Хисобот Мажлисидаги нутқи. Тош. оқшоми. 1999. №-87.
19. Абу Наср Форобий, Фозил одамлар шахри, Т.: 1993.
20. Алиқориев Н. Умумий социология. Т.: 1999.
21. Алиқориев Н. Социология ва таълим тараққиёти. Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва ил\ор тажрибалар. Т.:2, 1998.

22. Алиқориев Н. Управление занятостью и трудовЎм ресурсами в региональнЎх системах. Т.: “Фан”, 1991.
23. Алиқориев Н. Моделирование социальнЎх процессов. Т.: “Фан”, 1979.
24. Арен Р. ЭтапЎ развития социологической мЎсли. М.: 1993.
25. Аитов Н.А. Социология труда. Алма-Ата, 1996.
26. Алексеев Н.И. Экономический эксперимент: социальнЎе аспектЎ. М.: “Наука”, 1987.
27. Американская социологическая мЎсль. М., 1991.
28. Андреев Ю.М., Коржевская Н.М. и др. СоциальнЎе институтЎ, содержание, функции, контроль. Свердловск, 1989.
29. Антонов А.И., Медков В.М. Социология семьи. М., 1996.
30. Афонин А.С. Трудовое поведение: социолого-экономический анализ. Киев, 1991.
31. Бекмуродов М. Социология асослари. Т., 1997.
32. Бегматов А. Социология асослари. Андижон, 1995.
33. БЎриева М. Оилада нечта фарзанд бЎлгани маъқул? Т., “Адолат”, 1995.
34. БатЎгин Г.С. Лекции по методологии социологических исстедований: Учебник. М., 1995.
35. Волков Ю.Г., Мостовая И.В. Социология. Уч. Пособие. М. 1995.
36. Вебер М. ИзбраннЎе произведения. М., 1990.
37. Волков Ю.Г. Личность и гуманизм. (Социологический аспект). М., 1995.
38. Данило Маркович. Социология труда. М., “Прогресс”, 1998.
39. Дворецкая Г.В., МахнарЎлов В.П. Социология труда: Уч. пособие. М., 1998.
40. Дюркгейм Э. Метод социологии. Спб., 1898.
41. Дюркгейм Э. О развитии общественного труда. Метод социологии. М., 1990.
42. Дикарёва А.А., Мирская М.И. Социология труда. Уч. пособие. М., 1995.
43. Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., “Ўқитувчи”, 1994.
44. Зборовский Г.И. Социология образования. Екатеринбург, 1993.
45. Зборовский Г.И., Орлов Г.П. Введение в социологию. Екатеринбург, 1995.
46. Инсон тараққиёти тЎ\рисида щисобот. Т., 1998.
47. Илщомов А. Ўзбекистон истиқболлари: концептуал модель тузиш тажрибаси. Ж. Халқ ва демократия. 1994, №7.
48. Капитонов Э.А. Социология XX-века. История и технология. Растов на Дону, 1996.
49. Каримов С. “Ибн Халдун Шарқ социологиясининг отаси”, Халқ сЎзи, 1998, 5-февраль, №246.
50. КЎп хотинлилик айб-ми?, Оила ва жамият, 1998, №5.
51. Краткий очерк истории социологии. М., 1990.
52. Кон И.С. В поисках себя: Личность и её самосознание. М., 1984.
53. Лавриненко В.И., Нартов Н.А. ОсновЎ социологических знаний. Уч. пособие. М., 1995.
54. Мацковский М.С. Социология семьи. ПроблемЎ ритории, методология и методики. М., 1989.

55. Муллажонова М.М. Миллий педагогиканинг шаклланиши. Туркистон рЎзномаси. 1999, 7-июль сони.
56. Радаев В.В., Шкаратан О.И. Социальная стратификация. М., 1995.
57. Радугин А.А. , Радугин Н.А. Социология. Курс лекций. М.,1996.
58. Резник Ю.М. Социальное измерение жизненного мира. Введение в социологию жизни. М., 1995.
59. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1997.
60. Современная западная социология: классические традиции и поиски новой парадигмЎ. М., 1990.
61. Соколова Н.Г. Экономическая социология. М., 1994.
62. Социология. М., 1990.
63. Социология. Уч. пос. М., 1997.
64. Социология. Мақола. “Иқтисод ва щисобот”, 1996, №2.
65. Сорокин П. ГраницЎ и предмет социологии. В кн.: НовЎе идеи в социологии. “Образование” Спб.,1913.
66. Социальное развитие: Теория и практика. Сб.ст. Фролов С.М. ИСИ.
67. Социология организации.словарь-справочник. М., 1996.
68. Смирнова Н. Ишсизликнинг социал қиёфаси. Инсон ва демократия. 1993. №1
69. Убайдуллаева Р.Т., Щайдаров А. Социология тарихи. Т.,1993.
70. Умаров Б. Иқтисодий ислощот Ўзбекистон Ўртача ащолисининг нигощида. Халқ ва демократия, 1992, №4.
71. Фролов А.Н. Социология. М., “Логос”, 1996.
72. Харчева В. ОсновЎ социологии. М., 1994.
73. Холбеков А., Идиров У. Социология. Т., 1999.
74. Хошимов Т.Р. Социология .(Ўқув - услуб. қЎлл.).Т.,1996.
75. Ческидов В.М., Щербакова Г.Л. Оиланинг социал -иқтисодий асослари. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
76. Чориев А.Ижтимоий тарбия. “Мулоқот” жури. 1995, №1-2.
77. Эшоқулов А. Тарбия: муаммо ва ечимлар. “Мулоқот” жур. 1993,№11
78. Юнусов К. Социология. Андижон. 1997.
79. Ўзбегим. “Ватан” серияси. Т., 1992.
80. Қодирова З. “СЎровларда акс этган турмуш”, Халқ сЎзи, 1998, 3-февраль №2-4.
81. Қодирова З., Каменев Е., Велюнская Е. Ишлови хотин- қизлар: мещнат ва турмуш. “Инсон ва демократия”, 1993, №5.
82. /уломов С.С. Ижтимоий йЎналтирилган бозор иқтисодиёти. Т., “Мещнат”, 1997.

МУНДАРИЖА

К и р и ш-------------------------------------------------------------------------------

1- МАВЗУ - Социологиянинг предмети, таркибий тузилиши ва ривожланиш қонуниятлари-------------------------------------------------------------------------------

2- МАВЗУ - Социология фанининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари-------------------------------------------------------------------------------

3- МАВЗУ - Социал муносабатлар социологияси -------------------------------

4- МАВЗУ - Таълим ва тарбия социологияси -----------------------------------

5- МАВЗУ - Ижтимоий - этник муносабатлар ----------------------------------

6- МАВЗУ - Никощ ва оила социологияси ---------------------------------------

7- МАВЗУ - Жамият, шахс ва гурущлар социологияси ------------------------

8- МАВЗУ - Мещнат ва мещнат жамоалари социологияси---------------------

9- МАВЗУ - Жамоатчилик фикри социологияси--------------------------------

10- МАВЗУ - Институтлар, ташкилотлар ва тизимлар социологияси ---------

11- МАВЗУ - Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти --------------------------

12- МАВЗУ - Эмпирик социологик тадқиқотлар---------------------------------

А д а б и ё т л а р-------------------------------------------------------------------